

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

Г. ЮЛДАШЕВА

ДИПЛОМАТИК
ВА КОНСУЛЛИК ҲУҚУҚ

(Магистрлар учун ўқув қўлланма)

241 /
Ю-31

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎРИДИК ИНСТИТУТИ

Г. ЮЛДАШЕВА

**ДИПЛОМАТИК ВА КОНСУЛЛИК
ХУҚУҚ**

(Магистрлар учун ўқув кўлланма)

2006-07

Тошкент-2007

Ўкув кўлланма Тошкент давлат юридик институти Уқув–услубий Кенгаши мажлисининг 2007 йил 21 сентябрь I-сонли баённома билан тасдиқлаган ва нашрга тавсия этилган.

Юлдашева Г.

ДИПЛОМАТИК ВА КОНСУЛЛИК ҲУҚУҚ

Магистрлар учун ўкув кўлланма.

Масъул мухаррир: ю.ф.д. О.З. Муҳамаджонов

ТДЮИ нашриёти, 2007. 112 бет.

Сарлавҳада: Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, ТДЮИ.

Тақризчилар: юридик фанлари доктори **Исмаилов Б.**
юридик фанлари номзоди **Юлдашева З.А.**

Узбекистон Республикаси мустақиликка эришгандан кейин ҳалқаро ҳуқуқнинг субъекти бўлиб, дунёning кўп давлатлари билан дипломатик ва консуллик муносабатлар үрнатди. Ушбу ўқув кўлланмада дипломатик ва консуллик фаолиятининг ҳуқуқий жабхалари очиб берилган.

Ўкув кўлланма ҳалқаро ҳуқуқ ўннатиши магистрлар, юридик ва дипломатия институлари талабатари, дипломатик ва консуллик амалиёт ходимлари ва барча қизиқувчиларга мўлжалланган.

© Г.Юлдашева.

© Тошкент давлат юридик институти, 2007 йил.

Мундарижа:

Кириш.....	5
Мавзу: Дипломатик ва консуллик ҳуқуки тушунчаси ва предмети.....	9
1. Дипломатик ҳуқуқнинг тушунчаси.	
2. Дипломатик ҳуқуқнинг тизими ва предмети.	
Мавзу: Дипломатик ҳуқуқ манбалари.....	11
1. Дипломатик ҳуқуқда манбаларнинг умумий тушунчаси.	
2. 1961 йилги Дипломатик алоқалар тұғрисидаги Вена конвенцияси дипломатик ҳуқуқининг өзг асосий манбаси сифатида.	
3. Халқаро одат нормалари. Халқаро ташкилотларнинг қарорлари.	
4. Халқаро суд органининг қарорлари. Халқаро ҳуқуқ доктриналари.	
5. Давлатларнинг миллий қонунчилиги дипломатик ҳуқуқнинг күшимча манбай сифатида.	
Мавзу. Дипломатик ваколатхоналар фаолиятининг ҳуқукий асослари.....	25
1. Дипломатик ваколатхоналар тушунчаси ва турлари;	
2. Дипломатик ваколатхоналарнинг вазифалари;	
3. Дипломатик ваколатхона раҳбари;	
4. Дипломатик ваколатхоналарнинг ходимлари;	
5. Махсус миссиялар	
6. Давлатларнинг халқаро ташкилотлардаги ваколатхоналари.	
Мавзу: Дипломатик иммунитет ва имтиёзлар.....	34
1. Дипломатик иммунитет ва имтиёзларнинг назарий-ҳуқукий асослари.	
2. Дипломатик ваколатхоналарнинг иммунитет ва имтиёзлари.	
3. Дипломатик ваколатхоналарнинг раҳбари ва персоналиниң шахсий иммунитет ва имтиёзлари.	
Мавзу: Консуллик ҳуқуқ институнияның тушунчаси ва предмети.....	60
1. Консуллик ҳуқуқ тушунчаси.	
2. Консуллик ҳуқуқнинг тарихий ривожланиши	
Мавзу. Консуллик ҳуқуқ манбаларининг тизими.....	68
1. Консуллик ҳуқуқ манбаси тушунчаси.	

2. Консуллик ҳуқукининг ҳалқаро ҳуқукий маибалири. Консуллик алоқалари тұғрисидаги Вена Конвенцияси.	
3. Ұзбекистон Республикасининг консуллик мұносабатларини тартибга солувчи конун ҳужжатлари.	
Мавзу: Консуллик муассаси ғаолиятиниң ташкил этишнинг юридик хусусиятлари.....	79
1. Консуллик муассасалари түшүнчеси ва тоифалари.	
2. Консуллик муассасаларининг функциялари.	
3. Консуллик муассаси ходимлариин тайинлашнинг ҳуқукий тартиби.	
Мавзу: Консуллик муассасалари ва улар ходимларининг иммунитет ва имтиёзлари.....	93
1. Консуллик муасссаларининг иммунитет ва имтиёзлари.	
2. Консуллик муасссалари ходимларининг иммунитет ва имтиёзлари.	
Тавсия этиладиган адабиётлар рұйхаты.....	105

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг халқаро ҳуқуқнинг teng субъектига айланди. Ўзбекистон ўзини халқаро ҳамжамиятнинг таркибий қисми сифатида англамоқда. Ҳозир мустақил Ўзбекистон ўз тақдирини ўзи белгилайди, умумбашарий қадриятлар устуворлигига асосланадиган, инсонпарварлик қоидаларини тан олиган кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган давлатдир. Мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаб берадиган халқимизнинг бой тарихи, урф-одатлари, анъаналарини қадрлайдиган ва тикладиган, барқарор бозор иқтисодиётiga босқичма-босқич ўтаётган, ҳар томонлама ички ва ташқи сиёсатни амалга ошираётган, аҳоли турмушини яхшилаш, ижтимоий ҳимояни олий максад қилиб кўйган келажаги буюк давлатдир¹.

Ўзбекистон Республикасининг ўз мустақиллигини қўлга киритиши мамлакатимизнинг кўхна тарихида асрлар давомида кутилган буюк тарихий ҳодиса бўлди. Истиқлол шарофати Ватанимизнинг чинакам суверен давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятига жадал суръатларда интеграциялашувига, миллий манфаатларига таянган ички сиёсатни амалга оширишга, умуман олганда, давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий юксалишига, халқаро муносабатлардаги салмоғини оширилишига замин яратди. Дарҳақиқат, мұхтаррам Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек «Мустақиллик ва суверенитет жаҳон ҳамжамиятига кириб боришимизга, барча давлатлар билан teng ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатишимишга имкон яратди»².

Асосий Комусимиз ҳисобланган Конституциямизда давлатимизнинг ташқи муносабатларидағи мустақил мақоми

¹ Касымов А, Висекин И Основные направления внешней политики Республики Узбекистан – Г. Узбекистон. 1994

² Каримов И А Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг мухим вазифалари – Т. Узбекистон. 1996 3-бет

хуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиб. унда белгиланганидек, «Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тұла хуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглигига, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қиласмынан, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидалари ва нормаларига асосланади»³.

Халқаро хуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига риоя этган ҳолда ташқи сиёсатни амалга ошириш зарурияти, нафақат давлатимизда, балки бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий-ижтимоий баркамолликни қарор топтириш каби халқимизнинг миллий манфаатлари ҳисобланган мақсадларидан келиб чиқади. Башарти, давлатимизнинг фаровонлигини, тинч-тотувлигини, халқаро хуқук меъёrlарига асосланган ҳолда, дунё ҳамжамиятiga интеграциялашувисиз, жаҳон саҳнасида фаол ҳаракатларисиз тасаввур қилиш мумкин эмас⁴.

Ўзбекистон Республикаси демократик хуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида халқаро умумэътироф этилган нормаларга оғишмай амал қилиб келмоқда. Мустакилликнинг қиска даврида халқаро муносабатлар соҳасида салмоқли ишлар бажарилди ҳамда бу халқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳоланади. Мамлакатимизда танланган ривожланиш йўли накадар тўғрилиги кундалик ижобий ўзгаришларда яққол намоён булмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2005 йил 7 февраль куни Оқсарой қароргоҳида Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан йигилишда таъкидлаганидек, “Биз мустакил тараққиёт йўлида ўн тўрт йўлидан бўён кенг кўламли ислоҳотларни изчилилк билан олиб бормоқдамиз. Бу борада биз танланган модель, жамият ҳаётни эркинлаштириш жараёнлари амалда ўз-ўзини оқлагани кўп-кўп мисолларда кўришимиз қийин эмас. Бу ҳаётимизнинг деярли барча жабҳаларда ўз тасдиғи ва исботини топган, кўпчилик томонидан тан олинган ҳақиқатdir”.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқаро хуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллар ва қоидаларига асосланниб қабул қилинган булиб, у Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан алоқаларини ўртнатишига ва ривожлантиришига қўмаклашди. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати давлатларнинг

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси -1 2001 17-бет
Маткаримова Г. А. Имплементация жардеми “Қонун ҳикоясида 1999 94-111-бетлар

суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид килмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан хал этиш, бошка давлатларнинг ишларига аралашмаслик каби халқаро хукукнинг умумэътироф этилган нормаларга асосланади. Мазкур ёндашув халқаро муносабатларда тинчлик ва хавфсизлик, давлатлар ўргасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишнинг асосий гарови бўлиб, мамлакатмизнинг жаҳондаги обруси ошиб бораётганлигига замин яратмоқда. Дунёдаги 160 дан ортик мамлакат билан расмий дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Тошкентда 35 мамлакат ўз элчиҳонасини очган. Республикада 88 та чет давлат ваколатхоналари рўйхатдан ўтган, 4 та хукumatлараро ташкилот ва 13 та ноҳукумат ташкилоти ишлаб турибди. Ўтган йиллар давомида Узбекистон Республикаси кўплаб жуда муҳим халқаро шартнома ва конвенцияларга кўшилди. Дарҳакиқат, Узбекистон Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг Конунчилик палатасининг ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърӯзасида таъкидалаганидек: «Бугун ҳеч муболагасиз, ғурур ва ифтихор билан айтиш мумкинки, мустақилликка эришганимиздан бўён ўтган тарихан қиска давр ичидан мамлакатимиз дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади» дея, гоятда асосли равища таъкидлади⁵.

Ташки сиёsat давлатнинг бошка давлатлар билан муносабатлари соҳасидаги фаолиятининг мақсад, восита ва усуллари йигиндиси сифатида тушунилса, дипломатия ва конусллик алоқалари ташки сиёsatнинг воситалари ҳисобланиб, тегишли давлат органларининг давлат ташки сиёsatи мақсад ва вазифаларини тинч йўл билан амалга ошириш борасидаги фаолияти сифатида таърифланади⁶. Дунё мамлакатлари билан қилинаётган ўзаро фойдали ҳамкорлик ва алоқаларнинг кенгайиб бораётганлиги бизга республика салоҳиятини юзага чиқариш ва мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, демократик ва бозор ислоҳотлари йўлидан мувваффакиятли ҳаракат қилиш учун кенг имкониятлар очиб бермоқда. Мана шундай халқаро алоқаларни амалга ошириш Узбекистон Республикаси консусллик муассасаларининг

⁵ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш мамлакатни модернизация ва ислоҳ килишdir – Т. Узбекистон 2005 15-бет

⁶ Турсунов АС Конституционные основы внешней политики Республики Узбекистан. Автограф дис на соискание дюн Т Академия Государственного и общественного строительства при Президенте Республики Узбекистан 2002 С 49.

фаолиятини ҳукукий жиҳатдан тартибга солиш долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси копсуллик хизматини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошка конунларда назарда тутилган фукароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини тұла-тұқис ҳимоя қиласынан даражага олиб чиқиш лозим. Сұнгги йилларда бу борада күплаб ишлар амалға оширилди ва Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг фаолиятини тартибга солишағ қаратылған бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул килинди.

Юкоридагиларнинг барчаси, консуллик алоқаларининг ҳалқаро-хукуқий асосларини үрганиш ва тадқиқ қилиш, уларнинг ҳукукий тартибга солишдаги муаммоларни аниклаш, ушбу муаммолар ечимини топған ҳолда илмий холосалар чиқариш, таклиф ва тавсиялар беріш Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётіга асосланған демократик ҳукукий давлат ва фукаролик жамиятини кураётған даврда долзарб вазифалар эканлыгини белгилаб беради.

Мавзу: Дипломатик ҳуқуки тушунчаси ва предмети

1. Дипломатик ҳуқуқнинг тушунчаси.
2. Дипломатик ҳуқуқнинг тизими ва предмети.

Дипломатик ҳуқуки-давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасидаги алоқалар тартибига тааллукли принцип ва нормаларни ўз ичига олган халқаро ҳуқуқнинг соҳасидир.

Дипломатик ҳуқуқ — халқаро ҳуқуқнинг кадимий ва алохидаги мустакил соҳасидир. Дипломатик ва консуллик ҳуқуқини бир-биридан фарқлаш мақсадга мувофиқдир, чунки уларнинг охиргиси давлатлараро муносабатларнинг маҳсус ва етарли даражада торсоҳасини ифодалайди.

Дипломатик ҳуқуқ — халқаро-ҳуқукий нормаларнинг нисбатан мустакил тизими бўлиб, халқаро муносабатларда давлатлар вакиллигини тартибга солади. Мазкур муносабатларнинг иштирокчилари давлатларнинг ўзлари бўлиб, ушбу халқаро муносабатлар ҳуқукий муносабатлар характеристерини олади. Тегишли дипломатик муассасалар функцияси ўз давлати манфаатларини у иштирок этайтган турли халқаро (сиёсий, иктисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа) муносабатларда ҳимоя қилишдир.

Дипломатик ҳуқуқ умуман, гарчи чекланган доираларда бўлсада, консуллик муносабатларини ҳам камраб олади.

Дипломатик ҳуқуки аввалинг давлатнинг ташки алоқа идораларининг ҳуқукий ҳолати ва фаолияти ҳамда ҳукуматлараро ташкилотларнинг ва уларнинг ходимлари имтиёз ва иммунитетлари масалаларини тартибга солади.

Дипломатик ҳуқуқ — «ташки алоқалар ҳуқуқи» деб номлашлозим бўлган халқаро ҳуқуқ институтининг бир қисмидир, чунки халқаро ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган халқаро муносабатларда нафакат давлатлар, балки бошқа субъектлар, ҳусусан, халқаро ташкилотлар — универсал, регионал (БМТ Устави мазмунида) ва маҳаллий, халқаро органлар ва ўз ташки алоқаларини улар номидан катнашувчи тузилмалар орқали ифода этувчи бошқа халқаро институглар иштирок этади.

Ташки алоқалар ҳуқуқи — халқаро-ҳуқукий нормаларнинг шундай тизимики, у халқаро муносабатларда халқаро ҳуқуқ субъектлари вакиллигини тартибга солади. Бу, асосан, одат нормалари саналади. Бироқ, универсал характердаги конвенциялар

(масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти имтиёз ва иммунитетлари тұғрисидаги 1946 йил конвенцияси ва Ихтисослашган муассасалар имтиёз ва иммунитетлари тұғрисидаги 1947 йил конвенцияси) ҳам мавжуд.

Дипломатик хукуқ — давлатнинг ташки алоқалари соҳасида фаолияттаги юритувчи органлари макоми ва функцияларини тартибга солувчи нормалар йигиндисини ифодаловчи халқаро хукуқ соҳасидир.

Дипломатик хукуқ тизими дипломатиянинг асосий шаклларига:

- бириңчидан, дипломатик ваколатхоналар ёки тузилган шартноманинг бажарилишини таъмин этишга хизмат килувчи давлатларнинг маҳсус миссиялари томонидан амалга ошириладиган икки томонлама дипломатия;
- иккинчидан, халқаро конференция ва халқаро ташкилотлар сессияларида давлатлар делегациялари томонидан амалга ошириладиган күп томонлама дипломатия;
- учинчидан, халқаро ташкилотлар хузуридаги давлатларнинг доимий ваколатхоналари томонидан амалга ошириладиган дипломатия мос келади.

Дипломатик хукуки халқаро хукуқнинг энг қадимий соҳасидир. Үтмишда бошқа давлатларга вақти-вақти билан юбориладиган элчилар институти мавжуд бўлган. Шу билан бир қаторда дипломатик алоқа асослари, дастлаб элчиларнинг дахлсизлиги тұғрисидаги нормалар юзага келди. Европада XVI-XVIII асрларда доимий дипломатик ваколатхоналарнинг вужудга келиши билан аста секин дипломатик хукуқ ривожлана борди.

II-жаҳон урушига қадар, дипломатик ва консуллик хукуки асосан одат нормаларидан ташкил топган эди. Ягона умумий характерга эга бўлган хужжат 1815 йилги дипломатик вакилларнинг даражалари тұғрисидаги Вена протоколи (регламент) ҳисобланади. Мазкур Регламентнинг нормалари вақт ўтиши билан умумэтироф этилган нормаларга айландилар.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг дипломатик ва консуллик хукукининг прогрессив тараққиёти ва кодификацияси мақсадида, бир қатор халқаро конвенциялар тузилади. Булар амалдаги: 1961 йилда қабул қилинган **Дипломатик алоқалар тұғрисидаги Вена конвенцияси**; 1969 йилда қабул қилинган **Маҳсус миссиялар тұғрисидаги конвенция**; 1975 йилда қабул қилинган

Давлатларнинг универсал характердаги халқаро ташкилотлар билан ўзаро муносабатларидағи вакиллігі тұғрисидаги Вена конвенциясы; 1963 йилда қабул қилинган Консуллик алоқалари тұғрисидаги Вена конвенциясидир.

Улардан ташқари халқаро ташкилотларнинг имтиёз ва иммунитетлари тұғрисидаги тегишли коidalар одатда, ушбу ташкилотларнинг низомларида бўлади. БМТ ва ихтисослаштирилган муассасаларга тааллукли иккита асосий конвенция, яни 1946 йилги БМТ имтиёз ва иммунитетлари тұғрисидаги Конвенция ҳамда 1947 йилги БМТ ихтисослаштирилган муассасаларининг имтиёз ва иммунитетлари тұғрисидаги Конвенция харакатдадир.

Кўпгина давлатларда дипломатик ва консуллик ваколатхоналар тұғрисидаги қонунчиликлари мавжуд. Ўзбекистон Республикасида ҳам "Ўзбекистон Республикасининг дипломатия даражасы ва мартабаларини белгилаш тұғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхона раҳбарларини чақириб олиш тартиби тұғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Консуллик устави" тұғрисидаги қонунлар шулар жумласидандир.

Мавзу: Дипломатик ҳуқуқ манбалари.

1. Дипломатик ҳуқуқда манбаларнинг умумий тушунчаси.
2. 1961 йилги Дипломатик алоқалар тұғрисидаги Вена конвенцияси дипломатик ҳуқуқининг энг асосий манбаси сифатида.
3. Халқаро одат нормалари. Халқаро ташкилотларнинг қарорлари.
4. Халқаро суд органининг қарорлари. Халқаро ҳуқуқ доктриналари.
5. Давлатларнинг миллий қонунчилиги дипломатик ҳуқуқнинг күшимча манбаи сифатида.

Халқаро ҳуқуқнинг соҳаси бўлмиш дипломатик ҳуқуқда манбалар, халқаро манбалари сифатида умумий таснифга эгадир. Бинобарин, халқаро ҳуқуқ манбалари тушунчаси билан дипломатик ва консуллик ҳуқуки манбаларининг бир-биридан фарқланувчи хусусиятлари ва ўзига хосликлари мавжуддир. Ҳуқукий манбалар ҳуқуқ пайдо қилувчи хусусияти, ҳуқукий муносабат субъектларининг ҳолатини, уларнинг мажбуриятларини ўрганувчи нормалар сифатида қаралганда, халқаро ҳуқукий муносабатларда

ҳал килувчи мавқега эгадир. Дипломатик хукуқнинг манбалари ўзининг кенг қамровлиги, амалда кенг қўлланаётганлиги билан ҳам ажralиб туради. Дипломатик хукуқ манбаларини дунёнинг аксарият ва турли давлатлари томонидан, универсал характердаги ва маҳсус ҳалқаро ташкилотлар томонидан қўлланиши уларнинг ҳалқаро ҳаётдаги дипломатик хукуқ манбалари турлича кўринишларга эга бўлиб, улар ҳалқаро шартномалар, ҳалқаро одат, ҳалқаро хукуқнинг умумий принциплари, ҳалқаро ташкилотларнинг регламент ва қарорлари, шунингдек, резолюциялари, ҳалқаро суднинг ҳал килувчи қарорлари, ҳалқаро хукуқдаги доктрина каби кўринишларга эгадир. Ҳар бир хукуқий манба ўзига хос ҳалқаро хукуқий норматив бўлиб, улар ҳалқаро хукуқнинг субъектлари – давлатлар томонидан, ҳалқаро ташкилотлар томонидан қўлланиш учун асос вазифасини үтайди.

Энди, бевосита дипломатик ва консуллик хукуқнинг манбаларига тўхталиб ўтсан. Дипломатик хукуқнинг манбалари ичida марказий ўринни ҳалқаро шартномалар эгаллади. Сизларга маълумки ҳалқаро шартномалар турлича номланиши мумкин ва уларнинг шакли ҳам турлича бўлиши мумкин. Ҳалқаро шартномалар сирасига ҳалқаро конвенцияларни, давлатлар ўртасида тузилган кўп томонлама ва икки томонлама шартномаларни, битимларини, келишувларни келтириш мумкин.

Дипломатик хукуқда ҳалқаро шартноманинг тури хисобланган – ҳалқаро конвенциялар энг асосий манба хисобланади.

Тарихий нуқтаи-назардан караганда, дипломатик муносабатлар ўрнатишида, давлатларнинг бир-бирига элчилар юбориши ва шундай миссиялар бажарилишидаги давлатларнинг хусусияти дипломатик фаолиятни амалга оширишда умумий бир яхлитликни пайдо қилишга тусқинлик қилган. Чунки дипломатик миссиялар юбориш ўтмишда ва ўрта асрларда давлатларнинг ички қонунчилиги билан тартибга солинган. Ва ниҳоят, **1815 йил 19 марта** Венада тўққизта Европанинг етакчи давлатлари томонидан, яъни Буюк Британия, Франция, Италия, Германия, Австрия, Россия, Пруссияда чакирилган конгресс “**Дипломатик вакилларнинг мартабалари тұғрисидаги низом**” қабул қилинган. Бу ҳалқаро хукуқий хужжат дипломатия тарихида биринча марта давлатларнинг дипломатик вакиллари учун бир хил мартабалар жорий этди. Бу хужжат тарихда Вена Конгресси номи билан кириб, у кейинги деярли бир ярим аср мобайнида дипломатик хукуқда

кенг күлланилган. Айнан шу хужжат дипломатик хукуқда давлатлар ўртасида XVIII асрда мавжуд бўлган дипломатик вакилларининг каттаси ва қолган мансабдор ўртасидаги келишмовчиликларга чек қўйди. Бу хужжатга кўра мартабалар кўйидагача ўрнатилди:

1. Элчи, Рим напасининг легат ва нунцей;
2. Вакил;
3. Ишончли вакил.

1818 йилда бу хужжатлар, яъни Вена протоколи **Аахен протоколи** билан тўлдирилди. Аахенда имзоланган протокол Вена Конгрессининг «Дипломатик мартабалар тўғрисидаги низом»га яна бир мартабани, яъни «Министр – резидент» мартабасини қўшди. Шундай қилиб дипломатик хукуқда биринчи халқаро кўп томонлама шартнома пайдо бўлди ва бу хужжат дипломатик хукук нормаларини ишлаб чиқишида катта роль ўйнади. Дипломатик хукуқда манба вазифасини ўтовчи хужжатларнинг навбатдаги шубҳасиз **1911 йилда Каракассда қабул қилинган консуллик функциялари тўғрисидаги конвенция** бўлиб, у консулларнинг асосий вазифалари баён қилинган халқаро хужжат эди. 1928 йилда эса Гаванада дипломат мансабдорлар тўғрисида ва консул мансабдорлар тўғрисида халқаро конвенция қабул қилинди.

20 февраль 1928 йилда қабул қилинган **Гавана конвенцияси** барча давлатларда дипломатик миссияларнинг фаолият кўрсатишига боғлиқ масалаларни қамраб олган эди. Биринчи марта дипломат вакиллар ва консулларнинг дахлсизлиги, дипломатик ваколатларнинг дахлсизлиги, дипломатик ходимларнинг улар хизмат ўтаётган давлатларда ҳар қандай солиқлардан озод қилиниши Гавана конвенциясида кўзда тутилган эди. Конвенцияда дипломатик имтиёзлар ва дахлсизларнинг берилиши бошқа давлатга хурмат кўрсатишнинг белгиси деб қаралган давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари ва дипломатик вакилларига тенг равища берилиши лозимлиги таъкидланган.

1928 йили Гавана Конвенцияси одатий ва фавқулодда дипломат мансабдорлар ўртасидаги фарқлар тўғрисида сўз юритиб, одатий дипломат мансабдорлар бир давлатнинг ҳукуматини иккинчи бир давлатнинг ҳукуматида вакиллик бўлса, фавқулотда дипломат мансабдорлар эса, бир давлатдан иккинчи бир давлатга маҳсус миссия билан юбориладиган дипломатлар, ёхуд ўша мамлакатда жойлашган халқаро ташкилотда вакил деб белгиланган.

Фавқулотда дипломат мансабдорлар, шунингдек ҳалқаро конгресс ва йиғилишларда иштирок этувчи вакиллар деб қаралган. Шунингдек, конвенцияда мураккаб вакиллик макомини ҳам белгилаб, унда давлатнинг дипломатик вакилига бир вактда бир неча давлатда вакиллик – элчилик қилиш мумкинлиги қайд этилган. Гавана конгрессида Лотин Америкасидаги яна бир ўзига хос институт – дипломатик бошпана тўғрисидаги ҳужжат қабул килинганилигидадир. Ҳозирги вактда дипломатик бошпана бериш институти факат Лотин Америкаси давларининг амалиётида кўлланилмоқда. Хулоса қилиб айтганда, дипломатик ҳукуқнинг ривожланиши сизларга маълумки, 1928 йилда миллатлар Иттифоқ Лигасига асос солинади, бу тарихда биринчى давлатлараро ҳалқаро ташкилот эди. Миллатлар Лигасининг фаолияти ва кейинчалик 1945 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига асос солиниши дипломатик ҳукуқда тарихан янги даврни очиб берди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳалқаро ҳукуқий нормаларни ишлаб чикиш, ҳалқаро ҳукуқий муносабатларни баҳоли қудрат тартибга солишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди ва бу вазифалар ичida дипломатик ҳукуқ нормаларини ривожлантириши масалалари ҳам бор эди. У даврда дипломатик ҳукуқ – элчилик ҳукуки деб ҳам юритилар эди. **1946 йил 15 февралда БМТнинг биринчи аъзо давлатлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг имтиёзлари ва иммунитетлари тўғрисида ҳалқаро конвенция** қабул қиласилар. Бу конвенция БМТнинг самарали фаолият кўрсатишига имконият яратиш мақсадида, унинг вазифаларини амалга оширишда маълум бир ҳукуқий мақомни беришни кўзда тутган.

Бу ҳужжатга кўра, аъзо давлатларнинг вакиллари ўзларининг хизмат вазифаларини ўташда, мажлислар ўтказиладиган жойга бориб келишда шахсий ҳибсга олиш ёки ушлаб туриш, шахсий багажга арест солиш, вакил сифатида айтганлари, ёзганлари ёки ҳаракат қилганларида дахлсизлик ва иммунитетлардан фойдаланиши, ўз шифрларидан фойдаланиши каби дипломатик вакилларига бериладиган имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланиши мумкинлигини белгилаб берди. Бу билан дипломатик ҳукуқнинг қўлланиш доираси анча кенгайди. **1947 йил 21 ноябрда БМТнинг Бош Ассамблеяси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маҳсус ташкилотининг имтиёз ва иммунитетлари тўғрисида ҳалқаро конвенцияни** қабул қилди. Бугунги кунда бу конвенцияга 100дан ортиқ аъзодир. Бу конвенция

БМТ тизимида ташкил этилган турли хилдаги халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, уларга дипломатик имтиёзлар ва иммунитетлар бериш ва бу имтиёзлар ва иммунитетларнинг бир хилда қўлланишини кўзда тутган эди. Конвенция турли давлатларда ўзининг штаб – квартирасига эга бўлган давлатларда бу халқаро ташкилотларнинг мутлак иммунитетини таъминлашни кўзда тутган эди. Халқаро ташкилотларнинг ҳар қандай бож ва соликлардан озод этилиши, уларнинг пул маблағлари устидан назорат қиласлик, бу ташкилотларнинг мулкларини олиб қўймаслаги, ҳамда мусодара килинмасликларини конвенция алоҳида эътироф этган. Бу конвенция ҳам дипломатик вакилларга бериладиган барча имтиёзлар халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахсларига ҳам берилишини таъкидлайди. 1947 йилги ковенцияяда, шунингдек халқаро ташкилотларнинг давлатларнинг ҳуқукни муҳофаза қилувчи ташкилотлари билан ҳамкорлик килишлари лозимлигини, бундай ҳамкорлик ҳуқукий тартиbatни амалга оширишда қаратилган бўлиши лозимлигини уқтиради. Конвенциянинг ўзига хослиги – имтиёзларни суиистеъмол килиш тўғрисидаги модданинг борлигидир. Моддада агар аъзо давлат имтиёзлардан фойдаланишда суиистеъмол борлигини топса, унда маслаҳатлашувлар ўtkазиб, бундай суиистеъмолни аниқлаш ва олдини олиш чораларини кўрилиши, ёхуд бундай воситалар самара бермаса, суиистеъмол ҳақидаги қарор Халқаро судга берилиши кўзда тутилган. Бундай ҳолатда аъзо давлат имтиёз ва иммунитетларни бермаслиги мумкиндири. Шубҳасиз, Конвенцияга илова қилинган БМТ тизимидағи қоидаларнинг ўзига хосликлари билан бирга, уларда бу конвенциянинг умумий қоидаларини қўллаш хусусиятлари ўз ифодасини топган. Ўзбекистон ҳам мазкур конвенцияга аъзо.

БМТ ўзининг халқаро ҳуқук комиссияга 40 йилларнинг охиридаёқ дипломатик ҳуқуқнинг қўлланишида давр ва давлатларнинг талабига жавоб берувчи халқаро универсал ҳужжатлар ишлаб чиқиш вазифасини кўяди. Бу даврга келиб, жаҳонда янги давлат шакллари таркиб топган, мустамлакачилик тузуми емирилиб, жаҳон геосиёсий ҳаритасида халқаро ҳуқукий субъектлар бўлмиш ўнлаб янги давлатлар Африка, Осиё, Лотин Америкасида пайдо бўла бошлаган эди. БМТнинг халқаро ҳуқук комиссияси барча давлатларда бирдек қўлланиши мумкин бўлган

ягона дипломатик хукукий меъёрлар устида атрофлича мулохаза юритиб, бир неча маротаба ўз муҳокамасида давлатлар ўртасидаги дипломатик муносабатларни акс эттирувчи ҳужжат лойихаси устида иш юритдилар ва ниҳоят, 1961 йил 18 апрелда Венада БМТ бутун дунё дипломатик конференциясини чақириб «**Дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена конвенцияси**» кабул қилидилар. Бу конвенцияни том маънода дипломатик алоқаларнинг энг асосий кодекси деб баҳолаш мумкин.

Конвенция 1964 йилда кучга кирган, унда 175 давлат иштирок этмоқда, улар орасида Ўзбекистон ҳам бор. Конвенция 53 моддадан иборат.

Конвенция билан бир вактда дипломатик муносабатларга алоқадор 2 факультатив протокол ҳам қабул килинган бўлиб булардан бири фуқароликни олмаслик тўғрисида ва иккинчиси бу конвенцияни қўллашдан келиб чиқиши мумкин бўлган низоларни ечиш мажбурияти тўғрисида эди.

Дипломатик алоқалар тўғрисидаги конвенцияси энг аввало дипломатик хукуқда қўлланилаётган ва конвенциядаги атамаларга тушунча берди. Дипломатик муносабатларни ўрнатишда икки томонлама хоҳишга асосланиш лозимлиги таъкидланади. Конвенцияда давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари, яъни элчихоналарнинг функция – вазифалари бирма-бир санаб ўтилган. Дипломатик ваколатхона бошлиqlарини тайинлашдаги мажбурий қоидалардан бири агрeman бериш конвенцияда акс эттирилди. Вена конвенцияси Гавана конвенциясида мураккаб вакиллик деб хисобланган қоидаларни батафсил ёритди ва ривожлантириди. Унга кўра, бир давлатнинг дипломатик ваколатхона бошлиғи айни вактда бошқа давлатда ҳам ўз давлатининг дипломатик вакили сифатида аккредитациядан ўтиши мумкинлиги ва шунингдек, давлатнинг дипломатик ваколатхона бошлиғи у вакиллик қилаётган давлатда жойлашган халқаро ташкилот қошидаги ҳам элчи – вакил сифатида бевосита элчи ишлаб турган давлатнинг розилиги билан амалга ошиши мумкинлиги ҳам айтиб ўтилди. Вена конвенцияси давлатларнинг дипломатик ваколатхона ходимлари ўз давлатининг фуқаролари бўлиши лозимлигини, башарти дипломатик ходим ваколатхона жойлашгани давлат фуқароси бўлса, унда албатта шу давлатнинг розилиги олиниши кўзда тутилган. Айни вактда бундай розилик исталган вактда бекор қилиниш хукуқи давлатларга берилди. Конвенция давлатнинг дипломатик вакилларининг persona

ва драта ҳолатларини ҳам кўзда тутган. Конвенция давлатларнинг дипломатик ваколатхоналарининг ташки ишлар вазирлиги билан алоқаларини хукукий асосга қўйди, дипломатик ваколатхона бошлиқларининг даражасини ўрнатди. Унга кўра, давлатнинг дипломатик ваколатхона бошлиқлари 3 даражага эга булиши, булар 1) элчилар ва нунцийлар, 2) вакиллар ва интернунцийлар, 3) ишончли вакиллардан иборатлиги ўрнатилди. Конвенция бир давлатнинг дипломатик ваколатхонасининг иккинчи бир давлатда фаолият кўрсатишига ваколатхона жойлашган давлат ёрдам кўрсатиши, шу ерда бино ёки ишхоналар олишига уларнинг дахлсизлигини таъминлашга ҳар томонлама кўмак бериши лозимлигини қайд этди. Бундай кўмак дипломатик ваколатхонанинг биноси, турар жойлари, иш хужжатлари, эркин алоқаларни ташкил этишда дипломатик - дахлсизлик ва имтиёзлардан тўлиқ фойдаланиши таъминлашни ҳам кўзда тутди. Вена конвенцияси биринчи марта дипломатик почтанинг дахлсизлиги, дипломатик курьерларнинг халқаро хукукий мақомини белгилади. Конвенция дипломатик агентларнинг мутлақ шахсий дахлсизлиги, уларнинг ва дипломатларнинг оила аъзоларининг имтиёзлар ва иммунитетлардан фойдаланиш коидаларини батафсил ёритди. Унга кўра, дипломатик вакиллар ўз яшаш жойлари – резиденцияларининг дахлсизлиги, ўз шахсиятлари ва оила аъзоларининг юридик иммунитетлари, иш жойлар ва улардаги барча мулк, хужжатларнинг, автомашиналар ва бошқа техника воситаларининг дахлсизлик хукуқидан фойдаланиши, элчиона биноси, унинг худуди дахлсиз эканлигини алоҳида таъкидлаган. Дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена конвенцияси баобру ҳалқаро хукукий манба, давлатларнинг дипломатик муносабатларини тартибга солувчи асосий хужжатdir. Бу конвенция давлатлараро дипломатик муносабатларнинг аксарият мөҳиятини камраб олган, ва у бугунги кунда ҳам хукукий жиҳатдан юкори даражадаги, нуфузли манбадир. Дипломатик хукуқда манба вазифасини яна бир мухим хужжат бу – 1963 йил 24 апрелда қабул қилинган **“Консуллик алоқалари тўғрисидаги Вена конвенцияси”**дир. Конвенция 1967 йили кучга кирган, унга 152 дан ортиқ давлатлар қўшилган, улар орасида Ўзбекистон ҳам бор.

Сизларга маълумки, консуллик алоқалари келиб чиқиши жиҳатидан ҳалқаро муносабатлардаги энг қадимий институтлардан хисобланади. Ҳали ўрта асрларда ёқ консуллик муносабатларини

тартибга солувчи икки томонлама шартномалар тузилганлиги тарихдан мълум. Лекин кўп томонлама халқаро хукукий манба бизнинг асримизда ишлаб чиқилди ва у бугунги кунда давлатларнинг консуллик муносабатларини тартибга солувчи энг асосий хукукий хужжатdir. Бу хужжат ҳам аввалгиси сингари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро хукук комиссияси томонидан ишлаб чиқилган, бир неча марта мухокама килиниб, халқаро дипломатик конференцияда қабул қилинган.

Конвенция 79 моддадан иборат йирик хужжат бўлиб, унга кўшиб икки протокол қабул қилинган. Уларнинг мазмуни дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена конвенциясининг протоколлари кабидир. Консуллик алоқалари тўғрисидаги конвенция консуллик фаолиятига оид атамаларнинг тушунчаси билан бошланиб, сўнг консуллик муносабатларини ўрнатиш учун асослар белгиланган. Унга кўра консуллик алоқалари иккала давлат ўртасидаги ўзаро хоҳиш асосида вужудга келиши, бу муносабатларнинг замирида дипломатик алоқалар ўрнатиш тўғрисидаги истак асос бўлиши мумкинлиги, лекин дипломатик алоқаларнинг ўзилиши консуллик муносабатларининг ўзилишига олиб келмаслиги ёритилган. Консуликларнинг очилиши, уларнинг ўзга давлатдаги вазифа ва функциялари консуллик округи тушунчаси, учинч давлат томонидан консуллик функцияларининг бажарилиши мумкинлиги, консуллик фаолиятини бошлашдаги патент ва экзеватуранинг лозимлиги каби масалалар консуллик алоқалари тўғрисидаги конвенцияда батафсил ўз ифодасини топган. Масалан, консуллик ваколатхона бошликларининг даражалари тўртга бўлинган. Улар: генерал консул, консул, вице-консул, консуллик агентидир. Консул вакилларининг бир вактнинг ўзида бир ёки бир неча давлатнинг консуллик мансабдор шахси деб топилиши мумкинлиги, консуллик ваколатхоналарининг имтиёз ва иммунитетлари, туар жой, шахсий дахлсизлик, ёзишмалар, архивлар ва хужжатларнинг дахлсизлиги сингари давлатларнинг консуллик фаолиятига оид деярли барча масалалар бу конвенцияда акс этгандир ва у шубҳасиз дипломатик хукуқда манбадир. Салоҳияти жиҳатидан дипломатик хукуқнинг манбаларига кўп томонлама шартномаларнинг яна иккитасини киритиш жоиздир. Булардан биринчиси – 1969 йилда қабул қилинган “Махсус миссиялар тўғрисидаги” конвенция бўлиб, иккинчиси 1975 йилда қабул қилинган “Универсал характердаги халқаро

ташкилотлар қошидаги давлатлардаги ваколатхоналари тұғрисидаги Вена конвенциясы" дір.

Махсус миссиялар тұғрисидаги 1969 йилдаги хужжат бир давлатдан иккінчи бир давлатта махсус топшириклар билан давлатларнинг хукумат ва бошқа делегацияларининг хукукий мақомини үрнатади. БМТ томонидан қабул этилған бу хужжат дипломатик хукукни ривожлантиришга хисса құшыди ва дипломатик алоқалар ва консулилк алоқалари тұғрисидаги конвенцияларнинг мантиқий давоми деб ҳисобланиши мүмкін. Махсус миссиялар давлатлараро дипломатик муносабатларда кең құлланилаётган фаолиятдір. Албатта махсус миссияларнинг мақсад ва вазифалари турлыча булиши мүмкін. Масалан: икки ёки ундан ортик давлат ўртасида дүстона алоқаларни ривожлантириш мақсадида музокаралар олиб бориш, маданий, илмий, иқтисодий ҳамкорлик қилиш масалалари махсус миссияларнинг вазифалари уларни юбораётган давлат томонидан белгиланди. Конвенция махсус миссияларга бериладиган дипломатик имтиёз ва иммунитетлар тұғрисида, уларни тайинлаш, махсус миссияларнинг фаолият күрсатиши, улар жойлашған манзилнинг хукукий мақоми, махсус миссияларнинг давлат бошликлари томонидан бошқарылиши каби халқаро хукукий жиҳатлар тұғрисида маълум тартиб үрнатған. Конвенция 1985 йилда күчга кирған, унда 30 давлат иштирек этмоқда.

Эслатиб ўтганимиздек, дипломатик хукуқда универсал характердаги күп томонлама халқаро шартнома - халқаро ташкилотлар қошидаги давлатларнинг ваколатхоналари тұғрисидаги Вена конвенциясидір. У хозирда күчга кирмаган, унға 30 давлат аъзо бўлган.

Бу көвенция хозирги кунда халқаро ташкилотларнинг нуфузли ніхоятда ошиб бораётган шароитда ўта долзарбдір. Конвенция дипломатик хукуқда илк бор халқаро ташкилотлар қошида давлатларнинг доимий ваколатхоналарнинг функциялари, мақсад ва вазифаларини белгилаб берди. Шунинг баробарида бу конвенция халқаро ташкилотлар қошида доимий күзатувчи миссиянинг ҳам функцияларини акс эттиреди. Халқаро ташкилотлар қошида давлат номидан вакиллик қилишда күп маротабалик аккредитация коидасини құллашни конвенция күзде тутған. Халқаро ташкилотлар қошида давлатларнинг ваколатхоналари барча дипломатик имтиёз ва дахлсизликлардан фойдаланиши, бунда ўз

давлатининг байроти ва нишон – эмблемалари қўллаши мумкинлиги, барча ваколатхоналар учун тенг имкониятлар яратиши конвенцияда ўз аксини топган. Ваколатхоналарнинг барча жорий бож ва тўловлардан озод этилиши, мулк дахлизилиги, шахсий иммунитетларда - халқаро ташкилотлар қошидаги давлатларнинг ваколатхоналари дипломатик ваколатхоналар билан бир хил мақомга эгалиги конвенциянинг муҳим жиҳатидир. Ушбу конвенция халқаро ташкилотлар қошида ва халқаро ташкилотларга юбориладиган давлатларнинг вакиллари – делигацияларнинг ҳам хукуқий мақомини белгилаган. Халқаро анжуманларда иштирок этувчи давлатларнинг делигацияларининг раҳбарлари давлат бошлиги бўлган ҳолатда уларга ўз юкори лавозимлари юзасидан белгиланган имтиёз ва иммунитетларнинг амал қилишини конвенция кўзда тутган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, дипломатик хукуқда халқаро шартномалардан ташқари, икки томонлама яъни икки давлат томонидан тузилган халқаро шартномалар ҳам манбалик вазифасини ўтайди. Улар дипломатик муносабатлар тўғрисидаги, консуллик алоқалари тўғрисидаги халқаро шартнома бўлиб, улар халқаро хукуқнинг субъектлари – давлатлар, халқаро ташкилотлар томонидан тузилиши мумкин. Улар иккала давлат ёки халқаро ташкилот ўртасида пайдо қилувчи, мажбуриятлар туғдирувчи хусусиятларга эгадир. Масалан: Ўзбекистон Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасида эркин ҳаракат қилиш тўғрисидаги битим бунга мисол бўла олади. Бу келишувга мувофиқ, ҳар иккала давлатнинг дипломатик вакилларига иккала давлатнинг худудида эркин ҳаракат қилиш хукуқига эгалар. Табиийки, дипломатик хукуқда шартномавий нормалар билан тартибга солинмаганлари халқаро хукуқнинг одатий нормалари билан тартибга солинади. Дипломатик хукуқда у ёки бу конвенцияга қўшилмаган давлатлар ҳам одатий хукук нормаларига амал қиладилар.

Дипломатик хукуқда иккинчи турдаги манба вазифасини бажарувчи бўлиб халқаро одат киради.

Халқаро одат – давлатлар ёхуд халқаро ташкилотларнинг ўзларининг халқаро муносабатларида ҳаракат туфайли ёки ҳаракатдан тийиш оркали давлат маълум бўлган халқаро одатга юридик мажбурият леб амал қилса, бу норма халқаро одат хукуқига айланади. Одатлар у ёки бу шароитда ўхшаш бўлган ҳолатларни

бир йўналишда ечиш, яъни ҳукукий одат дейиш мумкин. Одат кўп ҳолларда ёзма шартномаларга айланиб боради. Ғарблик халқаро ҳукук олимлари айнан халқаро одатлар бирламчи манба сифатида қаралиши мумкин деб фикрлайдилар. Халқаро одатлардан халқаро расм-русларни фарқлаш лозим. Улар халқаро ҳукуқда ҳам, дипломатик ҳукуқда ҳам манбалик вазифасини бажармайди, чунки улар ўзаро асосларда бажарилса-да, юридик мажбурият хисобланмайди. Масалан, дипломатик этикет коидалари, халқаро одоб коидалари ва хоказолар. Халқаро одат шартномаларига мисол тарикасида: давлатларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг тан олиниши каби нормаларни, давлатларнинг турли-туман битим ва келишувлар, шартномалар тузишини келтириш мумкин.

Дипломатик ҳукуқдаги кўлланиладиган манбалардан яна бири – бу халқаро ҳукукнинг умумий принциплариdir, яъни халқлар томонидан тан олинган ҳукук принциплариdir. Кўпчилик олимларнинг фикрича, бу принципларни норма ташкил этувчи ёрдамчи жараёнлар сирасига киритишади. Халқаро ҳукукнинг умумий принциплари Халқаро Суднинг статутидаги 38-моддада бирма бир санаб ўтилган. Сизга маълумки, унда халқаро ҳукуқда манбаликни бажарувчи нормалар келтирилгандир. 38-модда, халқаро суд унга берилган низоларни ҳал этишда,

А) умумий ва маҳсус бўлган ва баҳслашаётган давлатлар томонидан тан олинган халқаро конвенциялар;

Б) халқаро одат – яъни исботланган умумий амалиёт;

В) маърифиятли (цивилизация) халқлар тан олган умумий принципларга;

Г) суд қарорлари ва қўшимча манба сифатида ҳукукий нормаларни белгилашда оммавий ҳукук буйича турли миллатларнинг ўта малакали мутахассисларнинг доктриналарига; амал қилишини белгилаган.

Шуни айтиш жоизки, бу манбалар қаторига халқаро ташкилотларнинг қарорлари кирмаган, модомики халқаро ташкилотларнинг қарорлари муҳим халқаро ҳукукий манбадир. Энди, бевосита биз халқаро ҳукукнинг умумтандан олинган принципларини бирма бир санаб ўтсак. Улар халқаро муносабатларда давлатларнинг куч ишлатмаслик, куч ишлатишга тажовўз килмаслик принципи. Бу принцип ҳар қандай давлатнинг худудий дахлсизлиги ва сиёсий мустақиллигига қарши қаратилган харакатлардан ўзини тийишига қаратилгандир. Иккинчи принцип –

давлатлар ўзларининг халқаро низоларини тинч йўл билан, халқаро тинчлик, хавфсизлик ваadolатга таҳдид солмасдан ҳал этишлари тұғрисидадир. Кейинги – учинчи принцип, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципидир. Тұртингчи принцип – давлатларнинг бир-бири билан ҳар қандай тафовутлардан қатыназар ҳамкорлик қилиш мажбуриятидир. Бешинчи принцип – давлатларнинг тенглиги ва ўз тақдирини ўзи ҳал этиш принципидир. Яъни ҳар қандай давлат бошқаларнинг аралашувисиз эркин равишда ўз сиёсий мақомини белгилаши ва иқтисодий, ижтимоий, маданий ривожланишини белгилаши лозимдир. Олтинчи принцип бу – давлатларнинг суверен тенглиги принципидир. Давлатлар юридик жиҳатдан тенг ва тұлык суверенитетга әгадир. Ҳар бир давлат бошқа давлатларнинг суверен ҳукуқлари ва халқаро ҳукуқий субъектлигини ҳурмат қилиши лозимлигидир. Ва ниҳоят, еттинчи принцип – бу давлатларнинг халқаро ҳамжамият, халқаро муносабатларда ўз олдиларига олган мажбуриятларини инсофли бажаришларидир.

Биз санаб ўтган умумтан олинган халқаро принциплар барча давлатларнинг ўзаро муносабатларининг асосини ташкил этади.

Дипломатик ҳукукнинг кейинги манбаси бу **халқаро органларнинг қарорлари** ва **регламаентларидир**. Сизга маълумки, халқаро ташкилотлар бугунги кунда дунёда юз берәётган ўзгаришлар ва ривожланишнинг глобал масалалари билан шуғулланмоқдалар, улар давлатлар, халқлар тақдирида ижобий самаралар кўрсатмокда ва бу билан халқаро ташкилотларнинг салоҳияти ҳам ошиб бормоқда. Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг резолюциялари БМТ аъзолари учун мажбурий характерга эга ва уни бажариш лозим ҳисобланади, ёки Европада Ҳамкорлик ва Хавфсизлик Ташкилоти қабул қилаётган "Янги Европа учун Париж хартияси" ҳукукий норма сифатида бажариш учун мажбурий хужжатдир. Халқаро ташкилотлар чақираётган халқаро конференцияларнинг тартиб-коидалари (правила процедуры) ҳам дипломатик ҳукукда манбалик вазифасини ўтайди. Халқаро конференциялар юзлаб давлатларнинг иштирокида, умумий тартиб-коидаларни ишлаб чиқади. Масалан, халқаро конференцияларнинг иш олиб бориш тартиби, ваколатларни текшириш, конференциянинг ишчи, раҳбарий органларини сайлаш, сўз олиш коидалари, протоколларни олиб бориш масалалари айнан регламентда ўз аксини топади. БМТнинг

Бош Ассамблеясининг ички қонун-коидалари ҳам шулар жумласига киради. Чунки айнан шу тартиб қоидаларга барча аъзо давлатлар амал қиласидар. Масалан, БМТнинг Бош Ассамблеяси Косово бўйича қабул қилган резолюцияси – юридик асос ва манбадир.

Кейинги манбанинг тури – Халқаро Суд органлари ва милий судларнинг дипломатик муносабатларга оид чиқарган карорларидир. Халқаро муносабатларида халқаро суд ташкилотларининг пайдо бўлиши халқаро хуқуқда давлатларнинг жавобгарлиги ва масъулиятiga маълум таъсир ўтказди. Халқаро суд ташкилотлари ниҳоятда баобрў нуфузга ва олий малакали хуқуқий хужжатлар – ҳал қилув карорлари, хукмлар чиқарадилар. Албатта суд муассасаларининг чиқарган қарорлари энг аввало, уларнинг иштирокчилари давлатлар ва халқаро ташкилотлар учун мажбурий характерга эга. Иккинчи томондан суд ҳайъати кўриб чиқкан масалалар, суд амалиёти ва тажрибасини ташкил қилиб, суд прецедентлари сифатида дипломатик хуқуқда қўлланиши мумкин. Мисол тариқасида, Халқаро Суд қарорларини Миллий Суд органларининг қарорларига келсак, албатта бундай ҳолатлар давлатларнинг ички қонунчилик тизими билан бир қаторда бундай муассасаларда халқаро хуқук нормаларини қўллаб чиқарган хulosса ва хукмлар, яъни дейлик, миллий суд ўз давлатининг халқаро хуқук нормасининг мазмунига муносабатини билдиришида акс эттириши мумкин. Масалан, халқаро хуқук нормасини милий суд органлари тан олмаслиги ёки тан олиши мумкин.

Дипломатик хуқуқда манба хисобланувчи **халқаро хуқуқшунос олимларнинг доктриналари** муҳим ўрин тутади. Дипломатик ва халқаро хуқуқда юқори назарий ва амалий тажрибага эга бўлган халқаро хуқукнинг кўзга кўринган олимларининг изланишлари, уларнинг хуқуқий мактаб ва гоявий назариялари кўп ҳолларда халқаро хуқукий нормаларни яратишида, низом масалаларни ечишда кенг қўлланилади. Халқаро хуқуқда хуқуқий нормаларни шарҳлаш айнан олимлар, илмий халқаро ташкилотлар (масалан, Халқаро Хуқук Ассамблеяси, Халқаро хуқук институт ва х.к) томонидан амалга оширилади.

Биз тўхталиб ўтган хуқук манбаларидан ташқари, дипломатик хуқуқда қўшимча манба сифатида қараладиган яна бир манбанинг тури мавжуд. Бу халқаро хуқук субъектлари – давлатларнинг дипломатик хукукка оид ички қонунчилигидир. Маълумки, ҳар бир давлат дипломатик хукукда халқаро хуқукий меъёрларга асосланиб

фаолият юритсада, дипломатик фаолиятини амалга оширишда ички конунчилик меъёрларини ишлаб чиқди. Халқаро хукуқшунос олимлар Трипель, Кельзен бу хукуқ манбасини мустақил манба ҳисоблайдилар. Профессор Н.Минасян эса давлатнинг ички конунчилик тизимини дипломатик хукуқ манбаига киритмайди, аммо унинг дипломатик хукуқ ривожланишига туртки берувчи хосса деб карайди. Таниқли дипломатик хукуқ соҳасидаги олимлар И.Блищенко ва В.Дурденевскийлар эса давлатнинг шу соҳадаги ички қонунчилигини тўғри манба эмас, балки қўшимча манба деб ҳисоблайдилар ва бундай ёндашишни тўғрироқ деб баҳолаш мумкин. Чунки, ҳар қандай давлатнинг маълум бир хукукий тизими, тарихий хукукий одат ва анъаналари мавжуд бўлиб, у ҳар доим ҳам дипломатик хукуқнинг меъёрига тўғри, мутаносиб бўлавермайди. Ва ҳар қандай давлат ўзининг хусусиятларини тулароқ акс эттирувчи ва халқаро хукуқ нормаларига уйғунлаша оладиган ички нормалар яратиши мумкин. Ваҳоланки, дипломатик хукуқ давлатнинг ташки Дунё билан ўта расмий хукукий муносабатларини акс эттирувчи соҳалар сирасига киради. Бизнинг Ўзбекистондаги ички давлат қонунчилик тизимида дипломатик хукуқка оид бир канча хужжатлар қабул қилинган бўлиб, улар Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда дипломатик фаолият юргизиши учун ишончли хукукий манба вазифасини ўтайди. Уларни Ўзбекистоннинг дипломатик хукукини тартибга солувчи нормалар мажмуи ёки тизими деб ҳам аташ мумкин. Уларнинг сардори Ўзбекистон Конституциясининг тўртинчи боби 17-моддасида кўзда тутилган ташки сиёsat асосларидир. Бу қоидаларни 26 декабрь 1996 йилги "Ўзбекистон Республикасининг ташки сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисидаги қонун" ривожлантириди. Ўзбекистоннинг дипломатик фаолиятини амалга оширишда муҳим ўрин тутувчи яна икки қонун 3 июль 1992 йилда қабул қилинди. Улар "Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхона бошлиқларини тайинлаш ва чақириб олиш тартиби тўғрисидаги" ва "Ўзбекистон Республикасида дипломатик ходимларга дипломатик даража ва мартабаларни белгилаш тўғрисида" дир.

Консуллик фаолиятни тартибга солувчи 1996 йилда қабул қилинган хужжат - Ўзбекистон Республикасининг Консуллик Устави Ўзбекистоннинг консуллик муносабатларини хукукий тартибга солди.

Дипломатик хукукни акс эттирувчи бошқа хукукий актлар, яъни Вазирлар Махкамасининг ўнлаб қарорлари, Ташки Ишлар Вазирлигининг махсус низом ва қоидалари Узбекистоннинг дипломатик хукукини амалга оширишда муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистонда дипломатик даража ва мартабаларни белгилаш тартиб қоидалари, дипломатик ваколатхона бошликларини тайинлаш тартиб қоидалари бугунги кунда республикамизнинг дипломатик фаолиятида кенг қўлланиб келинмоқда.

Энди, бевосита дипломатик ва консулийк хукуки нормаларни кодификациялаш хусусида сўз юритсан. Шуни таъкидлаш керакки, ҳалқаро хукуқ соҳалари ичидаги энг мукаммал кодификация килинган соҳалардан бири бу – дипломатик хукуқ нормалари. Дипломатик хукуқ нормаларини кодификациялашга уриниш сўнгги 150 йил давомида давлатлар, айрим олимлар, илмий ташкилотлар томонидан амалга оширилди. Биринчи уриниш 1868 йилда швейцариялик олим И.Блюнчли томонидан, 1890 йилда эса италиялик П.Флоре томонидан бажарилган. Бундай ҳаракатлар Ҳалқаро хукуқ интифодадаги 1889 йилги Гамбургдаги, 1892 йилда Женевадаги, 1895 йилда Кембрижда сессияларида кўриб чиқилинган. Бунинг натижасида Кембриж регламенти деган хужжат дунёга келган. 1932 йилда Гарвард университети дипломатик иммунитетлар тўғрисида бундай уринишларни лойиха сифатида тақдим этган.

Мавзу. Дипломатик ваколатхоналар фаолиятининг хукукий асослари.

1. Дипломатик ваколатхоналар тушунчаси ва турлари;
2. Дипломатик ваколатхоналарнинг вазифалари;
3. Дипломатик ваколатхона раҳбари;
4. Дипломатик ваколатхоналарнинг ходимлари;
5. Махсус миссиялар
6. Давлатларнинг ҳалқаро ташкилотлардаги ваколатхоналари.

Дипломатик хукуқ ҳалқаро хукукнинг ўзок вакт давомида ягона субъекти бўлиб келган давлатларнинг ўзаро амалиёти натижасида шаклланган ва ривожланган. Кадимда бўлгани каби хозирда ҳам давлатлар уртасидаги ўзаро муносабатлар бир давлат томонидан иккинчи бирига юбориладиган ташки алоқалар органлари томонидан амалга оширилади. Ташки алоқаларнинг

бундай органлари котирига давлатларнинг ўзаро келшпуви асосида ташкил қилинадиган доимий дипломатик ваколатхоналар ва бир давлат томонидан иккинчи бир давлатта юбориладиган махсус (вактинча, *ad hoc*) миссиялар киради.

Дипломатик ваколатхона ва махсус миссияларга тегишли нормалар мажмуй 1961 ва 1969 йилларда қабул қилинган Вена конвенцияларида мужассамлашган.

Халқаро-хуқуқий адабиётда ташки алоқалар органларини ички давлат ва хорижий турларга булиш мавжуд.

Ички давлат турига кўйидаги давлат органлари:

- биринчидан, давлат ташки сиёсати асосларини белгиловчи давлатнинг олий вакиллик органи;
- иккинчидан, халқаро майдонда олий вакилликни амалга оширувчи давлат бошлиги (у коллегиал ёки якка бир шахсга тааллукли булиши мумкин);
- учинчидан, давлат ташки сиёсатида умумий раҳбарликни олиб борувчи хукумат;
- туртинчидан, ташки ишлар идораси киради.

Доимий органларга дипломатик ваколатхоналар, яъни элчиҳоналар, миссиялар, халқаро ташкилотлар хузуридаги доимий ваколатхоналар, консуллик муассасалари киради.

Вактинчалик органларга халқаро конференциялар ёки халқаро органлардаги махсус миссия ва делегациялар киради.

Давлатнинг ички идоралари мазкур давлатнинг худудида доимий равишда фаолият юргизадиган ташки алоқа идораларири. Халқаро хуқуқда бундай идораларни иккига бўлинади:

а) давлатнинг вакиллигини барча масалалар бўйича амалга оширадиган идоралар;

б) давлатнинг вакиллигини унинг ташки алоқаларининг маълум соҳаларида ва битта соҳасида рўёбга чиқарадиган идоралари.

Биринчи гурухга давлат раҳбари, хукумат раҳбари, ташки ишлари вазири киради. Халқаро хуқуқка мувофиқ улар давлатни барча масалалар бўйича намоён этадиган. яъни *ex officio* (лавозими бўйича махсус ваколатларсиз) идоралар ҳисобланади.

Ташки алоқа идораларини ташки сиёсат масалалари бўйича қарорлар ишлаб чиқишида иштирок этадиган идоралардан фарқламок лозим. Масалан, парламентнинг халқаро шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги карори тегишли ташки алоқа

идорасининг кўп томонламали шартномани ратификация ёрлигини саклаш учун депозитарийга топширмагунча хуқукий оқибатга олиб келмайди. Шу жиҳатдан парламентлар бу масалаларда ўзига хос аҳамият касб этадилар. Улар давлатнинг ташки сиёсати масалаларида, одатда, муҳим роль ўйнасаларда, аммо улар халқаро муносабатларда давлатнинг вакиллари сифатида иштирок эта олмайдилар, шартномалар тўза олмайдилар, парламент вакилларининг баёнлари давлатга мажбуриятлар юкламайди. Шу билан биргаликда парламентлар давлатлараро муносабатларда фаол қатнашадилар, делегациялар билан алмашдилар, бошқа давлатларнинг парламентларига мурожаатлар кабул қиласидилар, Парламентлараро иттифоқда иштирок этадилар.

Умумий ташки алоқа идоралари билан бир вактда баъзи давлатларда ихтисослашган маҳсус ташки алоқа органлари мавжуд бўлиб, улар давлат ташки фаолиятининг соҳасининг кенг ёки тор жиҳатдан намоён этадилар. Масалан, Ўзбекистон Республикасида ташки иқтисодий алоқалар вазирлигини кўрсатиш мумкин бошқа вазирлик ва муассасалар давлатнинг ташки алоқаларини ўз ваколатлари доирасида рўёбга чиқаришда иштирок этадилар. Масалан, Жаҳон почта иттифоқи билан тезкор муносабатларни республика алоқа вазирлиги амалга оширади.

Ташки алоқа идораларининг хориждагисига: дипломатик ваколатхоналар (элчихоналар ва миссиялар), консуллик ваколатхоналар, ва халқаро ташкилотлар қошидаги доимий ваколатхоналар киради. Улар давлатнинг доимий хорижий ташки алоқа идоралариридир.

Хориждаги доимий идоралар билан бир вактда мувакқат идоралар мавжуд: бошқа давлатлар тантанали тадбирларда, музокараларни олиб бориш иштирок этишга юбориладиган маҳсус миссиялар, халқаро конференцияларда иштирок этиш учун юбориладиган делегациялар.

Дипломатик ваколатхона-бошқа давлатнинг худудида жойлашган ушбу давлат билан дипломатик алоқаларни рўёбга чиқарадиган давлат органидир.

Давлатлар уртасида дипломатик муносабатларнинг урнатилиши, одатда, дипломатик ваколатхоналар билан алмашибга олиб келади. Бирок, бундай алмашибни амалга ошириш учун маҳсус келишув зарур. Хозирги замон халқаро хуқуки курсатилган дипломатик ваколатхоналар билан алмашибнинг уч даражаси

мавжудлиги имкониятидан келиб чикади. Хар бир даража учун ваколатхона бошлигининг маълум тоифаси тӯғри келади.

Энг юкори даража — элчихонадир. Унга Фавқулодда ва Мухтор Элчи даражасига эга бўлган дипломатик вакил раҳбарлик қилади. Ундан сунг Фавқулодда ва Мухтор Вакил раҳбарлик қиладиган холда муваккат ишлар вакили томонидан бошқариладиган миссия туради.

1961 йилги Вена конвенциясига кўра, дипломатик ваколатхоналарнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) юборувчи давлатнинг ваколатхона жойлашган давлатда вакиллигини амалга оширади;

2) давлат ва унинг фуқароларининг манфаатини халқаро ҳуқук доирасида ҳимоя қилиш;

3) дипломатик ваколатхона жойлашган давлат ҳукумати билан музокаралар олиб бориш;

4) қонуний воситалар орқали ўз давлатига ушбу давлат тӯғрисидаги ҳодиса, воқеалар ҳақида маълумот бериш;

5) давлатлар ўртасидаги дўстона алоқаларни рағбатлашириш.

Дипломатик ваколатхоналар бундан ташкири консуллик вазифаларини рўёбга чиқаради. Дипломатик ваколатхона раҳбари халқаро ҳукукка кўра, дипломатик вакил ўз давлатини хориждаги давлатда намоён этадиган ягона шахсадир.

Бир вактнинг ўзида элчи ташриф давлатдаги бошқа доимий вакилларга нисбатан ҳам олий вакил ҳисобланади.

XIX асрнинг бошига қадар, дипломатик вакилларнинг ва уларнинг даражалари оид қатъий даражалаш бўлмаган. Бу эса баъзи ҳолларда низоли ҳолатларга олиб келган.

1815 йилда Вена Конгрессида кабул килинган Вена регламентида дипломатик ваколатхона раҳбарининг қуйидаги даражалари үрнатилди: фавқулодда ва мухтор элчи, папа нунцийси, фавқулодда ва мухтор вакил ва нунций, ишончли вакил. 1818 йилдаги Аахен конгрессида юкорида кўрсатилган даражаларга резидент-вазир киритилиб у фавқулодда ва мухтор вакилдан сунг бўлган жойни олди.

Юкорида санаб үтилган дипломатик ваколатхона раҳбарлари даражалари, резидент вазирдан истисно, кейинги йилларда кўпчилик давлатлар томонидан қабул қилиниб, дипломатик ҳукукка ва дипломатик алоқалар амалиётида умумэътироф этилди.

1961 йилги Вена Конвенцияси дипломатик ваколатхона раҳбарига оид юзага келган амалиётни мустаҳкамлаб, уларни Зта даражага: элчилар ва папа нунцийлари, вакиллар ва интернунций; ишончли вакил бўлди.

Дипломатик вакилларни тайинлаш давлатнинг ички нормалари ҳамда ҳалқаро хукуқ билан тартибга солинади. Ҳар бир давлатда дипломатик вакилларни тайинлашнинг у ёки бу тартиби мавжуд.

Доимий дипломатик ваколатхона таркибида вакил қилиб юборувчи давлат номидан иш куриш унинг бошлигига юклатилади.

Ваколатхона бошликлари уч тоифага булинади. Улар:

- биринчидан, элчилар тоифаси ёки ўзгача ном билан юритилувчи уларга мос бўлган шахслар (нунцийлар, олий комиссарлар ва хок.);
- иккинчидан, юборувчи давлат томонидан қабул қилувчи давлат бошлиги хузурида унинг номидан вакиллик қилиш учун тайинланган муҳтор вакиллар тоифаси (интернунцийлар);
- учинчидан, қабул қилувчи давлат ташки ишлар вазирлиги хузурида юборувчи давлат номидан вакиллик қилиш учун тайинланган муваккат ишлар буйича вакиллар.

Дипломатик ваколатхона бошликларини тайинлаш учун қабул қилувчи давлатнинг розилиги — агрeman суралади. Шундан сунггина унта юборувчи давлат томонидан унинг тайинланганини тасдикловчи ишонч ёрлига берилади.

Махсус миссия таркибида вакил қилиб юборувчи давлат номидан вакиллик қилиши учун бир ёки бир неча шахс тайинланади. Улар юборувчи давлатнинг вакиллари номи билан юритилади. Махсус миссия таркибига кирувчи шахслар ичидан юборувчи давлат миссия бошлигини тайинлаши мумкин.

Доимий дипломатик ваколатхона таркибига дипломатик ходимлар, яъни дипломатик мартабага (рангга) эга бўлган шахслар (муҳтор вакил, биринчи, иккинчи ва учинчи котиблар, атташе, котиб-архивариус), ҳарбий, ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-хаво атташелари ва шунингдек, маъмурий-техник ва хизмат курсатувчи ходимлар кириши мумкин.

Махсус миссия таркибига ўз навбатида дипломатик, маъмурий-техник ва хизмат курсатувчи ходимлар киради.

Дипломатик ходимлар дипломатик ваколатхона ёки маҳсус миссия бошлири топширигига биноан қабул қилувчи давлат билан ўзаро муносабатларда юборувчи давлат номидан маълум функцияларни бажарадилар.

Маъмурий-техник ва хизмат курсатиш ходимлар дипломатик ваколатхона ёки маҳсус миссияга тегишли хизмат курсатиш буйича ўз функцияларини бажарадилар.

Дипломатик, маъмурий-техник ва хизмат курсатиш хизмати ходимларини тайинлаш тартиби ва уларнинг сони қабул қилувчи ва юборувчи давлатларнинг ўзаро келишуви асосида белгиланади. Қабул қилувчи давлат дипломатик ходимни хоҳлаган вактда persona non grata, яъни номакбул шахс» деб эълон қилиб, бу шахсларни юборувчи давлатдан дипломатик ваколатхона ёки маҳсус миссия таркибидан чакириб олишларини талаб қилиш мумкин.

Халқаро ҳукуқка мувоғик дипломатик ваколатхона раҳбарини тайинлашдан олдин, тегишли давлатдан тайинланадиган шахсни вакил сифатида қабул килиш учун унинг розилиги (агреман) суралади. Агрeman беришдан воз кечиш кандайдир тушунтириш ёки унинг сабабини кўрсатиш тақозо этмайди.

Одатда агрemanдан олингандан сўнг, дипломатик вакилни тайинланганлиги түгрисида матбуотда эълон берилади. Элчи ёки вакилга уларнинг тайинланган жойга кетишида йўллаётган давлат раҳбари имзо чеккан ишонч ёрлиғи берилади ва улар тайинланган давлат раҳбари номига юборилади. Ишонч ёрлиғида унинг соҳибига ушбу давлатлар ўртасидаги алоқаларда ўз давлати номидан ҳаракат килишига ишониш илтимоси бўлади.

1961 йилги Вена конвенцияси дипломатик ваколатхона раҳбари тайинланган давлатдаги вазифасини киришини ташриф давлатида мавжуд амалиёти, ёки ишонч ёрлиқларини топширишган вактдан бошлаб, ёки элчи ушбу давлатга келиб, мазкур давлат ташки ишлар вазири тасдиқланган ишонч ёрлиқларини тақдим этгани ҳақидаги ахборот берилган вактдан ҳисобланashi мумкин.

Дипломатик вакил аккредитация қилинган давлатда ўзининг расмий вазифалари тугаганига қадар давом этади.

Дипломатик вакилнинг вазифаси куйидаги ҳолларда тўхтатилади:

1) аккредитация қилган давлатнинг уни чакириб олиши; 2) дипломатик вакил фаолият юргизадиган давлат ҳукумати,

вакилнинг унинг ишончини йўқотган шахс деб ҳисобланиши (persona poncgrata);

3) дипломатик алоқаларнинг ўзилиши;

4) ушбу давлатлар ўртасида уруш юзага келганда;

5) ушбу давлатларнинг халқаро хуқук субъектлари сифатидаги барҳам топиши;

Дипломатик вакил фаолияти тұхталишининг энг күп тарқалған холати бу унинг ўз хукумати ташаббуси билан чақириб олиниши ҳисобланади. Бундай холда вакил фаолияти амалга оширилаётган давлат раҳбарига чақириб олинаётган дипломатик вакил ёки унинг ўрнига тайинланган шахс томонидан топшириладиган чақириб олиш ёрлиги йўлланади.

Дипломатик вакил бир вактнинг ўзида бошқа ёки бир неча давлатларда агарда қабул қилинаётган давлатларнинг бунга зътирози бўлмаган тақдирда, дипломатик вакил вазифасини амалга ошириши мумкин. Давлатлараро муносабатларда ушбу амалиёт кенг учраб туради. (Кумуляция).

Вена Конвенциясига мувофиқ, дипломатик ваколатхона ходимлари: дипломатик, маъмурий-техник ва хизмат қилувчиларга бўлинади.

Дипломатик ходимларга элчилар, вакиллар, маслаҳатчилар, савдо вакиллари ва уларнинг ўринбосарлари, маҳсус аташелар (харбий ҳарбий-денгиз, ҳарбий ҳаво) ва уларнинг ўринбосарлари 1-; 2-; 3- котиблар, атташе, 1961 йилги Вена Конвенциясига кўра ваколатхона аъзолари деб юритилади. Турли ваколатхоналардаги хар бир даражадаги ходимларнинг сони турлича.

Маъмурий-техник ходимларга девонхона бошлиғи, ҳисобчилар, таржимонлар, иш юритувчилар, машинистлар ва бошқа маъмурий ёки техник вазифаларни бажарувчилар киради.

Хизмат қилувчи ходимларга хайдовчилар, куръерлар, швейцарлар, лифтёрлар, фаррошлар ва бошқа ваколатхонада хизмат қилувчи вазифасини амалга оширувчилар киради.

Дипломатик персонал аъзолари асосан, аккредитация килаётган давлат фуқаролари бўлишлари керак.

Дипломатик лавозимга ташриф давлатининг розилиги билан маҳаллий фуқаролар ёки учинчи давлат фуқаролари тайинлаши мумкин.

Ваколатхона ўз ходимлари таркибида юз берадётган барча ўзгаришлар ҳақида ташриф давлатнинг ташки ишлар вазирлигига ахборот бериб туради.

Дипломатик ваколатхона имтиёз ва иммунитетлар дипломатик ваколатхона, унинг раҳбарлари ва ходимларига халқаро ҳукукка асосан бериладиган маҳсус ҳукук ва имтиёзлардир.

Дипломатик ваколатхона ташриф давлатида ўз вазифаларини бажариш учун унинг фаолияти ушбу давлат фаолити ушбу давлат ҳокимияти назоратидан холис бўлиши керак. Шу сабабли қадимданок элчиларнинг дахлсизлиги вужудга келган эди. Дипломатик ваколатхона вазифаларини бажариш шароитларини таъминлаш зарурияти унга алоҳида маком беришнинг асосий асосларидан ҳисобланади. Аммо шуни ҳам назарда тутиш керакки, элчихона давлатни намоён этиб, халқаро ҳукукнинг асосий принципларидан давлатларнинг teng ҳукукли ва суверенлигидан келиб чикиб, элчихона мавжуд имтиёз ва иммунитетларга эга бўлишини белгилайди.

Ҳозирги замон халқаро ҳукуқига кўра дипломатик ваколатхона – давлат органи унинг персонали-давлат муассасасининг ходимларидир. Шунга асосан, дипломатик имтиёз ва иммунитетларидир. Шунга асосан, дипломатик имтиёз ва иммунитетлари икки туркумга бўлинади: дипломатик ваколатхоналарнинг имтиёз ва иммунитетлари ва ваколатхона раҳбари ва ходимларининг шахсий имтиёз ва иммунитетлар.

Давлатларнинг халқаро ташкилотлардаги ваколатхоналари иккинчи жаҳон урушидан сўнг халқаро ташкилотлар аҳамиятининг ўғсанлиги муносабати билан кенг тарқалган нисбатан янги институтдир. Бундай ваколатхоналар асосан БМТ қошида мавжуд. Кўплаб давлатлар БМТнинг ихтисослаштирилган муассасаларда доимий ваколатхоналарга эга. Кўпинча монтакавий ташкилотларда ҳам ташкил қилинади.

Умумий қоидага биноан, давлатнинг халқаро ташкилотлардаги ваколатхонасига мазкур ташкилотнинг аъзоси эга бўлиши мумкин. Ташкилотнинг аъзоси бўлган давлатлар, агарда ташкилотлар қоидалари йўл кўйса, халқаро ташкилотларнинг хўзурода кўзатувчилар доимий миссияси тузишлари мумкин.

Дипломатик ҳукукнинг тегишли нормалари 1975 йилда қабул қилинган Вена конвенциясида кодификация қилинган. Мазкур Конвенцияда давлатларнинг универсал характердаги халқаро

Ваколатхона ўз ходимлари таркибидаги юз берадетган барча ўзгаришлар ҳақида ташриф давлатнинг ташкии ишлар вазирлигига ахборот бериб туради.

Дипломатик ваколатхона имтиёз ва иммунитетлар дипломатик ваколатхона, унинг раҳбарлари ва ходимларига халқаро ҳуқуқка асосан бериладиган махсус ҳуқуқ ва имтиёзлардир.

Дипломатик ваколатхона ташриф давлатида ўз вазифаларини бажариш учун унинг фаолияти ушбу давлат фаолити ушбу давлат ҳокимияти назоратидан холис бўлиши керак. Шу сабабли қадимданок элчиларнинг дахлсизлиги вужудга келган эди. Дипломатик ваколатхона вазифаларини бажариш шароитларини таъминлаш зарурияти унга алоҳида маком беришнинг асосий асосларидан ҳисобланади. Аммо шуни ҳам назарда тутиш керакки, элчихона давлатни намоён этиб, халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларидан давлатларнинг тенг ҳуқуқли ва суверенлигидан келиб чишиб, элчихона мавжуд имтиёз ва иммунитетларга эга бўлишини белгилайди.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқига кўра дипломатик ваколатхона – давлат органи унинг персонали-давлат муассасасининг ходимларидир. Шунга асосан, дипломатик имтиёз ва иммунитетларидир. Шунга асосан, дипломатик имтиёз ва иммунитетлари икки туркумга бўлинади: дипломатик ваколатхоналарнинг имтиёз ва иммунитетлари ва ваколатхона раҳбари ва ходимларининг шахсий имтиёз ва иммунитетлар.

Давлатларнинг халқаро ташкилотлардаги ваколатхоналари иккинчи жаҳон урушидан сўнг халқаро ташкилотлар аҳамиятининг ўсганлиги муносабати билан кең тарқалган нисбатан янги институтдир. Бундай ваколатхоналар асосан БМТ кошида мавжуд. Кўплаб давлатлар БМТнинг ихтисослаштирилган муассасаларда доимий ваколатхоналарга эга. Кўпинча минтақавий ташкилотларда ҳам ташкил килинади.

Умумий қоидага биноан, давлатнинг халқаро ташкилотлардаги ваколатхонасига мазкур ташкилотнинг аъзоси эга бўлиши мумкин. Ташкилотнинг аъзоси бўлган давлатлар, агарда ташкилотлар қоидалари йўл қўйса, халқаро ташкилотларнинг хўзурида кўзатувчилар доимий миссияси тузишлари мумкин.

Дипломатик ҳуқуқнинг тегишли нормалари 1975 йилда қабул қилинган Вена конвенциясида кодификация қилинган. Мазкур Конвенцияда давлатларнинг универсал характердаги халқаро

ташкилотлар хузуридаги вакиллиги, ушбу ташкилотларнинг органларида аъзо-давлатлар ёки аъзо булмаган давлатлар (қўзатувчилар) вакиллиги ҳамда универсал характердаги ҳалкаро ташкилотлар томонидан ёки уларнинг раҳбарлигига чакириладиган ҳалқаро конференциялардаги вакиллиги тўғрисида сўз боради.

Ҳалкаро ташкилотлар хузуридаги доимий ваколатхоналар деганда, аъзо-давлатларнинг доимий ваколатхоналари ва ташкилотга аъзо булмаган давлатларнинг қўзатувчи доимий миссиялари тушунилади. Ҳалкаро ташкилотлар органлари ва конференцияларга мос slab оладиган бўлсак, уларнинг ишида катнашаётган давлатлар делегациялари ва улар ишини қўзатиб борувчи делегациялар тўғрисида сўз боради.

Универсал характердаги ҳалқаро ташкилот — бу Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, унинг ихтисослашган муассасалари, Атом энергияси буйича ҳалқаро агентлик ва аъзолари таркиби ва жавобгарлиги кенг бўлган ҳалқаро характер касб этувчи шунта ухшаиш ҳар кандай ташкилотлардир.

Дипломатик хуқуқда тегишли ушбу хуқуқ соҳасининг ўзига хос жихатлари марказий муассасалар, уларнинг булимлари, ташкилот органлари ёки ҳалқаро конференцияларнинг ўз фаолиятларини ўзга давлат худудида унинг юрисдикциясидан озод этилган ва тегишли ўзаро келишилган имтиёз ва имкониятлардан фойдаланган холда амалга оширишида намоён булади. Давлатнинг ҳалқаро ташкилотлар хузуридаги доимий ваколатхоналари, ҳалқаро органлар ва конференциялардаги делегациялари улар жойлашган давлат билан бевосита хеч кандай алокаларга киришмаган холда унинг юрисдикциясидан иммунитетга эга булади ҳамда, агар ушбу давлат ва ҳалқаро ташкилот учун Конвенция кучда бўлса, унда белгиланган имтиёз ва имкониятлардан ҳам фойдаланадилар.

1946 йилги Конвенцияга мувофиқ, ташкилот аъзоларининг асосий ва ёрдамчи органларидан вакилларга ва БМТ томонидан чақириладиган конференцияларда улар ўз хизмат вазифаларини бажараётгандаридан шахсий қамоқ ва ушлаб туриш, расмий харакатлардан суд иммунитетидан қофоз ва ҳужжатлар дахлсизлиги, куръер ва шифрларидан фойдаланиш хукуки, солик иммунитети ва бошқа имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланади.

Мавзу: Дипломатик иммунитет ва имтиёзлар

- 1.Дипломатик иммунитет ва имтиёзларнинг назарий-хукуқий асослари.
- 2.Дипломатик ваколатхоналарнинг иммунитет ва имтиёзлари.
- 3.Дипломатик ваколатхоналарнинг раҳбари ва персоналиининг шахсий иммунитет ва имтиёзлари.

Юридик адабиётда дипломатик иммунитет ва имтиёзлар тұғрисида ҳар хил таърифлар мавжуд.

А.Х.Сайдов фикри бүйича: дипломатик ваколатхона ёки маҳсус миссия үз фаолиятини қабул қилувчи давлат худудида амалга оширади. Улар, үзларининг вакиллик характеристикалариниң қалыптасушилдиги менен да өзара тәкъидлардан салынады. Дипломатик иммунитеттеги қорынан тағдилділік көрсеткіштерінде да даими миссияның ваколаттық мүнисипаттарынан тәкъидлардан салынады. А.Х.Сайдовның тұжырымдарынан табиғаттағы иммунитеттеги қорынан тағдилділік көрсеткіштерінде да даими миссияның ваколаттық мүнисипаттарынан тәкъидлардан салынады.

Ташқи алоқалар органларининг ушбу халқаро-хукуқий мақоми иммунитет ва имтиёз тушунчалари билан белгиланади.

Иммунитет юборувчи давлат ташқи алоқалар органлари ва улар ходимларининг ваколат ва функцияларини қабул қилувчи давлатдан мустакил тарзда амалга ошира олишларини таъминлайды. **Имтиёз** ва **иммунитетлар** улар фаолиятининг самарадорлигига күмаклашиб учун хизмат қилади.

Дипломатик ваколатхона ёки маҳсус миссия ва улар ходимларининг иммунитети юборувчи давлат органлари сифатида давлат иммунитети деган янада кенгрек тушунчанинг эмансиясидир.

Давлат иммунитети – тегишли давлатлараро хукуқий муносабатлар мөхиятининг **жамланган күрениши**дир. Халқаро хукуқда давлат иммунитети барча давлатлар үртасидаги үзаро муносабатларда амал қилувчи давлатлараро муносабатларнинг тамойилларидан (умумий нормаларидан) биридир. У одатий норма сифатида шаклланган ва шу асосда давлатлараро муносабатларни тартиба солмоқдир. Ҳозир мазкур тамойил юқорида тилга олинган Конвенциялар ҳам үз ифодасини топған. Шунинг учун уни нафакат давлатларнинг узок амалиётини умумлаштириш натижасида, балки мазкур Конвенцияда үз ифодасини топған халқаро-хукуқий нормалар мөхиятидан келиб чиқиб ҳам белгилаш мүмкін.

Иммунитет тамойили «хар бир давлат бошқа бир давлат юрисдикциясидан иммунитет хукукига эга» эканлигини англатади. **Иммунитет** – юрисдикцияни истисно ыилиш ёки ундан озод этилишдир. Бу эса ўз ўрнида юрисдикцияга бўйсунмаслик билан баробар. Шубҳасиз, «хар бир давлат бошқа бир давлат юрисдикциясига бўйсунмайди».

«Юрисдикция» тушунчаси халқаро хукуқда (шунингдек, миллӣ хукуқда ҳам) турли маъноларда кўлланилади. Бироқ давлат иммунитети тамойилига нисбатан у ўзининг кенг маъносида, яъни давлатнинг ўз ҳокимияти ваколатларини амалга ошириш тарзида ишлатилади. Бошқача килиб айтганда, давлат иммунитети тамойили бир давлатнинг иккинчи бир давлатга бўйсунмаслигини англатади.

Давлат ҳокимияти ягона бўлиб, у конун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятлари қўринишига эга. Ушбу ҳолатда у «юрисдикция» иборасини камраб олади.

Давлатнинг конун чиқарувчи органи бошқа давлатлар учун юридик мажбурий хатти-харакат коидаларини қўллай олмайди. Унинг ижро ва суд органлари ўзларининг ваколатларини хорижий давлатга, хусусан, дипломатик ваколатхоналар ва маҳсус миссияларга нисбатан қўллай олмайди.

Қабул қилувчи давлат қонун хужжагларининг хорижий давлатга нисбатан татбик қилинмаслиги дипломатик ваколатхона ёки маҳсус миссия ходимлари ваколатхона ёки миссия жойлашган давлат миллӣ хуқуки субъектлари билан бўладиган ўзаро муносабатларида қабул қилувчи давлат ички хуқуки қоидаларига риоя қиласликлари мумкинлигини англашмайди. Аксинча, улар қабул қилувчи давлат қонунларини хурмат қилишлари ва унинг ички ишларига аралашмасликлари лозим. Дипломатик ваколатхона ва маҳсус миссия ходимлари иммунитети мавжуд чегаралар доирасида, қабул қилувчи давлат миллӣ хуқукининг у ёки бу юридик курсатмаларни уларга нисбатан мажбуран қўллаш ёки уларни ижро қилишдан озод этади холос. Бундай давлатнинг тегишли даъволари дипломатик йўллар билан давлатлараро даражада тартибга солинишини талаб қиласли.

Давлат иммунитети халқаро хуқук тамойили сифатида мазкур давлатнинг хорижий давлатда жойлашган мулкига ҳам татбик қилинади, чунки миллӣ қонунчиликни хорижий давлат мулкига нисбатан кўлланиши ва мажбуран ижро этилиши ҳакиқатда, ушбу

мулк эгаси бўлган давлатнинг мулк турган давлат юрисдикциясига бўсунишини англаради.

Дипломатик ваколатхона ва маҳсус миссиялар иммунитетига нисбатан айтилаётган гап, хусусан қабул қилувчи давлат ҳудудида улар эга бўлган ва фойдаланаётган мулк тўғрисида бормоқда.

Дипломатик ваколатхона ва маҳсус миссиялар иммунитети қаторига:

биринчидан, улар биноларининг (хоналарининг) дахлсизлиги;

иккинчидан, ушбу бинолар (хоналар) ва уларда жойлашган буюмлар иммунитети, шунингдек ҳаракат воситаларини тинтувдан, реквизициядан, хибдан ва ижро ҳаракатларидан иммунитети;

учинчидан, архивлр ва ҳужжатларнинг ҳар қандай вактда ва уларнинг қаерда жойлашганидан қатъи назар дахлсизлиги киради.

Дипломатик агентлар (ваколатхона бошлиғи ва унинг дипломатик ваколатхона ходимлари), юборувчи давлат маҳсус миссиялари вакиллари ва улар дипломатик ходимлари иммунитети қаторига:

биринчидан, улар шахсининг дахлсизлиги (жумладан, ҳибсга олинишлари ёки бошқа бирор шаклда ушланишлари мумкин эмас);

иккинчидан, уларнинг шахсий хоналари, қофозлари, ҳатлари (дипломатик ёзишмалари) ва мулки дахлсизлиги;

учинчидан, ваколатхона жойлашган давлат жиной, фуқаролик ва маъмурий юрисдикцияси иммунитетига киради.

Мазкур шахслар иммунитетидан уларни юборувчи давлат возкечиши мумкин. Чунки иммунитет алоҳида шахслар фойдаси учун эмас, балки ушбу давлат номидан вакиллик қилаётган давлат органлари функциясининг самарали амалга оширишини таъминлаш учун берилади.

Халқаро ҳукуқнинг умумий тамойилларидан бири хисобланмиш давлат иммунитетидан келиб чиқувчи давлатнинг ташқи алоқалар хорижий органлари иммунитетларининг мазмуни шундай кўринишга эга. Ушбу тамойил (умумий норма) императив характер касб этмайди. Бошқача айтганда, ундан чекиниш нафақат халқаро ҳукуқка мувофиқ, балки манфаатдор давлатлар ўртасидаги ўзаро келишув асосидаги (шартномада аник ифодаланган ёки бошқа тарзда) ҳам амалга оширилиши мумкин.

Давлатнинг ташқи алоқалар хорижий органлари (ва уларнинг ходимлари) иммунитетларидан ташқари халқаро ҳукуқка мувофиқ маълум имтиёзлардан ҳам фойдаланишлари мумкин.

Имтиёзлар – хорижий вакиллик органлари (ва уларнинг ходимлари) фаолиятининг имтиёзли шартлари бўлиб, одатда улардан миллий юридик ва жисмоний шахслар фойдаланмайдилар. Мазкур имтиёзли шартлар бундай вакиллик органларининг расмий халқаро-хукуқий мақомини инобатга олади ва уларга асосларда мазкур органлар функция ва ваколатларининг фаолиятини самарали амалга оширишларига кўмаклашиш мақсадида берилади.

1961 ва 1969 йиллар конвенцияларига мувофиқ бундай имтиёзлар қаторига:

Биринчидан, хорижий давлат вакиллик органининг уни юборувчи давлат хукумати ва унинг хорижий органлари билан барча қонуний воситалар ёрдамида, шу жумладан, дипломатик куръерлар, кодланган ёки шифрланган дипломатик мактублар (депеша), шунингдек, ваколатхона жойлашган давлат розилиги билан радио ўзатгичлардан фойдаланган ҳолда барча расмий мақсадларда алоқаларни боғлаб туриш;

Иккинчидан, хорижий давлат вакиллик органиниг, у эгаллаб турган биноларга нисбатан, алоҳида кўрсатилган хизматларга тўловлардан ташқари барча давлат, район ва маҳаллий (муниципал) солиқ, йигин ва божлардан озод этилиши;

Учинчидан, вакиллик томонидан фойдаланиш учун белгиланган нарсаларни божхона божлари, солиқлар ва йигинлари тўламасдан олиб кириш хуқуқи (баъзи истиснолардан ташқари);

Тўртингчидан, ваколатхона ва унинг бошлиғи томонидан юборувчи давлат байроғи ва гербини ваколатхона хоналарида, шу жумладан, ваколатхона бошлиғи қароргоҳида ва у фойдаланадиган транспорт воситаларида осиб қўйиш хуқуқи киради.

Дипломатик агентлар, юборувчи давлат маҳсус миссия вакиллари ва унинг дипломатик ходимлари куйидаги имтиёзлардан фойдаланадилар:

Биринчидан, миссия жойлашган давлат худуди бўйлаб эркин ҳаракат қиласи (белгиланган истиснолар билан);

Иккинчидан, барча давлат, район ва маҳаллий (муниципал) солиқ, йигим ва божлардан озод этилади;

Учинчидан, уларнинг характеристидан қатъи назар, барча меҳнат ва давлат мажбуриятларидан, шу жумладан, ҳарбий мажбуриятлардан (реквизиция, товон тृлаш ва уйларни қўнок ҳарбийлар қўшинидан озод қилиш кабилардан) озод этилади;

тұртингидан, күрсатилған шахслар ва уларнинг оиласы азсолари шахсий фойдаланишлари учун белгиланған нарсаларни божхона болжлари, соликлар ва йигимлар тұламасдан олиб кириш хуқуқига эга;

бешинчидан, агар уларнинг шахсий юкларида миссия жойлашған давлатга олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш тақиқланған нарсаларнинг борлигини тасдикловчи жиғдий асослар бұлмаса, уларни текширишдан озод этилади.

Бундан ташқари, қабул килувчи давлат ташқи алоқалар органига уларнинг үз функцияларини самарали бажара олишлари учун барча шарт-шароитларни яратиши лозим.

Имкониятлар - ваколатхона жойлашған давлат, агар бунга зарурият бұлса, хорижий давлатта, унинг вакиллік органлари ва ходимлари тимсолида эга бўлиши учун ёрдам бериши мумкин ёки лозим бўлган иммунитет ва имтиёзлардир.

Бу ерда гап ваколатхона учун биноға эга бўлиш ёки ходимлар учун яшаш хоналарини аниқлаш, турли хилдаги расмий мактубларни юборишдаги имтиёзли хуқуқлар билан таъминлаш, узокқа қатнайдиган жамоатчилик транспортларидан имтиёзли фойдаланиш, кундалик турмуш эктиёжлари учун зарур буюмларни олиш ва шунга ухшаш имтиёз ва хизматлар тўғрисида бормоқда.

Хозирги кунда дипломатик ваколатхоналар, уларнинг бошлиқлари ва ходимлари фойдаланадиган дипломатик иммунитет ва имтиёзлар икки томонлама ва кўптомонлама конвенциялар асосида, шунингдек, 1961 йил 18 апрелда қабул килинган «Дипломатик муносабатлар тўғрисида»ги Вена конвенцияси ва 1963 йил 4 апрелда қабул килинган «консуллик муносабатлари тўғрисида»ги Вена конвенцияси, шунингдек 2001 йил 8 майда қабул қилинган «Чет эл давлатларининг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари тўғрисида»ги Низом асосида тартибга солинади.

Иммунитет ва имтиёзларга эга бўлган дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари ходимлари Ўзбекистон Республикаси конунлари, маданияти ва халқининг урф-одат ҳамда анъаналарини ҳурмат килишга мажбурдирлар.

Шу орқали вужудга келган анъана ва одатлар халқаро хуқук нуқтай назаридан меъёрий хусусият касб этади.

Дипломатик иммунитет ва имтиёзлар мазмуни унинг кўлланиш соҳаси, ижтимоий табиати ва тегишли хукукий асосга боғлиқ бўлади.

Юридик адабиётларда кўрсатилишича, халқаро хукукий муносабатлар соҳасида «Дипломатик ваколатхоналарга иммунитет ва имтиёзлар белгилашда замонавий халқаро хукуқнинг умумтан олинган тамойилларидан асосийси бўлиб, давлат суверенитети ва давлатларнинг суверен тенглиги тамойилини ҳурмат қилиш хисобланади. Айнан шу гамойилга амал килган ҳолдагина дипломатик ваколатхона ва унинг ходимларига маҳаллий ҳокимият органларидан мустақил равишда фаолият юритишлири учун тўлиқ дипломатик иммунитет ва имтиёзлар бериши мумкин. Бундан ташкари, дипломатик иммунитет ва имтиёзларга риоя этиш халқаро хукукий тартибни таъминлаш мақсадида ҳам амалга оширилади»⁸.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юридик адабиётларда юкорида билдирилган фикрдан бошқа фикр ҳам билдирилган. В.Г, Даевнинг фикрича, жиноят хукуки соҳасида дипломатик иммунитет деганда «чет эл давлатлари дипломатик ваколатхоналари ходимларига бериладиган имтиёзлар йиғиндиси тушунилиб, бу иммунитет давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, давлатлараро ҳамкорлик ва Экстерриториаллик тамойилларига асосланади»⁹.

Келтирилган фикрдан кўриниб турибдики, муаллиф дипломатик иммунитетнинг халқаро хукукий институт ва жиноят процессуал институт жихатдан чегараламайди ва халқаро хукук билан шугулланувчи олимларнинг назарий қарашлари асосида замонавий шароитларда қўлланиб келинаётган халқаро хукук тамойиллари концепциясини илгари суради.

Ю.Г.Демин дипломатик ваколатхоналар ва уларнинг ходимлари макомига бағишиланган тадқиқотида ушбу қарашларни атрофлича таҳлил этади.¹⁰

Муаллифнинг таъкидлашича, дипломатик хукук ривожланишининг бутун тарихи мобайнида 15 дан ортиқ дипломатик иммунитет назариялари илгари сурилган. Замонавий адабиётларда асосан қўйидаги уч назария кўриб чиқилади: 1)

* Николаев А. Дипломатические привилегии и иммунитеты // Международная жизнь -1983 № 8 С 152
Дев В Г Иммунитеты в уголовно-процессуальной деятельности // правоведение 1992 №3 Б 48
Демин Ю Г Статус дипломатических представительств и их персонала - М: Международные отношения 1975 . С 21-36

Экстерриториаллик, 2) функционал зарурат, 3) вакиллик назарияси.

Экстерриториаллик (худудсизлик) назариясининг мохияти шундаки, бу назарияга кўра дипломатик ваколатхонага берилган худуд дипломатик ваколатхона тегишли бўлган давлатнинг худуди хисобланади; бунда элчихона бошлиги ва аъзолари ўз давлати худудларида деб хисобланадилар. Ушбу назария тарафдорларининг фикрича, охирги коидадан ваколатхона ва унинг ходимларида иммунитет борлигини тушуниш мумкин. Экстерриториаллик назариясини инкор этувчи кўпгина ҳукукшуносларнинг фикрича агар бу худуд ваколатхона давлатига тегишли бўлса, унда улар нега ўзларининг худудида чет эл давлатлари қонунларини амал килишига йўл кўядилар.

Функционал зарурат назарияси нисбатан ишонарли ва кўпчилик томонидан тан олинган назария хисобланади. Ушбу назарияга асосан иммунитет ва имтиёз беришга асос бўлиб дипломатик функцияни самарали бажарилишини таъминлаш зарурати хисобланади. Шунинг учун, иммунитетлар дипломатик ваколатхона ва унинг ходимларига уларнинг нормал фаолиятини таъминлаш зарурати келиб чиқкан ҳолларда ва муддатларда берилиши керак. Лекин ушбу назария буйича нима учун дипломатларнинг оиласирига иммунитетлар берилиши билан боғлиқ ва бошқа ҳолатларга жавоб бера олмайди.

Вакиллик назарияси турли даврларда элчи ўз ҳукумат ёки давлати, монархининг сиймосини гавдалантиргани учун иммунитетдан фойдаланади, чунки ҳеч бир монарх, ҳукумат ёки суверен давлат бир бирининг устидан ҳокимиятга эга эмас. Шунга карамасдан, бу назария дипломатлар ва уларнинг оила аъзолари давлат ваколатини амалга оширганда расмий функцияларни бажармасдан хусусий шахслар сифатида муносабатда киришганда фойдаланадиган иммунитет ва имтиёзларни тушунтира олади.

Вакиллик ва функционал зарурат назарияларини бирлаштирадиган “кўшма назария” яратиш учун уриниш бошиданок ҳалокатга учради, чунки, иккала назария ҳам хусусий ишлар масаласига келганда иммунитет зарурати масаласига жавоб бера олмади.

Куриб чиқилган назарияларда санаб ўтилган камчиликлар муаллифларнинг муаммони ҳал этишда янгича ёндашишларига

олиб келди.¹¹ Натижада тадқик этилаётган иммунитет ва имтиёзлар остида “давлатларнинг суверен тенглиги тамойили” ётганлиги аникланди.

Давлатнинг чет эл юрисдикциясидан иммунитети мана шу тамойилга асосланади. Давлатнинг иммунитети нафакат унинг ўзига, балки унинг мулки ва органларига нисбатан ҳам татбиқ этилади. Айнан шунини учун дипломатик ваколатхона давлатнинг органи сифатида келган давлатининг юрисдикциясидан озод этилади, унинг худуди дахлсиз ҳисобланади. Архив, расмий корреспонденция, дипломатик почта, дипломатик ваколатхонанинг кўчма воситаларининг дахлсизлиги шу билан тушунтириладики, бу объектлар аккредитация қилинувчи давлат мулки ҳисобланади.

Юқорида кўрсатилган тамойил ҳар бир дипломатик имтиёз ва устунликни асослаш имкониятини беради. Ю.Г. Демин Ушба назария турини “давлатларнинг суверен иммунитети нназарияси” деб номлаш таклифини киритди.¹² Ушбу назария нисбатан оддий, қўллашда қулай, барча дипломатик ваколатхона ходимларига иммунитет бериш заруратини тушунтиради. У нафакат ушбу ходимлар иммунитетини бўлиш заруратини тушунтиради, балки аккредитация қилинувчи давлатнинг иммунитетдан маҳрум қилиш хуқукини ҳам тушунтиради. Шунинг учун Ю.Г. Демин иммунитетдан нафакат ваколатхона ходимлари, балки аккредитация қилинувчи давлат ҳам фойдаланишини одилона тарзда таъкидлайди. Айнан ўша давлат умумий қоидаларга қўра қабул қилувчи давлат иштирокида ўз вакилларига бериладиган иммунитет ва имтиёзларни аниклади.

Ушбу назариянинг нисбатан узоқ истиқбол сари мантиқан ривожланишига унинг чет эл ҳудудида бўлған нафакат дипломатик вакиллар, балки бошқа давлат органлари ва хизматчилари мақоми учун асос бўлаётганлиги сабаб бўлди.

Жиноят-процессуал муносабатларда дипломатик иммунитет ва имтиёзларнинг умумий хуқукий асосини дипломатик ва бошқа иммунитет нормаларнинг мутлак бошланиши ҳисобланган фуқароларнинг қонун ва суд, бошқа давлат органлари олдида, миллати, фуқаролиги, жинси, машгулот тури, динга муносабати ва

¹¹ Ганюшкин Б В. Дипломатическое право международных организаций - М., 1972 - Б 169; Богданов О В. Правовые вопросы пребывания ООН в США. -М., 1962 - Б 49; Николаев А Указ работы - Б 152; Никифоров Д Б. Воронков А Ф. Дипломатический протокол в СССР принципы, нормы, практика. - М., 1977 - Б 44. Сандровский К. К. Дипломатическое право - Киев 1981 - Б 163.

Демин Ю Г. Статус дипломатических представительств и их персонала - М. Международные отношения, 1995 - Б 21-36.

бошқа ҳолатларидан қатъи назар тенглиги тамойили ташкил этади. Дипломатик вакиларни жиноий жавобгарликка тортишнинг асослантирилганлиги ва бу борада қўшимча кафолатлар яратиш. ваколатхонанинг ўзи томонидан уларга нисбатан мажбурлов чоралари ва бошқа ҳуқуқни чекловчи чораларни қўллашнинг олдини олиш ушбу нормаларни ўрнатишнинг мақсад ва вазифалари хисобланади. Бундан ташқари, ҳалқаро ҳукукий тартибни саклаш мақсадида ҳам дипломатик иммунитет ва имтиёзларга амал қилиш зарур.

Дипломатик иммунитет институтнинг умумий асосий меъёрлари Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 4-моддаси 2-кисмида кўрсатилган. Унда шундай дейилади: “Иммунитетга эга бўлган шахсларга нисбатан ушбу Кодекс Ўзбекистон Республикаси иштирок этадиган ҳалқаро шартномалар ва битимларга зид келмайдиган ҳолларда қўлланилади”.

“Чет эл давлатларининг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари тўғрисида” Низомнинг 1.1. бандига асосан¹³ имтиёзлар ва иммунитетлар Ўзбекистон Республикасидаги чет эл давлатининг дипломатик ваколатхонаси (элчихона ёки миссияси)га, консуллик муассасаси (бош консуллик, консуллик, вице-консуллик ёки консул агентлиги)га, дипломатик ваколатхона ходимлари ва консуллик муассасалари аъзоларига уларнинг функцияларини амалга ошириш учун берилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексида ушбу рўйхат кўрсатилмаган. Қизиги шундаки, Қозогистон Республикаси ЖПКсида ушбу масала ҳал этилган. Қозогистон Республикаси ЖПКнинг 501-моддасига асосан қуйидаги шахслар жиноий таъқиб қилинмайди:

1) чет эл давлатлари дипломатик ваколатхоналари бошликлари, ушбу ваколатхоналарнинг дипломатик таркиб аъзолари ва уларнинг оиласлари, агар улар бирга яшашса ва Қозогистон Республикаси фуқаролари хисобланмаса;

2) ўзаро ҳамкорлик асосида дипломатик ваколатхоналарнинг хизмат кўрсатувчи ходимлари ва уларнинг бирга яшаётган ва Қозогистон Республикаси фуқаролари хисобланмаган ёки Қозогистонда доимий яшамайдиган оила аъзолари, Қозогистон Республикаси ҳалқаро шартномаларида бошқача ҳолат назарда

¹³ Ўзбекистон Республикаси конунчилиги тўплами, 2001г № 9(21) -Б 47

түрмеган бўлса ўз хизмат вазифаларини бажариш вақтида улар томонидан содир этилган ҳаракатларга нисбатан консулликлар бошликлари ва консулликнинг мансабдор шахслари;

3) ўзаро ҳамкорлик асосида дипломатик ваколатхоналарнинг маъмурий-техник ходимлари ва уларнинг бирга яшаётган ва Қозогистон Республикаси фуқаролари ҳисобланмаган ёки Қозогистонда доимий яшамайдиган оила аъзолари;

4) дипломатик куръерлар:

5) чет эл давлатлари бошликлари ва вакиллари, парламент ва ҳукуматлар делегациялари аъзолари, ўзаро ҳамкорликка асосан Қозогистон Республикасига халқаро музокараларда, конференциялар ва йигилишларда иштирок этиш учун ва бошқа расмий топшириқлар билан келган ёки ушбу мақсадларда Қозогистон Республикаси худудидан транзит тариқасида ўтувчи чет эл давлати делегацияси ходимлари, уларнинг агар улар Қозогистон Республикаси фуқароси ҳисобланмаган оила;

6) чет эл давлатлари ҳукуматларининг халқаро ташкилотлар таркибидаги бошлиғи, аъзолари ва таркиби, ушбу ташкилотларнинг халқаро шартномалар ёки умумэътироф этилган халқаро одатлар асосида Қозогистон Республикасида бўлиб турган мансабдор шахслари;

7) дипломатик ваколатхоналарнинг бошликлари, Қозогистон Республикаси худудидан транзит тариқасида ўтувчи учинчи давлат худудидаги чет эл давлатининг дипломатик таркиб аъзолари, уларнинг оила аъзолари;

8) Қозогистон Республикаси халқаро шартномаларига асосан бошқа шахслар.

Чет эл давлати жиной таъқиб қилиш учун иммунитетдан воз кечиши ҳақида маҳсус билдирган ҳолларда ушбу шахслар жиной таъқиб қилиниши мумкин. Бундай иммунитетдан воз кечиши ҳақидаги жавобни Қозогистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимиға кўра Қозогистон Республикаси Таишк ишлар вазирлиги орқали дипломатик йўл билан ҳал этилади. Тегишли чет эл давлатининг иммунитетдан воз кечиши ҳақидаги жавоби бўлмаган ҳолларда кўрсатилган шахсларга нисбатан жиной таъқиб қилиш, жиноят иши қўзгатиш мумкин эмас, қўзгатилган жиноят ишлари эса тутатилиши керак.

Дипломатик ваколатхоналарнинг иммунитет ва имтиёзлари. 1961 йилдаги дипломатик муносабатлар тўғрисидаги

Вена конвенцияси, шунингдек, 2001 йил 8 майдаги чет эл давлатларининг Узбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари тұғрисидаги Низомы дипломатик иммунитет ва имтиёзларни икки гурухга ажратади:

1) дипломатик ваколатхонанинг иммунитетлари **ва** имтиёзлари;

2) дипломатик ваколатхона бошлиги ва таркибининг шахсий иммунитет ва имтиёзлари.

Жиноят процессынан көнүнчилігіда дипломатик вакиллар тушунчаси очиб берилмаган. Шунинг учун ушбу тушунча ва у билан бөглиқ масалаларни анықлаш мақсадида юқорида күрсатылған иккита хуқукий хұжжатлар мейёрлари күлланилади:

а) 1961 йилдаги дипломатик муносабатлар тұғрисидаги Вена конвенцияси (баъзида “Элчилик хуқуки кодекси” деб юритилади). (3, 14, 19, 22, 24, 27, 29-31, 37-40, 43-45 моддалари)¹⁴ **ва**;

б) 2001 йил 8 майдаги чет эл давлатларининг Узбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари тұғрисидаги Низом (2.1; 2.2; 2.3; 2.10; 3.15 бандлар).¹⁵

Хусусан, дипломатик муносабатлар тұғрисидаги Вена конвенциясига асосан дипломатик вакиллар, унда күрсатилишича “дипломатик агентлар” категориясынан күйидегилар кириллелендірілген:

1) дипломатик ваколатхона бошлиғи **ва**

2) тегишли дипломатик рангта зерттеуден болжанындық таркиб аъзолари (1-модда).

Конвенцияга асосан дипломатик ваколатхоналар бошлиқлары 3 синфга бүлинади: а) элчилар ва уларга тенгглаштирилған ваколатхоналар бошлиқлари; б) вакиллар синфи; в) ишлар бүйіча ишончли вакиллар синфи (14-модда). Ишончли вакил ёки аккредитация килинген давлат томонидан келген давлат билан ҳамкорлықда тайинланған мәймурлар ишлар бүйіча масъул шахс (келген давлатидеги ваколатхонада умуман ходимлар бүлмаган холларда) ваколатхона бошлиғи мажбуриятларини бажариши мүмкін. (19-модда).

Чет эл давлатларининг Узбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари **ва** консуллик муассасалари

¹⁴ Шубу Конвенция 1961 йил март-апрель ойда Вена шаһрида булиб утган ҳалкаро конференцияда қабул килинған (Международное право в документах - Б. 208-209).

¹⁵ Узбекистон Республикасы көнүнчилігі тұплами. № 9 (21) 2001г. -Б. 47

тұғрисидаги Низомда дипломатик ваколатхона бошлиқлари рұихати қуйидагилар этиб күрсатылған: әлчилар, нунсийлар, вакиллар, интернүнсийлар, ишлар бүйіча ишончли вакиллар (2.2 банд).

Ваколатхона таркиби аъзолари булып дипломатик таркиб аъзолари, маъмурий-техник ва хизмат күрсатыши таркиби аъзолари хисобланади. Дипломатик таркиб аъзолари булып эса дипломатик рангта эга булған таркиб аъзолари хисобланади (дипломатик муносабатлар тұғрисидаги Вена конвенцияси 1-модда).

Аkkредитация қилинуvчи давлат органды сифатида ваколатхонанинг иммунитети ва имтиёзларига қуйидагилар киради:

а) Ваколатхона худудининг далхисизлиги. Дипломатик муносабатлар тұғрисидаги Вена конвенциясининг 22-моддаси 1 бандига асосан “ваколатхона худуди дахлсиздир. Ваколатхона жойлашған давлат ҳокимияти органлари ваколатхона рухсатисиз бу худудга киришга ҳақли әмаслар.” Л.А. Моджоряннинг фикрича, ушбу дахлсизлик мутлақ ахамият касб этади. Үз фикрини асослаш мақсадида муаллиф Вена конвенциясининг 22-моддасига қарши бұлған 1969 йил 8 декабрда БМТ Бон Ассамблеяси томонидан қабул қилинған махсус миссиялар тұғрисидаги Конвенциянинг 25 моддасини мисол келтиріди. Унга күра ваколатхона жойлашған давлат вакиллари махсус миссиялар худудига ёнғин ёки жамоат хавфсизлиги учун жиiddий хавф түгілған ҳолларда, махсус миссия бошлиғининг рухсатини олиш имконияти бұлмаган ҳолларда. бошка қоңда билан үзгартырıldı. 1975 йил мартдаги давлатлар ваколатхоналари тұғрисидаги Конвенциянинг 23-моддасига асосан уларнинг универсал харakterдаги халқаро ташкилотлар билан муносабатларида нафакат дипломатик ваколатхоналар худудининг мутлақ дахлсизлиги зълон қилинди. балки, муаллифнинг таъкидлашича, давлатларга ваколатхона худудини ҳар қандай зарап етказиш, бостириб кириш каби ҳолалардан, шунингдек ваколатхона тинчини бўзиш ва шаънини ҳакорат қилишдан химоя килиш мажбурияти юкланғанлиги ҳам зълон қилинди.¹⁶

Муаллифнинг халқаро хукукий институт жихатидан ваколатхоналар худудининг мутлақ дахлсизлигини тасдиқлаши тұғри булиши мумкин, лекин процессуал институт нүктай

¹⁶ Моджорян Л. А. Правовое положение дипломатических представительств и их персонала // Советский ежегодник международного права 1974 -М: Наука, 1976 -Б 157 Аналогичная позиция излагается в книге Курс международного права. Том I -М: Наука, 1990 -Б 124

назаридан бу масала бир мунча баҳсли ҳисобланади. Дипломатия муносабатлар тұғрисидаги Вена конвенциясынинг 22-моддаси бандида ушбу худудлар “титтувдан иммунитетта эга”лиги ва шу кабилар күрсатылған. Лекин ҳар кандай иммунитет –бу имтиёз асоссиз ҳукукни чеклашларнинг құшимча кафолати ва воситаси ушбу холатда давлат ҳокимияти вакиллари, шу жумладан ҳукукни муhoфаза қылуvчи органларнинг ваколатхона худудига бостириб киришига қарши ҳимоя ҳисобланади. Ушбу имтиёз ваколатхонага тегишли бұлған худудда титтув ва олиб қўйиш ўтказиши учун дипломатик ваколатхона бошлигининг рухсатини олишни талаб этади. ЖПКнинг 165-моддасига асосан олиб қўйиш ёки титтув дипломатия ваколатхонаси худудида ўтказилаётганда дипломатия ваколатхоналари ва уларнинг дипломатия дахлсизлигига эга бўлган ходимлари, шунингдек уларнинг оила аъзолари эгаллаб турган биноларда факат дипломатия ваколатхонаси бошлиғининг илтимосига кўра ёки унинг розилиги билан ўтказилиши мумкин, дипломатия ваколатхонаси ходимларининг ёки уларнинг вояга етган оила аъзоларининг истиқомат жойларида ёхуд улар эгаллаб турган бошқа биноларда олиб қўйиш ва титтув уларнинг илтимосларига кўра ёки розиликлири билан ўтказилиши мумкин. Күрсатылған имтиёзлар Ўзбекистон Республикасида аккредитация килинмаган бўлса-да, дипломатия дахлсизлигига эга бўлган ажнабий вакилларга ва уларнинг оила аъзоларига ҳам берилади.

Дипломатия дахлсизлигига эга бўлган шахсга ва унинг оила аъзоларига нисбатан шахсий титтув ёки олиб қўйиш ушбу модданинг биринчи қисмida күрсатылған талабларга риоя қилган ҳолда ўтказилиши мумкин.

Дипломатия вакили ёки унинг оила аъзоларининг олиб қўйишга ёки титтув ўтказишга розилиги Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги орқали сўралади.

Дипломатия ваколатхоналари ва дипломатия дахлсизлигидан фойдаланадиган вакиллар, шунингдек уларнинг оила аъзолари жойлашган биноларда титтув ёки олиб қўйиш ўтказиш чогида прокурор ва Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлигининг вакили ҳозир бўлиши шарт.

Келтирилған нормалар фикримизча, дипломатик ваколатхоналар худудининг дахлсизлиги мутлақ эмаслигини англаатади.

“Ваколатхона худуди” термини тушунчасига мулк кимга тегишли булишидан катъи назар ваколатхона мақсадлари учун ишлатиладиган бино, унинг бир кисми, уларга хизмат қилувчи бинолар ёки уларнинг бир кисми ҳамда ер участкаси билан бирга ваколатхона бошлигининг кароргохи киради. (Дипломатик муносабатлар тұғрисидаги Вена Конвенцияси I-модда).¹⁷

Ваколатхона (элчихона ёки миссия) худудига тегишли бұлган ер участкаси қуриб чиқылған иммунитет ҳимояси остида бұлади. Гарчи Вена конвенциясида ҳам, чет эл давлатларининг Ұзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари тұғрисидаги Низомда ҳам. ЖПКда ҳам ваколатхона биноларини күздан кечириш аник күрсатилған бұлмаса-да, уни ва дипломатик ваколатхона биноларини ҳодиса жойи сифатида күздан кечириш зарурати туғилған холларда, тинтүв ва олиб қўйишда қўлланиладиган тартибда рухсат олиниши талаб этилади.

Ушбу имконият дипломатик муносабатлар тұғрисидаги Вена конвенциясининг 22-модда I бандидан келиб чиқади. Унга қўра, ваколатхона бинолари тушунчасига кирадиган биноларни ҳодиса жойи сифатида күздан кечириш учун ваколатхона жойлашган давлатнинг суд-прокуратура ходимлари ваколатхона (элчихона ёки миссия) раҳбарининг рухсатини олиши керак.

Ушбу биноларга нисбатан олиб қўйиш, реквизиция қилиш, хатлаш ва бошқа мажбурлов чораларини қўллаш мумкин эмас. (Чет эл давлатларининг Ұзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари тұғрисидаги Низомнинг 3.1. банди).

Эслатиб үтилған Вена конвенцияси аккредитация қилинувчи давлат томонидан жиноий ишлар бўйича фукаролик юрисдикциясидан мулк қилиб олинган дипломатик ваколатхона биноларининг иммунитети масаласи тұғридан тұғри ечимини тоғмади. Конвенциянинг 31-моддаси I-қисим “а” бандида күрсатилған нормага асосан дипломатлар “аккредитация қилинувчи давлат номи билан ваколатхона мақсадларида олган”, эгалик қилиб тұрган хусусий кўчмас мулк (шу жумладан бинолар) учун фукаролик юрисдикциясидан озод этиладилар. Дипломат

17Мининг ҳалқаро ҳуқук комиссияси шархига асосан дипломатик муносабатлар тұғрисидаги 1961 йылғы Вена конвенциясиңа тәжіриф үтілген янги моддалар лойиғасыда ер участкаси тушунчасига дөнрасига ваколатхонаға тегишли бұлған бөг ва автомиллар тұхташ жойи кирилтілған (Демін Ю.Г. Указ работа - Б. 57. Замонавий ҳалқаро ҳуқуқда дипломатик ваколатхона биносы тушунчаси ваколатхона тегишли бұлған тақтатнинг худуди сифатыла каралып, уларга нисбатан ваколатхонаға қўлланиладиган алоҳида миллелляр ҳуқуқ режим ва иммунитетлар тулиқ қўлланилады

фуқаролик юрисдикциясидан маҳрум этилиши мумкин бўлган бундай ҳолларда бу ваколатхонанинг ўзи ҳам иммунитетдан аккредитация қилинувчи давлат ваколатхонага фойдаланиш учун бериб қўйган биноларни химоя килинишидан маҳрум этилишини англётмайди. Бундай ҳолат иммунитетнинг маҳсус субинститути бўлган дипломатик ваколатхоналарнинг биноларига бағишлиланган фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича нормаларни бўлиш учун етарли асос ва далил бўлади.

б) Ваколатхона мулки ва кўчар воситаларининг дахлсизлиги. Дипломатик муносабатлар тўғрисидаги Вена конвенциясининг 22-модда З-қисмига асосан ҳамда чет эл давлатларининг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари тўғрисидаги Низомнинг 3.1. бандига кўра ваколатхона ҳудудида жойлашган предметлар, шунингдек ваколатхонанинг кўчар воситалари тинтув, олиб қўйиш, реквизиция қилиш ва бошка мажбуров чораларига нисбатан иммунитетдан фойдаланади. Бу мулкка нисбатан тинтув ўtkазиш, олиб қўйиш ва хатлаш ЖПКнинг 165, 290-моддаларида кўрсатилган тартибда ва асосларда ўtkазилади.

Дипломатик ваколатхонанинг кўчар воситалари билан боғлик бир қанча муаммолар келиб чиқади. Дипломатик ваколатхоналарнинг кўчар воситалари каторига ваколатхонага, унинг маъмурӣ-техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларига, оила аъзоларига ижара асосида тегишли бўлган ёки фойдаланиш учун бериб қўйилган автомобиль, ҳаво, сув ва бошка турдаги транспорт воситалари киради.

Берилган иммунитет ва имтиёзларнинг ҳажми нуқтаи назаридан кўчар воситаларнинг дипломат ёки ваколатхонага тегишлилиги жиноят процессида аҳамиятга эга ҳисобланади. Конвенциянинг ваколатхона ёки унинг дипломатик агентларига тегишли бўлган кўчар воситаларга бағишлиланган 22-моддаси З-қисми ва 30-моддаси 2-қисмини киёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, уларнинг ҳар иккалasi ҳам тинтув, олиб қўйиш, ижро ҳаракатлари (фуқаролик даъвонинг мажбурия ижро қисми бўйича ҳаракатлар)га нисбатан дахлсизлик, яъни иммунитет хукуқидан фойдаланади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида иммунитетдан фойдаланадиган дипломатик кўчар воситалар “СМБ” (дипломатик ваколатхона бошликлари учун) белгили давлат рақами, “Б” белгили

дэвлат раками (дипломатик ваколатхона аъзолари учун) ва "Т" белгили давлат раками (маъмурый-техник таркиб аъзолари учун)га булиб, бу уларга халкаро хукук доирасида бериладиган иммунитет ва имтиёзларнинг турли ҳажмдалиги нуктаи назаридан хукукий жиҳатдан тўғри ҳисобланади

в) Дипломатик ваколатхона хужжатлари ва архив маълумотларининг дахлсизлиги. Дипломатик муносабатлар тўғрисидаги Вена Конвенциясининг 24-моддаси ва чет эл давлатларининг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари тўғрисидаги Низомнинг 3.4. бандига асосан "ваколатхонанинг хужжатлари ва архивлари уларнинг қайси вақт ва қаердалигидан қатъи назар дахлсиздир".

Санаб ўтилган объектлар мутлақ характер касб этиб, кўздан кечириш, олиб қўйиш, шунингдек ушбу хукукни чекловчи бирор бир ҳаракатларга нисбатан иммунитетдан фойдаланади. Шундан келиб чикиб, жиноий ишлар бўйича "дипломатик ваколатхоналарга тегишли архивлар ва хужжатлардан" олинган маълумотлар далил сифатида эътироф этилмайди.

г) Ваколатхона алоқалари сирлигининг эркинлиги ва дахлсизлиги. Дипломатик муносабатлар тўғрисидаги Вена конвенциясининг 27-моддаси 1-қисмига кўра "Ваколатхона жойлашган давлат ваколатхонанинг барча расмий мақсадлардаги муносабатларининг эркинлигини таъминлаши керак. Хукумат ва аккредитация қилинган давлатнинг бошқа ваколатхона ва консуллеклари билан, уларнинг қаерда булишларидан қатъи назар ваколатхона дипломатик куръерлар ва шифрланган шошилинч хатларни ҳисобга олған ҳолда барча зарур воситалардан фойдаланиши мумкин".

Ваколатхонанинг расмий хатлари, шу жумладан унинг дипломатик почтасига нисбатан ваколатхона жойлашган давлатда хеч кандай чегараларсиз мутлақ дахлсизлик коидалари кўлланилади.

Дипломатик муносабатлар тўғрисидаги Вена конвенциясининг 27-моддаси 2-4-қисмига асосан расмий хат (хабар) деганда ваколатхона ва унинг функциясига тегишли барча хат (хабар) гушуニлади. Дипломатик почтани текшириш, ушлаб туриш мумкин эмас. Дипломатик почтани ташкил этадиган барча жойларга унинг ҳарактерини кўрсатувчи ташкил белгилар қўйилган

булиши ва улар факат расмий фойдаланиш учун кўзда тутилган дипломатик хужжатлар ва предметлардан иборат булиши мумкин (чет эл давлатларининг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари тўғрисидаги Низомнинг 3.5 банди).

Дипломатик ваколатхоналарнинг раҳбари ва ходимларининг шахсий иммунитет ва имтиёzlари. Дипломатик таркиб шахсий иммунитет ва имтиёzlарининг қуйидаги турлари мавжуд:

а) Халқаро хуқуқ доктринасига мувофик шахсий дахлизилик - дипломатга берилган энг асосий иммунитетлардан бири булиб, колган барча иммунитет ва имтиёzlар шундан келиб чиқади.¹⁸

Дипломатик муносабатлар тўғрисидаги Вена конвенциясининг 29-моддасига асосан “Дипломатик агентнинг шахси дахлизизди, уни қамоққа олиш ва ушлаб туриш қандай шаклда бўлмасин мумкин эмас. Дипломатик агент бўлиб турган давлат унга нисбатан ҳурмат билан муносабатда булиши ва унинг шахси, эркинлиги ва шаънига бирон бир тарзда тажовўз қилинишининг олдини оловчиchorаларни кўриши лозим”.

Процессуал адабиётларда дипломатлар шахсий дахлизилигининг мутлақлиги хусусияти кўрсатиб ўтилган. Хусусан, бирорта ҳолатда ҳам қамоқ ва ушлаб туриш “дипломатик дахлизилик хуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.”¹⁹ Кўпгина халқаро хуқуқ бўйича мутахассис хукуқшунослар бу масала бўйича бошқача фикр билдиришади.

Уларнинг фикрича, “шахсий дахлизиликнинг” хукукни муҳофаза қилувчи органлар томонидан чегараланиши (баъзиларнинг қатъий таъкидлашларича унинг “бўзилиши” эмас,)²⁰ қуйидаги ҳолларда хукукка мувофик ҳисобланади:

¹⁸ Демин Ю Г Статус дипломатических представительств и их персонала -М Международные отношения 1995 - Б. 98

¹⁹ Баstrykin A. I. Взаимодействие советского уголовно-процессуального и международного права. -Л.. Изд. Ленингр Ун-та, 1986 - Б. 100

²⁰ Шахсий дахлизиликни бўзиш ҳар қандай ҳолатда ҳам мумкин эмаб Баъзи истисно ҳолларда унинг чекланишига факаттана конун хужжатларида тўгридан тўгри курсатилган ҳолларда масалан, дипломатик муносабатлар тўғрисидаги Вена конвенциясининг 31-моддаси З кисми дипломатнинг шахсий дахлизилик хукуки бўзмасдан йўл кўйилиши мумкин. Карапт. Левин В. А. Дипломатический иммунитет - М.-Л . 1949 - Б 314-316 Романов В. А. Венской конвенции о дипломатических сношениях и основные вопросы кодификации международного права в области дипломатических привилегий и иммунитетов // Советский ежегодник международного права 1961 - М . 1962 - Б 80

1) агар бундай ҳаракатлар дипломатга карши үзини мудофаа килиш максадида қилинган бўлса (яъни зарурий мудофаа холатида);

2) агар бундай ҳаракатлар дипломат томонидан жиноят содир этилишининг олдини олиш ва огохлантириш максадида амалга оширилган бўлса (яъни охирги зарурат институти доирасида);

3) дипломатни ушлаётган мансабдор шахс ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими унинг расмий ҳолатини билмаган ва билиши лозим ҳам бўлмаган ҳолларда.²¹

Демак дипломатларнинг мутлак шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга деган қараш учалик ҳам тўғри эмас. Шахсий манфаатлар ва мамлакат ҳудудида жиноий фаолият билан шуғулланувчи, ўзларининг “бўлиб турган давлат қонунларини хурмат қилиш билан боғлиқ” мажбуриятини бажармаган дипломатларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иммунитетлардан фойдаланилган ҳолатларда, яъни дипломатик муносабатлар тўғрисидаги Вена конвенциясининг муқаддимаси ҳамда 41, 42-моддаларини бўзадиган ҳолларда иммунитетлардан фойдаланишни нормал ҳолат деб баҳолаб бўлмайди. Лекин, БМТ ҳалқаро ҳуқук Комиссиясининг шарҳига эътибор берадиган бўлсан, унга асосан шахсий дахлсизлик ҳуқуки “қонуний зарурий мудофаа чораларини ҳам, айрим ҳолларда унинг жиноят содир этишига тўсқинлик қилишни ҳам истисно этмайди”.²²

Чет эл давлатларининг Узбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари тўғрисидаги Низомнинг 3.13. бандига асосан “дипломатик ваколатхона бошлиги ва дипломатик таркиб шахсий дахлсизлиқдан фойдаланади ва қанака шаклда бўлмасин тинтуб қилиниши, қамоққа олинниши мумкин эмас”.²³

Узбекистон Республикаси қонунчилигига кўра қамоққа олишнинг уч хил (маъмурий жавобгарлик тарзидаги қамоқ, қамоқ - жиноий ишларда мажбуров чорасининг тури сифатида (ЖПК 243-моддаси) ва қамоқ жиноий жазо тури сифатида) ва ушлаб туришнинг икки хил (маъмурий ушлаб туриш ва ЖПКнинг 220-

²¹ Влишенко И.П. Жданов Н.В. Принцип неприкосновенности дипломатического агента // Советский ежегодник международного права 1973. - М. 1973. - Б. 191 Сандровский К. К Дипломатическое право Киев. 1981. - Б. 180; Ковалев А. А Привилегии и иммунитеты в современном международном праве - М. 1986. - Б. 16 ва бошқалар

²² Демин Ю.Г. Статус дипломатических представительств и их персонала - М. Международные отношения 1995. - Б. 99.

²³ Узбекистон Республикаси қонунчилиги тўплами, № 9 (21). 2001г. - Б. 47

моддасида назарда тутилган тартибда жиноят содир этишда гумон қилинувчини ушлаб туриш) шакли мавжуд. Низомдаги тақиқ ушбу барча нормаларга тегишилдири. “Ушлаб олиш”, “жиноят устида қўлга олиш”, “олиб келмиш” ва бошқа тушунчаларга келганда, улар ташки томондан дипломатик вакил шахсий дахлсизлигининг ҳукуқий тушунчасини бўзмайдиган ушлаб туриш, мажбурлов чораларининг ҳукуқий институтларига ўхшайди, албатта, дипломатнинг шахси аниқлангандан ва унинг ноқонуний харакатлари ҳақида далолатнома (баённома) тузилгандан кейин у қўйиб юборилади.

Дипломатик вакилларнинг шахсий дахлсизлиги, шунингдек мамлакат ичида ҳам, ҳалқаро миқёсда ҳам жисмоний шахслар тажовўзидан юкори даражадаги давлат ҳимоясига эга бўлиш ҳукуқини ўз ичига олади. Бу ўз навбатида дипломатик ваколатхона жойлашган мамлакатнинг ваколатли органларига тегишили мажбуриятларни юклайди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 155-моддасида ҳалқаро ҳимоядан фойдаланадиган хорижий мамлакат ёки ҳалқаро ташкилотларнинг хизмат биноларига ҳужум килган шахслар учун жавобгарлик белгиланган.

б) Жиноий юрисдикциядан имунитет. Дипломатик муносабатлар тўғрисидаги Вена конвенциясининг 31-модда 1-кисмига биноан «дипломат-хизматчи ўзи фаолият кўрсатаётган ҳукуқидан фойдаланади». 4-кисмда эса дипломат-хизматчи ўзи фаолият кўрсатаётган давлатнинг жиноий юрисдикциясидан имунитет (дахлсизлик) ҳукуқидан фойдалананиши уни аккредитация қилган давлат (яъни ўзи келган мамлакат) юрисдикциясидан озод этмайди.

Имунитетнинг моҳияти Ўзбекистон Республикасида хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари тўғрисидаги Низомда²⁴ янада кенгрок очиб берилган бўлиб, унга кўра дипломатик ваколатхона раҳбари ва аъзолари аккредитация қилаётган мамлакатнинг аник розилиги бўлган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига тегишили бўлишлари мумкин. Ҳалқаро ҳукуқ нормаларига биноан, аккредитация қилаётган мамлакат дипломатик ваколатхонасининг ёки бу хизматчиси имунитетидан воз кечиши тўғрисидаги розилиги қуйидаги шаклларда ифодаланиши мумкин: 1)

²⁴ Ўзбекистон Республикаси конунчилиги туплами. № 9 (21). 2001г. - . 47 б

аккредитация қилаётган давлатнинг ваколатли органи розилиги; 2) дипломатик ваколатхона раҳбарининг розилиги.

в) Фуқаролик юрисдикциясидан дипломатик вакилнинг иммунитети жиноят процессидан ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Хусусан, жиноят процессида фуқаролик даъвони тақдим килиниши, ушбу даъвони таъминлаш чораларини қўрилиши, мулк ва пул омонатларини ҳадлаб қўйилиши, ҳукмнинг фуқаролик даъвосига оид кисмининг ижро этилиши кабиларни мисол қилиб қўрсатиши мумкин. Дипломатик муносабатлар тўғрисидаги Вена конвенциясининг 31-модда 1-қисмига биноан дипломатик хизматчилар қўйидаги ҳолатларни истисно этганда фуқаролик ва маъмурий юрисдикциядан дипломатик иммунитетга эгадир:

а) Элчихона жойлашган мамлакатдаги хусусий кўчмас мулкка оид ашёвий даъволар, агар аккредитация қилаётган давлат номидан ва унинг мақсадлари йўлида бу мулқдан фойдаланилаётган бўлинса;

б) Дипломатик вакил васиятнома ижрочиси, жисмоний шахс сифатида (аккредитация қилаётган давлат номидан эмас) меросхўрнинг мерос мулки устидан васий сифатида иштирок этаётган васиятга оид даъволар бўйича;

с) Дипломатик хизматчининг расмий вазифаларидан ташкарида бўлган ишлабётган давлатдаги ҳар қандай профессионал фаолияти бўйича келиб чиқадиган даъволар;

г) Дипломатик ваколатхона аъзолари ҳужжатлари, ёзишмалари ва мулкининг дахлсизлиги. Дипломатик муносабатлар тўғрисидаги Вена конвенциясининг 30-модда 2-бандига биноан дипломат ҳужжатлари ва ёзишмаларининг дахлсизлиги бутун дипломатик ваколатхона архиви, ҳужжатлари ва ёзишмалари дахлсизлигини таъминлаш даражасида амалга оширилади (Низомнинг 3.4-банди). Дипломатик вакилнинг расмий ҳужжатлари ва ёзишмалари (корреспонденция) ушлаб турилиши, очилиш ва кўздан кечирилиши мумкин эмас (албатта. жиноят-процессуал маънода эмас). Хусусан, дипломат томонидан йўқотилган ҳужжатлар жиноят ишида ёзма далил сифатида ҳам, ашёвий далил сифатида ҳам ишлатилиши мумкин эмас.

1961 йилдаги Вена конференциясида дипломатларнинг ҳужжатлари ва ёзишмалари дахлсизлигини чеклаш таклифи билан америка делегацияси чиқкан эди. Уларнинг фикрича, дипломатларга нисбатан Конвенциянинг 32-модда 1-бандига асосан

даъволар билдирилган тақдирда юқорида тилга олинган ашёлардан фуқаролик процессида фойдаланиш мумкинлиги тұғрисидаги қоидан Конвенция таркибиға кирииш керак эди. Бирок бу таклиф рад этилди.²⁵ Бу ҳолат күриб чиқилаётган иммунитетлар турларининг мутлақ характерга зға эканлигидан далолат беради.

Адабиётларда дипломатнинг фақаттана хизмат хужжатлари ва ёзишмалари дахлсизлик хукукидан фойдаланадими ёки бу хукук дипломатик ваколатхона расмий вазифасига алоқадор бұлмаган бошка шахсий хужжатлар ва ёзишмаларга нисбатан ҳам татбиқ этиладими деган савол мухокама қилинганды. Ю.Г. Деминнинг фикрича, дахлсизлик хукуки фақат дипломатнинг расмий вазифалари билан боғлиқ бўлган хужжатлар ва ёзишмаларга нисбатан татбиқ этилиши керак.

д) Шахсий резиденциянинг дахлсизлиги. Таъкидлиаш жоизки, күриб чиқилаётгандай дипломатик ваколатхона биносининг мақоми, шунингдек дипломатик ваколатхона раҳбарининг резиденцияси ва дипваколатхона аъзоларининг турар-жойларига нисбатан ҳам таалуклидир (Ўзбекистон Республикасида хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари тұғрисидаги Низомнинг 3.1 банди).

Дипломатик муносабатлар тұғрисидаги Вена конвенциясининг 30-модда 1-бандига асосан «дипломатик агентнинг шахсий резиденцияси ваколатхона биноси билан тенг равища дахлсизлик ва ҳимоядан фойдаланади».

Дипломатик ваколатхона раҳбарининг резиденцияси ва дипваколатхона аъзоларининг турар-жойларига фақаттана тегишли давлат дипломатик әлчилиги раҳбарининг рухсати билан кириш мумкин. Турар-жой, бинонинг мулкий хусусиятидан (кимга тегишлилигидан), яъни у дипломаттага тегишлилиги, ижарага олганлиги ёки бошка чет давлатта тегишлилигидан қатын назар агар у ерда дипломатик хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари яшасалар, турар-жой шахсий деб аталиб резиденция сифатида тан олинади. Улар қаторига дипломат томонидан яшаш учун фойдаланиладиган шаҳардаги квартираны, шаҳардан ташқари жойлашган дала-ховлини, шунингдек халқаро одатларга биноан дипломат томонидан яшаш учун вактинчалик ишлатиладиган турар-жойларни (мезмонхона, поезд күпеси ва х.к.) кирииш мумкин.

²⁵ Демин Ю.Г. Курсатилтган иш 123-бет

е) Дипломатик вакилнинг гувохлик иммунитети. Дипломатик муносабатлар тўғрисидаги Вена конвенциясининг 31-модда 2-бандига биноан «дипломатик агент гувоҳ сифатида кўрсатма беришга мужбур эмас». Ушбу норма Низомнинг 3.15 бандида янада ойдинлаштирилиб, унда айтилишича «дипломатик ваколатхона раҳбари сифатида кўрсатма беришга мужбур эмас, башарти у бунга розилик берган тақдирда ҳам у кўрсатма бериш учун суд ёки тергов органларига келишга мажбур эмасдиirlар».

1961-йилги Вена конвенциясининг 39-моддасига биноан дипломатик вакиллар тайинланиш учун тегишли давлатнинг розилигини (агреман) олиш вактидан, ишонч ёрлигининг топширилишдан ва ўзининг функционал вазифаларини ижро этишга киришишидан қатъи назар куйидаги пайтдан бошлаб иммунитет ва бошқа имтиёзлардан фойдаланишни бошлайди:

а) ўз мансабини эгаллаш мақсадида ҳозир бўлинган давлат худудига кирган пайтдан бошлаб;

б) агар у ёки бу дипломатик агент белгиланган худудда бўлса (Масалан: дипломатик унвонга эга бўлмаган, ваколатхонанинг маъмурий-техник хизматчиси сифатида ишлаётган бўлса), у ҳолда унинг тайинланиши ҳакида Ташки ишлар вазирлигига хабар берилган кундан эътиборан.

Умумий қоидага кўра бу иммунитет ва имтиёзлардан фойдаланиш хуқуки дипломатга юклатилган вазифани адо этилиши билан ҳозир бўлинган давлатдан чиқиб кетиши ёки ушбу давлатни ташлаб чиқиб кетиш учун белгиланган муддатнинг ўтиши билан тугайди.

Иккинчи қоидага, ҳатто, аккредитация килган давлат билан ҳозир бўлган давлат ўртасида қуролли тўқнашув бўлган тақдирда ҳам сўзсиз амал қилинади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкин-ки, дипломатик вакиллар иммунитет ва бошқа имтиёзлардан, қоида тариқасида. қабул қилаётган мамлакат худудида бўлган пайтларида фойдалана оладилар. Шу билан биргаликда, бу шахслар учинчи давлат худудида иммунитет ва бошқа имтиёзлардан дипломатик муносабатлар тўғрисидаги Вена конвенциясининг 40-моддасида кўрсатилган ҳолатлар ва чегарада фойдаланишлари мумкин.

Хусусан, учинчи давлат куйидаги ҳолларда дипломатик вакилга дахлсизликни ва «бир жойдан иккинчи жойга кўчиб

юришда талаб этиладиган» иммунитетларни тақдим этишга мажбур:

1) Дипломатик агент унга виза тақдим этган (агар керак бўлса) учинчи давлат худудидан ўтаётган бўлса;

2) Дипломатик вакил давлатлар ҳудудларини ўз мансабини эгаллаш ёки ушбу мансабга кайтиб келиш ёхуд ўз давлатига кайтиш мақсадида кесиб ўтаётган бўлса:

Учинчи давлат дипломатик вакилнинг расмий ёзишмалари ва хабарномаларига нисбатан ҳозир бўлган давлат томонидан қандай кафолатлар берилса, худди шундай кафолат берилади. Учинчи давлат худудидан транзит орқали ўтувчи дипломатик почтага худди ҳозир бўлган давлат томонидан тақдим этилиши мажбур бўлган дахлизлик ва ҳимоя тақдим этилади.

Юқорида санаб ўтилган иммунитет ва имтиёзлар Конвенциянинг 40-моддасида кўрсатилган шахсларга, шунингдек расмий хабарлар ва дипломатик почтага нисбатан, агар уларнинг давлатлар худудида бўлиши форс-мажор ҳолатлар билан боғлик бўлса (сув ташқини, зил-зила ва бошқа табиий оғатлар) тақдим килинади.

Шунингдек, ушбу масалалар 2001 йил 8 майдаги Ўзбекистон Республикасида хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари тўғрисидаги Низомда²⁶ янада аниқрок тартибга солинади. Тилга олинган Низомга асосан, учинчи давлатдаги хорижий давлатнинг дипломатик ваколатхона раҳбари, ваколатхона аъзолари Ўзбекистон Республикасидан транзит орқали ўтаётуб, улар Ўзбекистон худуди орқали ўтиб кетишларини таъминлайдиган даражадаги шахсий дахлизлик ва бошқа иммунитетлардан фойдаланадилар. Ушбу қоида, шунингдек имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланиш хуқуқига эга бўлган уларнинг оила аъзолари, шунингдек уларни кўзатиб кетаётган ёки уларга кўшилиш мақсадида алоҳида кетаётган шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси худудини кесиб ўтаётган дипломатик даракчига (маълумот етказиб берувчи), Ўзбекистон Республикасига йўналган даракчига каби дахлизлик ва ҳимоя тақдим қилинади.

Дипломатик муносабатлар тўғрисидаги Вена конвенцияси, шунингдек Ўзбекистон Республикасида хорижий давлатлар

²⁶ Ўзбекистон Республикаси конунчилиги туплами. № 9 (21). 2001 г.. -47 б

дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари тұғрисидаги Низом дипломатик иммунитетлар ва имтиёзларни дипломатик вакиллік оила аъзоларига ҳамда дипломатик персонал аъзоларига татбиқ этади. Конвенциянинг 37-моддаси, Низомнинг 3.16 бандига асосан дипломатик ваколатхона раҳбари билан, дипвакилик хизматчилари билан яшовчи уларнig оила аъзолари, башарти улар Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмасалар, юкорида санаб ўтилган дипломатик агентнинг барча иммунитетлари ва имтиёзларидан фойдаланадилар.

Шундай қилиб, кўрсатилаган имтиёзлар ва иммунитетлар ушбу ҳозир бўлган давлат ҳудудида дипломатик вакил билан бирга яшовчи оила аъзоларига нисбатан татбиқ этилади.

Дипломатик вакил вафот этган тақдирда, унинг оила аъзолари имтиёзлардан ҳозир бўлган давлатни ташлаб чиқиб кетиш учун етарли бўлган тегишли муддатнинг ўтишига қадар тўлиқ миқдорда фойдаланадилар.

Дипломатик вакиллік маъмурий-техник персонал аъзолари ва уларнинг бирга яшовчи оила аъзолари, Конвенциянинг 37-модданинг 2-банди, шунингдек Низомнинг 3.17 бандига кўра ўзаролик тамойилга асосан агар улар ҳозир бўлган давлат фуқароси бўлмасалар ёки ушбу давлатда доимий яшамасалар, дипломатик вакилликнинг барча имтиёз ва иммунитетларидан тўлиқ ҳажмда фойдаланадилар. Бирок юкоридагилардан фаркли ӯлароқ, Ўзбекистон Республикасида хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари тұғрисидаги Низомга асосан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ва маъмурий юрисдикциясдан иммунитет фақатгина маъмурий-техник персонал ходимларининг хизмат мажбуриятларини ижро этиш вақтида содир этилган ҳаракатларга нисбатан татбиқ қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган ёки унда доимий яшамайдиган хизмат кўрсатувчи ходимлар аъзолари хизмат мажбуриятларини ижро этиш вақтида содир этган ҳаракатларига нисбатан иммунитетдан фойдаланадилар ва ўз хизматларида оладиган маошларига солинадиган солиқ, йиғим ва бошқа тўловлардан озод этиладилар. Бундай шахсларга ҳар бир хорижий давлат билан тузилган ижтимоий келушув ва унга нибатан ўзаролик тамойилига асосан божхона имтиёзлари берилиши мумкин (Низом 3.17 банд, 2-қисм).

Шундай қилиб, биз юкорида дипломатик имтиёзлар ва иммунитетлар алоҳида турларининг таркибини, элчихона, бошқа дипломатик ваколатхоналарга алоқадорлик даражасига караб ушбу иммунитетлардан фойдалана оладиган шахслар доирасини. шунингдек уларнинг чегараси ва ҳажмини кқриб чиқдик. Халқаро шартномалар нормалари Ўзбекистон Республикаси конунлари билан бирга дипломатик иммунитетнинг процессуал институтини ташкил қилади.

Халқаро муносабат органлари орасида дипломатик ваколатхоналар ва уларнинг ходимлари билан бир қаторда, халқаро ҳимоядан фойдаланувчи хорижий ва давлат ичидаги бошқа орган ва мансабдор шахслар ҳам алоҳида мақомга эгадир.

«Халқаро ҳимоядан фойдаланадиган шахс» тушунчаси халқаро ҳимоядан фойдаланадиган шахсга қарши жиноятларни олдини олиш ва жазолаш тұғрисидаги 1973 йил 14 декабрдаги Конвенцияда²⁷ үз ифодасини топган бўлиб, Конвенциянинг 1-моддасига кўра бундай макомга қуидаги шахслар эга:

а) давлат бошлиги, тегишли давлатнинг Конституциясига кўра вазифасини бажарувчи коллегиал органнинг ҳар бир аъзоси, ёки ҳукумат раҳбари, ёки хорижий мамлакатда ташриф билан бўлиб турган ташқи ишлар вазири, шунингдек у билан бирга ташриф буюрган унинг оила аъзолари;

б) халқаро ҳукуматлараро ташкилотларнинг ҳар қандай вакили ёки мансабдор шахси унга, унинг расмий биносига, тураржойига ёки автотранспорт васитасига қарши бирон бир жиной ҳаракат содир этилса, бундай ҳодиса содир бўлган жойда халқаро ҳуқуқ нормаларига асосан уларнинг, оила аъзоларининг шахси, эркинлиги, кадр-кимматига қилинган ҳар қандай тажовўздан маҳсус ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш керак-ки, Конвенцияда назарда тутилган, халқаро ҳимоядан фойдаланадиган шахслар доираси умумий шаклда кўрсатилган бўлиб, унга қўшимчалар киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари тұғрисидаги Низомга асосан дипломатик персонал аъзолари учун мўлжалланган имтиёзлар ва иммунитетлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасига давлатлараро музокаралар олиб бориш. Халқаро

²⁷ Международное право в документах - М., 1982. - С. 409-415.

конференцияларда ва учрашувларда иштирок этиш учун ташриф буюрган хорижий мамлакат вакиллари га ва улар билан хамрохликда юрган оила аъзолари га (агар улар Узбекистон Республикаси фукароси бўлмасалар) нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикаси томонидан халқаро ҳукуматлараро ташкилотларга, ушбу ташкилотлар қошидаги чет эл вакиллари га тақдим қилинадиган имтиёзлар ва иммунитетлар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари га асосан белгиланади.

Халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар, ушбу ташкилотлар қошидаги давлатлар вакиллари ва халқаро персоналнинг дипломатик иммунитетига оид коидалари вакиллик характеристга эга бўлган дипломатик иммунитетга кўп жиҳатдан мос келади. Бироқ кўриб чикилаётган иммунитетлар умумий белгиларга эга булиш билан бир каторда, 2 та ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради: биринчидан, улар халқаро ташкилотнинг функционал-давлатлараро механизмининг фаолиятини таъминлашга хизмат килади; иккинчидан, аккредитация килган давлат ва ҳозир бўлган давлат манфаатлари йўлидаги фаолиятни таъминлайди.

Халқаро ташкилот ва унинг персонали ҳамда ушбу халқаро ташкилот қошидаги чет эл вакилларининг иммунитетларини фарқлаш лозим.

Давлатлар ва уларнинг халқаро ташкилотлар қошидаги ваколатхоналарининг имтиёзлари ва иммунитетлари ҳажми давлатлар суверен тенглиги коидасига асосан барча давлатлар учун тенгдир. Айрим пайтларда, халқаро ташкилотлар қошида фаолият кўрсатувчи ваколатхоналар ҳукукий ҳолатининг ўзига хослиги иммунитетлар ва имтиёзларнинг торайиши ёки кенгайишига олиб келади.

Иммунитетлар ва имтиёзлар ҳозир бўлган давлатда ҳамда аккредитация килган давлатда тегишли функционал мажбуриятларни ижро этиш пайтида амал килиш билан бир каторда, ушбу химоя воситалари функционал вазифалар ижросининг тугаганидан сўнг ҳам амал килади. Ушбу барча коидалар тегишли давлат ҳукукни муҳофаза этувчи органларни ўз профессионал ҳаракатларни ҳамда карорларини амалга оширишда халқаро ҳукук нормалари коидалари га ҳамда муайян халқаро ташкилот қошидаги давлатлар ваколатхонасининг хусусиятларини инобатга олишга ундейди.

Турли ҳукуматлараро халқаро ташкилотлар ва улар ходимларининг имтиёзлар ва иммунитетлари ҳажми ўзаро фарқланади. Бундай фарқлар ташкилотларнинг фаолиятига тааллукли бўлган халқаро ташкилотлар уставлари ва тегишли

халқаро шартномаларидан келиб чиқади. Юкоридаги барча коидалар хукуқни муҳофаза қилувчи органларни доимий равишда халқаро хукуқ нормаларини кўзатиб бориш ва керак бўлганда уларни асосли қўллаш мажбуриятини юклайди.

Мавзу: Консулилк хукуқ институтининг тушунчаси ва хукукий тартибга солиниши

1. Консулилк хукуқ тушунчаси ва тарихий ривожланиши 2. Консулилк хукуқи манбаларининг тизими

Консулилк хукуқини консулилк муассасалари фаолиятини тартибга солиш ва уларнинг ходимлари макоми, функциялари, хукуқ ва мажбуриятларини белгиловчи халқаро-хукукий тамойил ва нормалар мажмуюи сифатида таърифлаш мумкин.

Консулилк хукуқи манбалари халқаро шартномалар ва халқаро одат нормаларидир.

Консулилк хукуқи — давлатлар уртасидаги консулилк алоқаларини тартибга солишга хизмат қилувчи халқаро хукук институтларидан биридир. унинг нормалари 1963 йилги Вена конвенциясида кодификация қилинган. Давлатларнинг кенг таркалган амалиётларидан бири халқаро хукукнинг тегишли кридаларини аниклаштирувчи ёки уларга бошқача шакл берувчи икки томонлама консулилк конвенцияларининг тузилишидир. Мисол учун, консулилк органлари деб номланувчи консулилк муассасалари фаолияти доирасини белгиловчи консулилк ваколатхонаси жойлашган давлат худуди чегараларини аниклашга каратилган конвенциялар.

Консулилк хукуқи давлатлар уртасидаги консулилк алоқаларини тартибга солишга хизмат қилувчи халқаро хукук соҳаси бўлиб, ҳозирда бу хукуки соҳаси ўзига хос аҳамият касб этмоқда. Муайян давлат ташқи сиёsat юритаётганда ўз манфаатларидан келиб чиқиб, бошқа давлатлар билан у ёки бу муносабатларга киришади. Бу муносабатлар турли мураккаб жараёнлардан иборат бўлиб, халқаро хукукнинг турли соҳалари билан тартибга солинади, шунинг учун ҳам бу борада аниқ бир механизм ишлаб чиқилиши талаб қилинади. Кенг маънода халқаро муносабатлар тизими сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва бошқа алоқаларни камраб олувчи макротизим ҳисобланади²⁸.

Демак, консулилк хукуқи консулилк муассасалари фаолиятини тартибга солувчи ва уларнинг ходимлар макоми,

²⁸ Б Миренский Консульский Устав-основа консульского права // Налоговые и таможенные вести №3 1997

функциялари, хуқук ва мажбуриятларини белгиловчи халқаро-хукуқий тамойил ва нормалар мажмуидир. Консуллик муносабатлари - бу давлатлар, хукуматлар ва маҳсус органлар ўртасидаги ташки сиёсатни олиб бориш ва чет элда давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг хуқук ва манфаатларини ҳимоя қилишга каратилган расмий алоқалардир. Консуллик хуқуки халқаро мустакил соҳа сифатида ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, консуллик муносабатлари ва барча консуллик фаолияти ҳозирги тўлиқ равишда консуллик хуқуки билан тартибга солинади. Консуллик муносабатлари дипломатик муносабатларга қараганда қадимийроқ ҳаракатларга эга бўлиб, тарихда давлат томонидан тайинланган консуллар чет давлат ҳудудида ўз давлати савдогарларининг хуқук ва манфаатларини ҳимоя қилган. Кейинчалик ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши билан консулларнинг функция ва ваколатлари кенгайиб борган. Ҳозирги кунга келиб консуллик муассасалари нафакат иқтисодий масалаларни, балки илмий-техникавий, маданий, туристик ва бошқа муносабатлар билан боғлиқ масалаларин ҳал қилмоқда²⁹.

Консуллик муносабатларининг тарихий ўзига хос жиҳатлари ҳозирги кунда уларнинг дипломатик муносабатлардан фарқли томонларини очиб беради. Тадқиқотларга қараганда тарихий консуллик мунсабатлари авваламбор, халқаро савдо ва денгиз савдоси муносабатлари сифатида шаклланган ва ривожланган.³⁰

Грек шаҳар-полисларида проксений тажрибаси қўлланилган бўлиб, унинг асосий фаолияти полсларга четдан келган фуқароларга ёрдам кўрсатишга қаратилган. Проксенинг функциялари кенг бўлиб, у товарларнинг олди-сотдисидан тортиб то чет элликларнинг диний расм-руsumларни бажариш учун ибодатхоналарга киришигача назорат қилган. Қадимги Римда эса проксенларнинг ролини сенат томонидан тайинланадиган патронлар бажарган. Мил.авв. III аср охиirlарига келиб, бир томон чет эллик бўлган ёки икки томон ҳам чет эллик фукаро бўлган келишмовчиликларни ҳал қиласидиган преторлик мансаби жорий қилинган.³¹

²⁹ Сайдова Л Развития дипломатических отношений Республики Узбекистан зарубежными странами -Т /Хуқук 2000 N 7

³⁰ Сайдова Л Развития дипломатических отношений Республики Узбекистан зарубежными странами -Т /Хуқук 2000 N 7

³¹ Ю М Колосов, Э С Кривчикова Международное право. Международное отношения -2000 й 46бет

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, милоддан аввалги I асрларга келиб Қадимги Римда консулга юкори мансобдор шахс сифатида каралган ва одатда улар иккита бўлиб, улардан бири суд ишлари билан, иккинчиси эса давлат бошқаруви билан шуғулланган. Масалан, Ю.Цезер мил.авв. 59 йилда консул бўлганидан кейин давлатни ўзи хоҳлаганча бошқарган. Лекин грек проксенлари ҳам, рим преторлари ҳам консулларнинг энг қадимий шакллари бўлиб, чет эл давлатининг органи эмас. балки маҳаллий орган ҳисобланган.

Давлатлар ўртасидаги муносабатларда консул термини XI аср охири XII аср бошларида қўлланилиб, бир давлат иккинчи давлат розилиги билан унинг худудида муайян функцияларни бажариш учун консул юборган. Консуллик мансаби ва консуллик функциялари давлатлар ўртасидаги савдо муносабатларига бевосита боғлик бўлган. Консуллар савдогарлар ва тадбирларнинг хуқук ва манфаатларини, ўз фуқаролари ва чет эл фуқароларининг хуқуқларини ҳимоя қилган. Савдода глобал жараёнларнинг ривожланиши ва ҳалқаро ўртасида иқтисодий ҳамкорликнинг кучайиши билан консулларнинг роли ва аҳамияти ошиб борди. Бу даврга келиб консуллик институти ҳисобланган савдо судлари, яъни консуллик судлари вужудга келган бўлиб, улар Ўрта ер денгизи атрофидаги шаҳарларда жорий килинган.

XI-XII асрлардаги салиб юришлари натижасида итальян, француз ва испан савдогарлари Шарқка келган ҳамда бу ерда ҳам шу системани ўрнатгандар. Лекин шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Шарқ ва Ғарбнинг хуқук тизими, одатлари, анъаналари ҳар хил бўлганлиги боис Европадан келган савдогарлар дастлаб анча қийинчиликларга дуч келган. Масалан, бу муаммоларни ҳал қилиш учун француз қироли Франциск I турк султони Сулаймон билан француз савдогарларини турк судловидан озод қилиш тўғрисида келишган. Унга кўра, француз консули ўз давлатининг савдогарлари ўртасидаги низоларни француз қонунчилиги бўйича ҳал қилган. Бу даврдаги Капитуляция деб номланган шартномалар натижасида консуллар алоҳида хуқуқларга эга бўлган. Ушбу шартномаларга асосланиб консуллар ўз фуқароларининг жиноий, фуқаролик ва савдо ишларини кўрган. Маҳаллий органлар чет эл фуқароларини суд қила олмаган, шунинг учун ҳам капитуляция режими европалик савдогарларга ўзларини хавфсиз сезишга имкон берган.

Аста-секинлик билан консуллар бутун дунё савдосини юритадиган механизмга айлана борган, улар ўз округларида яшовчи фукароларига мактаблар, касалхоналар, ибодатхоналар курган, шунингдек байрамларда ўз миллий байрокларини кутаргандар. Бу эса ўз навбатида консулларнинг ҳаётдаги аҳамияти ва ролини оширган. Шу билан бирга консуллик функцияларини сунистемол қилиш ҳолатлари ҳам учраб турган. Масалан, баъзи Европа давлатларида консуллар маҳаллий қўзғончиларга жой берган. Шундай килиб, XI-XVI асрларда деярли барча Европа мамалакатларининг чет давлатларла ўзларининг консуллик мавжуд бўлган. Бу даврда консуллик масалаларини ўзида акс эттирган конунлар тўпламлари ишлаб чиқилган. Масалан, Висби денгиз конунлари, Консолато дель маре.

Талейраннинг таъкидлашича, консулларнинг функциялари турли-туман булиб, улар ўз округида фукароларига нисбатан суд, арбитраж ишларини амалга оширган, улар фукаролик актларини тўзганлар, нотариус вазифаларини бажарган, баъзида флот бошлиғи вазифасини ҳам ўтаган. Айнан консуллар орқали улар жойлашган давлатдаги савдо муносабатлари, ишлаб чиқаришнинг даражаси тўғрисида маълумот олинган.⁵³ Аммо, XVI аср охирилари XVI аср бошларида элчихоналарнинг жорий этилиши билан консуллик институти аҳамияти пасайди. Масалан, 1739 йилги франкоголланд шартномасида тарафлар томонидан кейин консуллар қабул қилинмаслиги эътироф этилган. Лекин умумсиёсий масалалар билан машғул бўлган элчихона савдо ва бошқа манфаатларни етарли даражада химоя қила олмаганилиги сабабли XVII асрнинг 2-ярмига келиб, амалиётда синалган консуллик институтига эътибор қаратилган.

XIX аср охирилари-XX аср бошларида консулхоналарнинг сони кўпайди, бир қатор давлатларда консуллик хизматлари кайта шаклланди, консуллик уставлари ишлаб чиқилди. Шунингдек, бу даврга келиб элчихоналарнинг консуллик бўлимлари очила бошлади. II жаҳон уришидан кейин давлатлар ўртасидаги иқтисодий ва бошқа ҳамкорлик муносабатларнинг ривожланиши ҳамда кўпгина давлатларнинг мустақилликка эришиши натижасида консуллик алоқаларининг ягона нормаларини ўрнатиш зарурияти вужудга келди. Консуллик ўз функцияларини тўлик бажариш учун

⁵³ Г.А.Хидоятов Основы дипломатии. Университет мировой экономики и дипломатии. w00w . qн-бет

уларнинг хуқуқ ва мажбуриятларини, иммунитет ва имтиёзларини аниқ белгилаб қўйиш лозим бўлди.

Ушбу масалаларни ҳал қилиш учун БМТ 1963 йил Вена маҳсус конференция чакирди ва Консуллик алоқалари тўғрисидаги конвенцияни қабул қилди. Маълумки, давлат консуллик муносабатларини бошқа давлатлар билан ўзаро келишув асосида ўрнатади. Дипломатик алоқаларнинг ўртнатилиши консуллик муносабатларининг жорий этилишига розиликни билдиради. Лекин консуллик муносабатлари дипломатик алоқалар бўлмаган тақдирда ҳам йўлга қўйилиши мумкин. Жумладан, Дипломатик алоқаларнинг тугатилиши консуллик муносабатларга автоматик равишида таъсир кўрсатмайди. Масалан, ГФР томонидан Югославия билан дипломатик алоқаларни ўзилганда, улар ўртасидаги консуллик муносабатлари сақланиб колинган. Амалиётда давлатлар фақат консуллик муносабатларга киришган ҳолатлар ҳам мавжуд. Масалан, СССР ва ЖАР мамалкетлари дипломатик муносабатларга киришмаган, факат улар ўртасида консуллик алоқалари бўлган.

Хозирги даврда консуллик амалиётида 2 хил консуллик муассасалари мавжуд 1) дипломатик ваколатхоналарнинг консуллик бўлимлари 2) мустақил консуллик муассасалари.

Консуллик мунасабатларининг ўртнатилиши билан консуллик муассасаси очиш имконияти вужудга келади. Лекин шуни ҳам таъкидлаш лозимки, консуллик муносабатлари ўртнатилиши ва консуллик муассасаси очилиши ўртасида тўхталиш бўлиши мумкин. Чунки давлатлар ўзаро консуллик муассасасини таъсир этишдан ташқари, унинг жойлашадиган жойи, яъни консуллик округи, консуллик тоифалари ва бошқалар тўғрисида келишиб олишлари лозим. Консул ёки бошқа консуллик муассасаси ходими мансабни эгаллагандан бошлаб ўзининг миссиясини бажаришга киришган хисобланади. Бунинг учун шахс давлатнинг ваколатли орган томонидан тайинланган ва у бораётган давлат томонидан тан олинган бўлиши лозим. Кўпгина давлатларда консулларни тайинлаш ва чет эл консулларини қабул қилиш ташки ишлар органлари ваколатига киритилган. Консуллик хукуки қабул килувчи давлатнинг дастлабки розилигини олиш мажбуриягини назарда тутмайди. Лекин иккитомонлама консуллик шартномалари ва конвенцияларида кўпгина давлатлар консуллик муассасалари

бошлиқларини тайинлаш учун дастлабки розилик олишни эътироф этади.³³

Консул ўз вазифаларини бажаришга киришиш учун консуллик патенти ва экзеватурани олиши лозим.

Консуллик патент-бу ваколатли орган томонидан бериладиган ва тегишли шахсни мустакил консуллик муассасаси бошлиғи этиб тайинлаганлик фактини тасдиқловчи хужжатдир.

Консуллик патентида тайинланыётган шахснинг тұлық исми ва фамилияси, фукаролиги, даражаси, эгаллаб турған мансаби, консуллик округи ва консуллик жойлашган жой тұлық күрсатилади. Бу хужжат консуллик муассасаси таъсис этилаётган давлатга қаратылған бўлади.

Баъзи давлатларда консуллик патенти давлат томонидан имзоланади ва ташқи ишлар вазири томонидан мустаҳкамланади. Масалан, АҚШ, Германия, Францияда. Бир катор давлатларда консуллик патенти ташки ишлар вазири томонидан имзоланади. Муайян давлат иккинчи бир давлатдан консуллик патенти олгандан сўнг консул килиб тайинланган шахсга экзекватура бериш масаласини кўриб чиқади. Экзекватура-бу расмий хужжат бўлиб, у консуллик раҳбарининг ўша давлатда тан олинганилигини тасдиқлайди. Экзекватура консуллик округида консуллик функцияларини бажаришга киришишига рухсат беради.

Консуллик экзекватурасини бериш тартиби ва шакли давлатнинг ички қонунчилиги билан белгиланади. Бу хужжат алоҳида шаклда бўлиши мумкин ёки консуллик патентида ифодаланган бўлиши мумкин. Экзекватура давлат бошлиғи, ҳукумат бошлиғи ёки ташки ишлар вазири имзоси билан мустаҳкамланади ва муҳрланади. Экзекватуранинг берилиши бироз чўзиладиган бўлса, консуллик мусассасаси бошлиғи ўз функцияларни бажариш учун вақтингча рухсатнома берилиши мумкин.

Консуллик муассасаси таъсис этилаётган давлат экзекватура беришдан бош тортиши мумкин ва бунинг мотив ва сабаблари кўрсатилиши талаб қилинмайди. Хусусан, Консуллик алокалари тўғрисидаги Вена конвенциясига кўра, экзекватура беришдан бош торган давлат бунинг мотивини тушуниришга мажбур эмас. Консуллик муассасаси таъсис этилаётган давлат консуллик

³³ В И Кузнецов. Международное право. Москва. 2001 г. 453-бет

муассасаси бошлигининг ўз функцияларини бажаришга киришганлиги тўғрисида консуллик округ хукуматини дархол хабардор килиши керак. Шунингдек, ушбу давлат консуллик муассасасаси бошлигининг ўз функцияларини бажариши ва тегишли имтиёzlардан фойдаланиши учун зарур шарт-шароитни таъминлаб бериши лозим.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, элчихонанинг консуллик бўлими бошлигининг патент ва экзекватура олиши талаб килинмайди. Консуллик округи ёки мустакил муассасаси тоифалари ўзгарганда консулхона бошлифи янги патент ва экзекватура олиши лозим бўлади. Консулхонанинг бошқа ходимларига бу мажбурий эмас, улар тегишли мансабга тайинланганлиги тўғрисида улар жойлашган давлатни хабардор килиши етарли ҳисобланади.

Консуллик муассасалари ўз функцияларини консуллик округлари доирасида амалга оширадилар. Одатда бундай округ консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг бир неча маъмурий-худудий бўлинмаларини қамраб олади. Консуллик округ – бу консуллик муассасаси ўз функцияларини амага ошириш учун фаолият юритадиган худуддир. Консуллик органининг чегаралари ва унинг жойлашадиган жойи давлатларнинг ўзаро келишуви асосида белгиланади. Консуллик округ бевосита консуллик патентида ёки консуллик муассасаси бошлигини тайинлаш тўғрисидаги бошқа хужжатда кўрсатилади. Консул ўз функцияларини факат консуллик округ доирасида амалга ошириш хукуқига эга. Шунингдек, ўз фаолиятини самарали олиб бориш учун консул округидаги ваколатли органларга оғзаки ёки ёзма равишда мурожаат қилиши мумкин. Марказий давлат органларига зурурат бўлган ҳолларда фақатгина ўз дипломатик ваколатхонаси орқали мурожаат қила олади. Консуллик округи сони ва уларни таъсис этиш тартиби давлатларнинг ўзаро келишуви асосида белгиланади. Консуллик округини ўзгаририш фақатгина у жойлашган давлат розилиги асосида амалга оширилади. Ҳар бир консуллик округида консуллик корпуси ташкил этилади. Консуллик корпуси термининг маънода тор ва кенг маънода тушуниш мумкин. Тор маънодаги консуллик корпуси ўша пунктдаги барча консуллик муассасалари бошликларини ўзида мужассамлаштиради. Кенг маънодаги консуллик корпуси леганда ўша пунктдаги барча консуллик мансабдор шахслари ва уларнинг

оила аъзолари, фахрий консуллар ҳамда ҳамда дипломатик ваколатхоналарнинг консуллик бўлими аъзолари тушунилади.

Консуллик корпус дуайен томонидан бошқарилади. Бу лавозимга ҳамкаслари орасида даражаси юкори бўлган ва экзекватурани олдинроқ олган шахс тайинланади. Агар экзеквагуруни бир вактнинг ўзида бир неча консул қўлга киритган бўлса, консуллик патентини олдинроқ олган консул дуайен этиб тайинланади.

Дуайен асосан қуйидаги маросимга оид функцияларни бажаради:

- консуллик корпуси жойлашган давлатнинг маъмурий-худудий бўлинмаларида вакил сифатида фаолият юритади;
- консуллик корпуснинг янги келган аъзоларига уша давлатнинг анъаналари ва ўзига хос жиҳатлари билан таниширади;
- консуллик корпус доирасида ички характердаги масалаларни ҳал қиласди;
- консуллик корпуси аъзоларини ҳимоя қиласди.

Консуллик корпус дипломатик корпусдан фарқли равишда. бир давлатда консуллик округи сонига караб бир нечта булиши мумкин. Шуни таъкидлаш лозимки, дипломатик корпус ҳам. консуллик корпус ҳам юридик шахс ҳисобланмайди.

Хулоса тариқасида эътироф этиш керакки, Консуллик ҳукуки - консуллик ҳукуки консуллик муассасалари фаолиятини тартибга солувчи ва уларнинг ходимлар мақоми, функциялари, ҳукук ва мажбуриятларини белгиловчи халқаро-ҳукукий тамойил ва нормалар мажмуидир. Консуллик муносабатлари тарихий ривожининг далолат беришича, консуллик алоқалар дипломатик муносабатларга қараганда илдизи қадимийроқ бўлиб, мазкур муносабатларнинг илк кўринишлари давлат томонидан тайинланган консуллар чет давлат худудида ўз давлати савдогарларининг ҳукук ва манфаатларини ҳимоя қилишда намоён бўлган. Кейинчалик ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши билан консулларнинг функция ва ваколатлари кенгайиб борган. Ҳозирги кунга келиб консуллик муассасалари нафакат иқтисодий масалаларни, балки илмий-техникавий, маданий, туристик ва бошқа муносабатлар билан боғлик масалаларин ҳал қилмоқда.

Мавзу. Консуллик хуқуқи манбалари тизими.

1. Консуллик хуқуқи манбаси түшүнчеси.
2. Консуллик хуқукинің халқаро хуқукий манбалари. Консуллик алоқалари тұғрисидаги Вена Конвенцияси.
3. Үзбекистон Республикасининг консуллик муносабатларини тартибиа солувчи конун хужжатлари.

Консуллик хуқуқи манбалари деганда консуллик муносабатларини тартибиа солувчи хуқукий нормаларнинг йиғиндиси түшүнилади.

Хозирда консуллик хуқуқи манбалари ичидә асосий үрінни халқаро шартномалар ва халқаро одат әгаллайды.

Ю.М.Колосов ва В.И. Күзнецовларнинг фикрлары, хронологик жиҳатдан халқаро одатлар манба сифатыда биринчи ва үрта асрларда консуллик муносабатлари асосан одат нормалари орқали тартибиа солинган. Хозирги даврда ҳам халқаро одатлар давлатлар үртасидаги консуллик алоқалари шартномавий-хуқукий тартибиа солинмаган ҳолларда асосий тартибиа солиши воситаси хисобланади.³⁴

Замонавий консуллик хуқуқда консуллик муносабатларни тартибиа солувчи 4 та асосий конвенциялар мавжуд булып, улардан 3 таси худудий характерга эга бўлса, 1 таси универсал аҳамиятга эгадир. Консуллик конвенция- бу давлатлар үртасидаги консуллик муносабатларини тартибиа солишга каратилган ўзаро келишувга асосланган расмий хужжатdir.

Худудий характерга эга бўлган конвенциялар:

- 1911 йилдаги “Консуллик функциялари тұғрисида”ги Каракас Конвенцияси;
- 1928 йилдаги “Консуллик чиновниклари тұғрисида”ги Гавана Конвенцияси;
- 1967 йилдаги “Консуллик функциялари тұғрисида”ги Европа Конвенцияси.

Каракас ва Гавана Конвенциялари географик жиҳатдан факат Америка китъасига ўз таъсирини үтказған бўлса-да, сиёсий ва тарихий жиҳатдан улар катта аҳамиятга эга.

“Консуллик алоқалари тұғрисида”ги Вена Конвенцияси консуллик муносабатларини тартибиа солувчи ягона универсал

³⁴ Ю.М.Колосов, В.И. Күзнецов Международное право - Международные отношения. 1994 -С 178

характерга эга бүлгөн конвенция хисобланиб, у 1963 йил 24 апрелда БМТнинг Венадаги маҳсус конференциясида қабул қилинган бўлиб, 1967 йил 18 марта кучга кирган.

Консуллик алоқалар тўғрисидаги Вена Конвенцияси халқаро хукуқнинг консуллик масалалари бўйича ривожланган нормаларни ўзида акс эттирган кодификациялашган ҳужжатдир. Шунингдек, бу конвенция консуллик муносабатларининг барча асосий масалаларини, яъни консуллик муносабатларининг ўрнатилиши ва консуллик муассасаларининг таъсис этилиши, консуллик функциялари, консулхона ва унинг ходимлари имтиёз ва иммунитетлари ҳамда бир қатор бошқа масалаларни тартибга солади.

Консуллик алоқалари тўғрисидаги Вена Конвенциясининг характерли томони шундаки, бу Конвенцияга қўшилган давлатлар унда белгиланган нормалари тасдиқлаб, тўлдириб ёки қўшимчалар қушган ҳолда бошқа давлатлар билан консуллик муассасалари бўйича шартномалар тузиш хукукини саклаб қолган.²⁸ Бу қоиданинг ўрнатилиши ушбу Конвенция кучга кираётган даврдаги икки томонлама конвенцияларнинг аҳамиятини сақлаб қолишга ёрдам берган.

Консуллик алоқалари тўғрисидаги Вена Конвенциясинин тузилишига эътибор берадиган бўлсак, у преамбула. 5 та боб ва 79 та мoddадан иборат.

Преамбулада Конвенцияда учрайдиган терминларнинг бир хилда тушунилиши ва шарҳланиши учун уларнинг тушунчалари, шунингдек ушбу Конвенцияни қабул қилишдан асосий мақсад белгилаб кўйилган.

Конвенциянинг биринчи боби консуллик алоқаларининг умумий қоидаларига бағишлиланган ва иккита бўлимдан ташкил топган. Унинг биринчи бўлимида ташкил топган. Унинг биринчи бўлимида консуллик алоқаларини ўрнатиш ва амалга ошириш тўғрисида сўз юритилса, иккинчи бўлимида консуллик функцияларининг тугатилиши масалалари ёритилган.

Конвенциянинг иккинчи боби ҳам икки бўлимдан иборат булиб, унинг биринчи бўлими бевосита консуллик муассасаларининг иммунитет ва имтиёзларга, иккинчи бўлими эса консуллик муассасалари ходимларининг шахсий иммунитет ва имтиёзларига бағишлиланган.

²⁸ Ю.М Колесов. Э С Кривчикова Международное право -М Международное отношение. 2000 С.344

Конвенциянинг учинчи боби фахрий консуллик мансабдор шахслари ва улар томонидан бошқариладиган консуллик муассасаларининг режимини белгилайди.

Тұртinstonchi бобда консуллик агентларига бағишенгандан умумий қоидалар;

Дипломатик вакиллар томонидан консуллик функцияларининг бажарилиши масалалари;

Консуллик функцияларининг үша давлат фуқаролари ёки унда доимий истиқомат күлгүчі учинчи давлат фуқаролари томонидан амалга оширилиши ва дискриминацияга йўл қўйилмаслик масалалари кўриб ўтилган.

Консуллик алоқалар тўғрисидаги Вена Конвенциясининг бешинчи бобида якуний қоидаларга, яъни Конвенциянинг имзоланиши ва ратификация қилиниши, кучга кириши ва унга кўшилиши масалаларига бағишенгандан.

Консуллик хукуқида давлатлар ўртасидаги икки томонлама шартномалар ҳам муҳим манба сифатида эътироф этилади. Масалан, Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги “Фуқаролик, савдо ва жиноят ишлари бўйича ўзаро хукукий ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги 1994 йил 23 июндаги шартномаси.

Консуллик хукуки манбалари каторига бевосита консуллик муносабатларига бағишенгандан бўлмаса-да, лекин уларни маълум маънода тартибга соладиган баъзи халкаро шартномалар киритилади. Масалан, 1961 йилдаги “Дипломатик алоқалар тўғрисида”ги Вена Конвенцияси. Ушбу Конвенция консуллик функцияларининг дипломатик ваколатхонанинг консуллик бўлимлари томонидан амалга оширилиши тартиби ва шартномаларини белгилаб беради.

Консуллик муассасалари фаолиятини, яъни консуллик органлари мақомини, функцияларини, структурасини аниқлашда ва чет эл консуллик муассасалари фаолиятини тартибга солишда давлатнинг миллий қонунчилиги жуда катта аҳамиятга эга.

Консуллик муносабатларини тартибга солишга қаратилган давлатнинг ички қонун ҳужжатлари доираси кенг булиб улар асосан иккита вазифани бажаради:

1. улар халкаро доирада тартибга солинмайдиган ички давлат характеристига эга бўлган консуллик фаолияти ва мақоми элементларини тартибга солади;

2. улар чет эл консулхоналари фаолияти ва макоми билан боғлиқ муносабатларини тартибга солади.

Шуни таъкидлаш лозимки, консуллардан халқаро тан олинган функцияларини бажариш чоғида, албатта улар, жойлашган давлатнинг ички конунчилигига риоя қилишлари талаб қилинади. Консуллик алоқалари тұғрисидаги Вена Конвенциясига күра, икки томонлама консуллик конвенцияларida консулнинг функциялари, яъни унинг фаолияти у жойлашган давлат конун-коидаларига қарама-қарши ёки тақиқланган бұлмаса, ушбу конвенциялар тан олинади. Миллий қонунчилик бу ерда тұлдирувчи норма характеристига эга бўлади. Вена Конвенциясида ушбу қоиданинг белгилаб қўйилиши консуллик муносабатларни тартибга солишда давлатнинг миллий қонунчилигини дастлабки манба сифатида эътироф этишга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигини яъни консуллик муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини уч гурухга ажратиш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикаси консуллик хизмати фаолиятига асос бўловчи норматив актлар;

2. Консуллик масалалари бўйича алоҳида қоидаларга эга бўлган норматив актлар;

3. Ўзбекистон Республикаси консуллик масалалари фаолиятини тартибга солувчи норматив актлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси биринчи гурухга кирувчи, яъни консуллик хизмати фаолиятига асос бўловчи муҳим норматив актдир. Конституцияда бевосита консуллик хизмати фаолиятига тааллукли нормалар ўз аксини топган бўлиб, у консуллик фаолиятини амалга оширишида асосий ҳужжат сифатида эътироф этилади. Хусусан, унинг 15-моддасида таъкидланишича, “Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонулларга мувофиқ иш қўрадилар.

Конституциянинг кўпгина нормалари фуқаролик масалаларига бағишиланган бўлиб, улар бевосита консуллик муносабатларига тааллуклидир. Унинг 22-моддасида эътироф этилишича, “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди”.

23-моддада кўрсатилишича. “Узбекистон Республикаси худудида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқук ва эркинликлари халқаро ҳуқук нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Узбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар”.

Конституцияга мувофиқ. Узбекистон Республикаси фуқаролигига қабул килиш ва сиёсий бошпана беришга оид масалалар Президент ваколатига киради”³⁵.

Узбекистон Республикаси консуллик муассасалари фаолиятини тартибга солувчи асосий, маҳсус норматив актлардан бири Узбекистон Республикаси Консуллик Уставидир.

Узбекистон Республикаси Консуллик Устави 1996 йил 29 август қабул қилинган ва 13 та бўлим, 78 моддадан иборат бўлиб, у консуллик муассасалари ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш, консуллик функциялари ва уларни бажариш тартиби, нотариал харакатлар, консулнинг харажатларини конунийлаштириш, консуллик йигимлар, консул функцияларининг тугатилиши масалаларини ўзида мужассамлаштирган ва консуллик алокалар тўғрисидаги Вена Конвенциясига меъёрий жиҳатдан тўлиқ жавоб беради.

1992 йил 2 июлда қабул қилинган “Узбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Конуни ҳам Узбекистон Республикаси консуллик муассасалари фаолиятини амалга оширишда мухим ҳужжат хисобланиб, унда фуқаролик тушунчаси: Узбекистон Республикаси фуқароларининг чет элда давлат томонидан химоя қилиниши; Узбекистон Республикаси фуқаролигини олиш; фуқаролигининг тұхтатилиши; отаоналарнинг фуқаролиги ўзгарганда ва фарзандликка олинганда болаларнинг фуқаролиги тўғрисидаги ишларининг юритувчи Узбекистон Республикасининг давлат идоралари ва ўзларининг ваколатлари; фуқаролик масалаларига оид ариза ва тақдимомаларни кўриб чиқиш ва қарорларнинг ижроси масалалари; фуқаролик масалаларига оид ноконуний хатти-харакатлар устидан шикоят қилиш ва халқаро шартномаларнинг қўлланиш тартиби белгилаб қўйилган.

³⁵ Узбекистон Республикаси Конституцияси -Т. Узбекистон, 2003

Консуллик муносабатларини тартибга солишда ички конун хужжатлари ичидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан қабул килинган карорлар ўзига хос ўринга эга.

Улар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг куйидаги карорлари:

- 1992 йил 17 мартағи “Хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлишларини тартибга солиш тұғрисида”;

- 1994 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларига паспортлар, хорижий шахсларга, фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш гувохномалари ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувохномалари бериш ҳамда алмаштиришни ташкил этиш тұғрисида”;

- 1995 йил 6 январдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет зэлга боришилари тартибини ва Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти тұғрисида”ги Низоми;

- 1995 йил 19 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикасидаги касб фаолияти тұғрисида”;

- 1996 йил 31 майдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг шахс ўхшашлиги ракамини (шахсий кодини) аниклаш тартиби тұғрисида”;

- 1995 йил 15 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Гашки ишлар вазирлиги кошидаги дипломатик, консуллик ва уларга тенглаштирилган бошқа чет зэл ваколатли органлари, оммавий ахборот воситалари мухбирлик пунктлари ва уларнинг ходимларини аккредитация килиш тартибини тасдиқлаш тұғрисида”;

- 1996 йил 21 ноябрдаги “Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тұғрисида”;

- 1998 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Паспорт режимини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тұғрисида”;

- 1999 йил 28 январдаги “Давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар, муассасалар ва корхоналар раҳбарларининг паспорт режимига ҳамда хорижий фуқароларнинг турмуш коидаларга риоя килиш юзасидан масъулиятини ошириш чора-тадбирлари”;

- 1999 йил 27 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Паспорт тизимини ташкиллаштириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”;

- 2002 йил 25 майдаги “Чет элга бориш учун рухсат бериш ёзувининг ёпиштириладиган стикерини тасдиқлаш тўғрисида”.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бу карорлари консуллик муассасалари фаолиятига тегишли кўп масалаларни ҳал қилишнинг хуқукий тартибини белгилаб берган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси билан бир қатор хорижий давлатлар ўртасидаги сиёсий, савдо-иктисодий, илмий-техник ва маданий ҳамкорликни янада фаоллаштириш, ишбилармонлик ва туристик мақсадларда Ўзбекистон Республикасига ташриф буюраётган чет эл фуқаролари учун вазифаларни расмийлаштириш тартиботларини ташкиллаштириш максадида Вазирлар Маҳкамаси бир нечта карорлар қабул қилган бўлиб, улар қўйидагилар:

1. Германия Федератив Республикаси фуқаролари учун виза бериш тартиботларини соддалаштириш тўғрисида (2001 йил 2 май).

2. Япония фуқаролари учун виза бериш тартиботларини соддалаштириш тўғрисида (2002 йил 22 июль).

3. Швейцария Конфедерацияси фуқаролари учун виза бериш тартиботларини соддалаштириш тўғрисида (2003 йил 19 февраль).

4. Италия Республикаси фуқаролари учун виза бериш тартиботларини соддалаштириш тўғрисида (2003 йил 19 февраль).

5. Испания Қироллиги фуқаролари учун виза бериш тартиботларини соддалаштириш тўғрисида (2003 йил 19 февраль).

6. Австрия Республикаси фуқаролари учун виза бериш тартиботларини соддалаштириш тўғрисида (2003 йил 19 февраль).

7. Франция Республикаси фуқаролари учун виза бериш тартиботларини соддалаштириш тўғрисида (2003 йил 27 февраль).

8. Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қўшима Қироллиги фуқаролари учун виза бериш тартиботларини соддалаштириш тўғрисида (2003 йил 27 февраль).

9. Бельгия Қироллиги фуқаролари учун виза бериш тартиботларини соддалаштириш тўғрисида (2003 йил 27 февраль).

Вазирлар Маҳкамасининг ушбу карорларида ишбилармонлик мақсадларида Ўзбекистон Республикасига ташриф буюраётган чет эл фуқаролари учун 1 йил муддатга кўп марталик визаларни, Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлигига мурожаат

килишига доир талабни бекор қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг хорижий муассасаларида 2 иш кунида расмийлаштириш ҳамда турист сифатида Ўзбекистон Республикаси ташриф буюраётган чет эл фукаролиги учун 1 ойгача бўлган муддатга кўп марталик визаларни, “Ўзбектуризм” миллий компанияси ёки бошқа туристик ташкилотларнинг туристик ваучерларини тақдим этиш зарурлигига доир талабни бекор қилган ҳолда 2 иш кунида расмийлаштирилиши таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бевосита ваколатхоналар фаолиятини тартибга солишга қаратилган карорлари ҳам мавжуд бўлиб, улар куйидагилар:

1. Узбекистон Республикаси чет давлатлардаги диломатия ваколатхоналари бошликларини тайинлаш ҳамда чакириб олиш тўғрисида (1992 йил 3 июлдаги 649-сонли);

2. Женева шахрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бўлими ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳўзурида Ўзбекистон Республикасининг доимий ваколатхонасини очиш тўғрисида (1997 йил 6 январдаги 2-сонли Қарори);

3. Ўзбекистон Республикаси Элчихонаси тўғрисида Низом (2000 йил 24 марта 102-сонли Қарорига 1-илова);

4. Узбекистон Республикаси чет эллардаги ваколатхоналари тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш ҳақида (2000 йил 24 марта 102-сонли Қарори);

5. Узбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари, давлат бошқа органлари, ташкилотлари ва корхоналарининг чет эллардаги ваколатхоналари тўғрисидаги Намунавий Низом (2000 йил 24 марта 2-сонли Қарорига 2-илова);

6. Америка Кўшима Штатларидаги Ўзбекистон Республикаси элчихонасидаги штат жадвалига қўшимча киритиш тўғрисида (2001 йил 2 октябрдаги 369-сонли Қарори);

7. Миср Араб Республикаси элчихона қурилиши учун ер участкасини мулк қилиб сотиш тўғрисида (2002 йил 2 октябрдаги 338-сонли Қарори);

8. Узбекистон Республикаси хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналарининг штат жадвалларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (2002 йил 13 декабрдаги 438-сонли Қарори);

9. Ўзбекистон Республикаси хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари штат жадвалларига ўзгартериш ва кўшимчалар киритини тўғрисида (2003 йил 19 майдаги 222-сонли Қарори).

Бизга маълумки, консуллик фаолиятини тартибга солишга каратилган ички қонун хужжатлари ичиде Президент Фармонлари ҳам ўзига хос ўринни эгаллайди.

“Ўзбекистон Республикаси Паспорт тизими тўғрисидаги Низомни амалга киритиш ҳакида”ги 1994 йил 23 декабрдаги 1027-сонли Президент Фармони фуқароларнинг хукуклари, эркинликлари, қонуний манфаатларини химоя қилиш, шунингдек жамоат тартибини ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида қабул қилинган.

“Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари ва ҳалқаро ташкилотларнинг иш шароитларини яхшилашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 14 ноябрдаги 1287-сонли Фармонига мувофиқ, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига ваколатхоналарни, шу жумладан, ваколатхона бошлиги қароргоҳини жойлаштиришда фойдаланиладиган биноларни ёки биноларнинг бир қисмини улар жойлашган ер участкалари билан бирга шунингдек, мазкур ваколатхоналарнинг биноларини куриш учун ер участкаларининг республикадаги дипломатик ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган ҳалқаро ташкилотларга уларнинг ўз мулки қилиб сотишга рухсат берилган.

Ўзбекистон Республикаси Паспорт тизими тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 февралдаги 2240-сонли Фармонига 1-илова) консуллик муносабатларини тартибга солишда муҳим ҳисобланаб, у паспорт бериш ва ундан фойдаланиш, қайд этиш, рўйхатдан чиқариш тартибини, шунингдек паспорт тизими қоидаларини бўзганлик учун жавобгарликни белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси консуллик муносабатларини тартибга солувчи ички қонун хужжатлари категорига Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги инструкциялари ҳам киради.

Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги 1995 17 июлда “Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари томонидан чет элдаги Ўзбекистон

Республикаси фуқаролариға паспорт бериш ва уни алмаштириб бериш тартиби тұғрисида”ғи Инструкция кабул килинган бўлиб, унда паспортдаги ёзувлар, паспортнинг амал қилиш муддати, паспорт бериш ва алмаштириб бериш тартиби белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 1997 йил 15 майдаги “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароси, фуқаролиги бўлган шахсларнинг кириш ва чиқиш визаларини расмийлаштириш тұғрисида”ғи Инструкциясида визаларни алмаштириш турлари; Ташқи ишлар вазирлиги Консуллик бошқармасида виза хужжатларини расмийлаштириш тартиби; Ташқи ишлар вазирлигининг жойлардаги бўлимларида виза хужжатларини расмийлаштириш тартиби; чет элда Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларида виза хужжатларини расмийлаштириш тартиби белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг давлатлар Туркия, Грузия, Литва, Туркманистан билан ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўrsatiш борасида имзоланган шартномалари ҳам консуллик алоқаларини тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси дўстона муносабатларни ўрнатиш иқтисодий, савдо, фан-техника, маданий ва бошқа алоқаларни мустаҳкамлаш, консуллик хизмати органларининг ҳамкорлигини янада юксалтириш, иштирокчи давлатлар фуқаролари ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг бир-бирларининг давлатларига саёҳат қилишларини кулагаштириш мақсадида бир катор давлатлар билан битмлар тўзган:

1. МДҲ давлатлари ҳудудида иштирокчи давлатлар фуқароларининг визасиз ҳаракатланиши тұғрисида Битм (1992 йил 9 октябрь).

2. Иштирокчи МДҲ давлатларининг визаларини ўзаро тан олиш тұғрисида Битм (1992 йил 13 ноябрь).

3. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Словакия Республикаси Ҳукумати ўrtасидаги дипломатик ва хизмат паспортига эга фуқароларнинг визасиз сафарлари тұғрисида Битм (1997 йил 17 январь).

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Озарбайжон Республикаси Ҳукумати ўrtасидаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тұғрисидаги Битм (1997 йил 18 июнь)

5. Узбекистон Республикаси Ҳукумати ва Венгрия Республикаси Ҳукумати ўртасидаги дипломатик пасортга эга фуқароларнинг ўзаро визасиз сафарлари тартиби тўғрисидаги Битм (1997 йил 17 октябрь).

6. Узбекистон Республикаси Ҳукумати ва АҚШ Ҳукумати ўртасидаги виза ишларини соддалашиб тўғрисидаги Битм (1998 йил 15 июнь) ва “Узбекистон Республикаси ва АҚШ ўртасидаги Консуллик масалалари бўйича Кўшма Коммюникс” (1998 йил 7 март).

7. Узбекистон Республикаси Ҳукумати ва Туркия Жумхурияти ўртасидаги виза ишларини енгиллашиб тўғрисидаги Битм (1995 йил 9 июль).

Шуни эътироф этиш керакки, консуллик ҳуқукини юридик жиҳатдан тартибга соловчи халқаро шартномалар ва халқаро одатларда намоён бўладиган яхлит ҳуқукий манбалар тизими шаклланиб, мазкур тизим 4 та халқаро конвенциялардан ташкил топган. Мазкур конвенциялар 3 таси маҳаллий, 1 таси эса универсал аҳамиятга эгадир. Консуллик конвенция - бу давлатлар ўртасидаги консуллик муносабатларини тартибга солишга қаратилган ўзаро келишувга асосланган расмий ҳужжатдир. Консуллик конвенциялари билан бирга давлатнинг миллий конунчилик ҳужжати ҳам мухим аҳамиятга эга бўлиб, улар халқаро доирада тартибга солинмайдиган ички давлат характеристига эга бўлган консуллик фаолияти ва мақоми элементларини ҳамда чет эл консулхоналари фаолияти ва мақоми билан боғлик муносабатларини тартибга солади. Тахиллардан маълум бўлишича, Узбекистон Республикасида консуллик хизматини тартибга соловчи норматив ҳужжатлар мажмуини Узбекистон Республикаси консуллик хизмати фаолиятига асос бўлувчи норматив актларга, консуллик масалалари бўйича алоҳида қоидаларга эга бўлган норматив актлар ва ниҳоятда Узбекистон Республикаси консуллик масалалари фаолиятини тартибга соловчи норматив актлар таснифлаш мумкин.

Бундан ташқари Узбекистон Республикасида консуллик хизмати Узбекистон фуқаролари ва юридик шахсларнинг ва улар орқали Узбекистон Республикаси ҳукумати ҳуқук ва манфаатларини таъминлаш мақсадига йўналтирилган бўлиб, Узбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг асосий вазифасини бажаришни таҳминлай оладиган консуллик мансабдор

шахсларнинг касбий маҳорати ва тажрибага эга булишни талаб этади. Бу учун Ўзбекистон Республикаси консул функцияларини самарали амалга оширилиши кафолатлайдиган консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг марказий ва маҳаллий органлари ҳамда бошка жамоат бирлашмалари билан ўзаро сифатли алоқаларни ўрнатиш ва қўллаб-қувватлаш, чет давлатларда, айникса МДХ давлатларида. Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасалари тармоғини кенгайтириш, тажрибали консуллик ходимларининг доимий резервини ташкил этиш ва мустаҳкамлаш, консуллик мансабдор шахсларини профессионал мезонлар асосида танлаш амалиётини ривожлантириш, консуллик муассасаси бошлиғи лавозимини танлов асосида эгаллаш амалиётини мукаммаллаштириш, барча даражадаги консуллик ходимларни тегишли стажировка ва аттестациядан ўтгандан кейин тайинлаш каби чораларни амалга ошириш лозим.

Мавзу: Консуллик муассаси фаолиятини ташкил этишининг юридик хусусиятлари

1. Консуллик муассасалари тушунчаси ва тоифалари.
2. Консуллик муассасаларининг функциялари.
3. Консуллик муассаси ходимларин тайинлашнинг хуқуқий тартиби.

Давлатлар консуллик муносабатларини ўзаро розилик асосида йўлга қўяди. Агар бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, дипломатик алоқаларнинг йўлга куйилганлиги консуллик алоқаларнинг йўлга куйилганидан далолат беради. Ҳозирда амалиёт консуллик муассасаларнинг икки хил кўринишларини ифода этади. Биринчиси, дипломатик ваколатхоналар қошидаги консуллик бўлиимлари ва алоҳида фаолият олиб борувчи консулийк муассасалари.

Консуллик муасссалалари - хорижий давлат худудида жойлашган ва ўз давлати, унинг фуқаролари ва ташкилотлари манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ функцияларни амалга оширувчи давлатнинг доимий ташки алоқалар органи ҳисобланади.

Мустакил консуллик муасссалалари:

Биринчидан, бosh консуллик;

иккинчидан, консуллик;

учинчидан, вице – консуллик;

тўрчинчидан. консуллик агентликлари каби тоифаларга бўлинади.

Дипломатик ваколатхоналарнинг консуллик бўлимлари мудир гомонидан бошқарилади. У консул ёки бош консул деб номланиши мумкин.

Давлат консулхона мансабдор шахсини вакил қилиб тайинлашда унга **консуллик патентни** тақдим килади. Унга асосан қабул қилувчи давлат мазкур шахсга консуллик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқукини берувчи хужжат топширакди. Ушбу хужжат **экзекватура** деб номланади.

Консуллик алоқаларнинг ўзига хослиги шундаки, улар дипломатик муносабатлари ўрнатилмаган ҳолатларда ҳам ўз фаолиятларини олиб боришлари мумкин ва, ҳатто, давлатлар ўртасида дипломатик муносабатларнинг узилиши ҳам *ipso facto* консуллик алоқаларининг бекор бўлишига олиб келмайди.

1963 йилги Конвенцияда белгиланган **консуллик функциялари** ҳам ўзига хос. **Консулхонанинг энг асосий функцияси** – консулхона жойлашган давлатда (одатда консулхона округи чегарасида) ҳалқаро ҳуқук тамойилларига мувофиқ равишда вакил қилиб юборган давлат ва унинг фуқаролари (юридик ва жисмоний шахслари) манфаатларини химоя қилишdir.

Консуллик муассасалари:

биринчи – ҳокимият органларига консуллик муассасалари жойлашган давлатнинг иқтисодий, савдо, ижтимоий, маданий ва сиёсий ҳаёти тўгрисида ахборотлар бериб туриш;

иккинчи – ўз давлати фуқароларини консуллик муассасаси жойлашган давлат қонун ва одатлари тўгрисидаги маълумотлар билан таъминлаш;

учинчи – консуллик муассасаси жойлашган округ ҳудудида ўз давлат фуқароларини ҳисобга олиш;

тўртинчи – консуллик муассасаси жойдашган округда жойлашган ўз давлати фуқаролари, давлат орган ва ташкилотлари вакилларига, шунингдек, ҳарбий ва фуқаролик кемалари ҳамда ҳаво кемаларига, уларнинг экипажига амалий ёрдам бериш ва консуллик фаолиятини амалга ошириш;

бешинчи – паспорт – виза фаолитини амалга ошириш;

олтинчи – фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш идоралари функциясини бажариш, ногариал ҳаракатларини амалга ошириш;

еттинчи – консуллик легализацияси билан шуғулланиш, яъни консуллик муассасаси жойлашган давлат органларидан чиқадиган хужжатлар имзоларни белгилаш ва уларнинг ҳақиқийлигини ва ушбу хужжатларнинг шу давлат қонун ва қоидаларига мувофиқлигини тасдиқлаш;

саккизинчи – талаб қилиб олинган хужжатлар бўйича шундай амалларни амалга ошириш;

тўққизинчи – консуллик муассасаси жойлашган давлатда вояга етмаганлар ва тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган шахсларнинг хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

ўнинчи – суд ва бошқа муассасаларда ўз фуқаролари манфаатларини ёқлаб чиқиш ва вакиллар билан таъминлаш бўйича зарурый чора-тадбирларини кўриш;

ўн биринчи – ўз давлати тергов ёки суд органларининг топширикларини бажариш каби функцияларни бажаради.

Маълум бир хорижий давлатда дипломатик ваколатхонанинг йўклиги дипломатик функцияларни бажаришни консуллик муассасасига юклаш амалиёти умум тан олинган қоидага айланган.

Халқаро хукуқ, шунингдек, консул томонидан учинчи бир давлат номидан ва унинг манфаатлари йўлида маълум функцияларни бажариш имкониятига ҳам йўл қўяди.

Консуллик муассасаси у жойлашган давлат худудида тегишли харакатларни амалга оширганлиги учун консуллик йигимларини ундириш хукуқига эта. Ўз фаoliyatларини амалга ошириш давомида консуллик муассасалари консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг ички ишларига аралашмасликлари лозим.

Консул ёки бошқа ҳар қандай консуллик фаoliyatини амалга оширувчи мансабдор шахс лавозимга тайинлангандан эътиборан ўз миссиясини бажаришга киришган ҳисобланади. Кўпчилик давлатларда консулларни лавозимга тайинлаш ва бошқа давлатларни консулларни қабул қилиш ташқи ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Консуллик хукуки дипломатик хукуки каби ташриф буюраётган давлатнинг олдиндан розилигини (агреман) талаб қилмайди. Бирок икки томонлама давлатлар ўртасидаги шартномаларда консуллик муассасалари учун розилик талаб этилади. Консул томонидан ўз вазифаларини бажаришга киришиши у томонидан консуллик патенти ва экзекватурасини олишни талаб этади.

Консуллик патенти – бу бирор бир давлатни ифода этаётган консуллик муассасаси раҳбарининг ваколатларнинг тасдиқловчи ваколатли орган томонидан бериладиган хужжат ҳисобланади. Унда консуллик лавозимига тайинланаётган шахснинг тұла номи, унинг фуқаролиги, ранги(даражаси), әгаллаб турған лавозими, консуллик округи ва консуллик муассасасини жойлашған ҳудуди баён қилинади.

Консуллик патентини тегишли равища вакил қилинган давлат ваколатли органига тақдим этади ва мазкур орган консулга экзекватура, яъни консулнинг ўз вазифаларини бажаришига розилик билдириш мүмкін. Экзекватурани олгандан сунг консул ўз вазифаларини бажаришга киришиши мүмкін.

Консуллик муасссалаларидан штатсиз асосда фаолият олиб борувчи шахслар ҳам мавжуд бўлиши мүмкін. Консуллик корпуси экзекватурани энг олдин олган консул томонидан дуайен томонидан бошқарилади.

Дипломатик ваколатхона консуллик бўлимлари учун консуллик патенти талаб этилмайди. Консуллик муносабатлари куйидаги ҳолатлар тугатилиши мүмкін: 1) вакил қилиб юборган давлатнинг ўз консулини чақириб олиши; 2) консул келган давлат томонидан экзекватурани бекор қилиниш; 3) консуллик патентининг муддатининг тугаши билан; ; 4) консуллик муасасасини ёпилиши билан; 4) консуллик муносабатларнинг тугатилиши ва бошқа ҳолатларга кўра.

Консул Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари ва фуқаролари консулхона жойлашған давлатнинг конун хужжатларига кўра ва Ўзбекистон Республикаси ҳамда консулхона жойлашған давлат иштирокчиси бўлган ҳалқаро шартномаларга, шунингдек ҳалқаро тамоилларга кўра уларга берилған барча хуқуқлардан фойдалана олишлари учун чора-тадбирлар кўриши шарт. Консул ёзма аризаларни ҳам, оғзаки аризаларни ҳам қабул килишга мажбур. Шунингдек, консул унинг консуллик округида доимий яшаётган ҳамда вақтинча турған Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳисобини юритади. Консул Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари, корхоналари, муасссалари ва ташкилотларининг консуллик округи доирасида турған вакилларига ўз хизмат вазифаларини бажаришларида кўмаклашади.

Жумладан, консул унинг консуллик округида вақтинча турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини консулхона жойлашган давлатнинг қонунлари ва бошқа норматив ҳужжатларидан, шунингдек маҳалий урф-одатлардан хабардор қиласди. Консул унинг консуллик округида турган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари учун маданий-маърифий тадбирлар ўтказилишига кўмаклашади. Консулнинг Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элда бўлишларига доир масалалар бўйича фармойишлари улар учун мажбурий кучга эгадир.

Консул Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ консулхона жойлашган давлатда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий ҳисобини юритади. Консул муддатли ҳарбий (муқобил) хизматга чакирилади Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикасидаги тегишли мудофаа ишлари бўлимларига боришиларини таъминлайди.

Консул Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг вафотидан сўнг ундан қолган мол-мулк кўриқланиши чора-тадбирларини куради. Агар қолган мол-мулкнинг ҳаммаси ёки унинг бир қисми бўзиладиган нарсалардан иборат бўлса, шунингдек уларни саклаш ўта қимматга тушадиган бўлса, консул бу мол-мулкни ҳукукига эга ва тушган пулни тегишилигига қараб жўнатиши шарт. Консул мерос килиб қолдирилган мол-мулкни Ўзбекистон Республикасида бўлган меросхўрларга топшириш учун қабул қилиб олиш ҳукукига эгадир. Консул Ўзбекистон Республикаси фуқароларига тегишли пуллар, бойликлар, қимматли коғозлар ва ҳужжатларни саклаш учун қабул қилиб олиши мумкин. Консул унинг консуллик округида истиқомат қилиб турган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига доир аризаларини қабул қилиши шарт. Консул чет элда доимий яшаб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, шунингдек қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олган шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини бериш ҳамда уни алмаштириб бериш ҳукукига эга.

Консул Ўзбекистон Республикасига кириш, Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди оркали транзит ўтиш учун визалар бериш, уларнинг муддатини ўзайтириш, уларни бекор қилиш, шунингдек берилган визаларга ўзгаришлар киритиш ҳукукига эга. Консул Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон

Республикаси фуқароларининг фуқаролик холати далолатномаларини ёзди.

Фуқаролик холати далолатномаларини қайд қилиш рад қилинган шахсга унинг талаби билан ёзма равишда рад қилиш асослари маълум қилинади.³⁶

Консул чет элда доимий яшаб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фуқаролик ҳолатини қайд этиш ёзувларига ўзгартиришлар, тўзатишилар, қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, йўқотиб қўйилган ёзувларни қайта тиклаш, шунингдек фамилияси, исми ва отасининг исмини ўзгартириш хақидаги илтимономаларини қабул қилиб олади ҳамда уларни караб чиқиш учун ваколатли органларга юборади.³⁷

Консул Ўзбекистон Республикасининг хаво, денгиз, дарё кемасида бирон шахснинг туғилганлиги ёки вафот этганлиги тўғрисида маълумот олгач, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун ҳужжатларига мувофиқ туғилганлик ёки вафот этганлик тўғрисидаги ҳолатни рўйхатга олади.

Консулхона жойлашган давлатнинг худудида карантинли касалликлар пайдо бўлган тақдирда консул бу хусусда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига дарҳол хабар беради ва касаллик тарқалган жой, касалланиш ҳолларининг миқдори ва маҳаллий маъмурларнинг эпидемияга қарши кўрган чоратадбирларини маълум қиласди. Консул бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг бошқа манфаатдор вазирликлари ва идоралари вакилларини ҳам хабардор киласди.

Консул Ўзбекистон Республикасига кириш учун рухсатнома олган фуқароларни Ўзбекистон Республикасига киришда эмлаганлик тўғрисидаги халқаро сертификатларни топшириш зарурлигидан хабардор қиласди.

Консуллик округи доирасида қишлоқ ҳўжалик ўсимликларининг хавфли касалликлари ёки зааркунандалари пайдо бўлган тақдирда, шунингдек чорва ва парронда ёппасига касалланган ёки инсон ва ҳайвонот учун умумий касалликларнинг тарқалиши хавфли таҳдид солган ҳолларда, консул бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигига ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига дарҳол

Ю М Смирнов Консульское право практика применения. М., 2001. 194-бет
Ўзбекистон Республикаси Консульлик Устави. 44-модда

хабар беради.¹⁸ Консул Ўзбекистон Республикасига кириш учун рухсатнома олган фукароларни Ўзбекистон Республикасига киришда хайвонлар, чорва маҳсулотлари учун бериладиган ветеринария сертификатларини тақдим этиш зарурлигидан ҳамда Ўзбекистон Республикасига уруглар, ўсимликлар, кӯчатлар, янги мева ва сабзавотлар олиб кириш коидаларидан ҳабардор килади.

Консул ўз консуллик округи доирасида консулхона жойлашган давлатнинг аэропортларида Ўзбекистон Республикаси ҳаво кемасининг командири, экипажи ва йўловчилари га консулхона жойлашган давлатнинг қонун хужжатларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва консулхона жойлашган давлат иштирокчи бўлган халқаро шартномаларга мувофик хукуклар ва иммунитетлар берилишини кузатиб боради.

Консул Ўзбекистон Республикасининг фуқаро ҳаво кемаси командири, экипажи ва йўловчиларининг консулхона жойлашган давлат маъмурлари билан муносабатларида ёрдам бериши, шунингдек зарур ҳолларда, ҳаво кемаси, унинг экипажи ва йўловчилари Ўзбекистон Республикаси қайтиши ёки парвозни давом эттириши учун чора-тадбирлар кўриши керак.

Консул куйидаги хукукларга эга:

а) ҳаво кемасининг аэропотга учиб келиши, ундан учиб кетиши ва аэропортда туришига кўмаклашиш;

б) ҳаво кемасида юз берган ҳодисаларнинг тафсилотларини аниқлаш, ҳаво кемасининг командири, экипаж аъзолари ва йўловчиларидан сўраб-сuriштириш;

в) ҳаво кемаси, ундаги юк ва рейс хусусида маълумотлар олиш;

г) зарур ҳолларда ҳаво кемаси экипажи аъзолари ва йўловчиларнинг даволаниши ҳамда Ўзбекистон Республикаси жўнатилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш;

д) Ўзбекистон Республикаси фукароларини, почта ва юкларни Ўзбекистон Республикасининг аэропортларига борадиган Ўзбекистон Республикаси ҳаво кемаларида жўнатиб юбориш;

е) ҳаво кемалари хусусида Ўзбекистон Республикаси иштирокчи бўлган халқаро шартномаларда ёки Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида назарда тутилган декларация ёки бошқа хужжатни олиш, тузиш ёки тасдиқлаш.

* Ўзбекистон Республикаси Консуллик Устави 57-мода

Ҳаво кемаси консуллик округи доирасида ҳалокатга учраган, қўнишга мажбур бўлган ёки бошқа ҳодиса содир бўлган тақдирда консул экипаж ва йўловчиларга зарур ёрдам кўрсатади. Консул ҳалокатга учраган ёки қўнишга мажбур бўлган ҳаво кемасини, ундаги юкларни ва ҳодиса хусусиятидан шоҳидлик берувчи ашёвий далилларни қўриқлаш чораларини кўради ҳамда учиш вақтида юз берган ҳодисанинг сабабларини аниқлашда ³⁹ Узбекистон Республикаси мутахассисларига кўмаклашади.

Ҳаво кемасининг бортида жиноят содир этилган тақдирда консул Узбекистон Республикаси иштирокчи бўлган ҳалқаро шартномалардан ва Узбекистон Республикасининг қонун хужжатларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришда ҳаво кемасининг командирига кўмаклашади.

Чет элда кема сотиб олинган тақдирда консул унга Узбекистон Республикасининг Давлат байроғи остида сўзиб юриш ҳуқукини берадиган вақтинчалик гувоҳнома беради. Нотариал ҳаракатлар Узбекистон Республикасининг консуллик муассасасида бажарилади. Айрим ҳолларда нотариал ҳаракатлар мазкур муассасадан бошқа жойда бажарилиши мумкин.

Консул қуидаги нотариал ҳаракатларни бажаради:

- 1) битимларни (шартномалар, васиятномалар, ишончномалар ва ҳоказоларни) тасдиқлади. Узбекистон Республикасидаги уйжойларни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномалар бундан мустасно;
- 2) мерос қилиб қолдирилган мулкни қўриқлаш чоратадбирларини кўради;
- 3) меросга бўлган ҳуқук тўғрисида гувоҳнома беради;
- 4) эр хотиннинг умумий мулкидаги улушга эгалик ҳуқуки тўғрисида гувоҳнома беради;
- 5) хужжатлар нусхаларининг ва хужжатлардан олинган кучирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайди;
- 6) хужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди;
- 7) хужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима килинганинги шаҳодатлайди;
- 8) шахс тирик эканлигини фактини тасдиқлади;
- 9) фуқаронинг муайян жойда эканлигини фактини тасдиқлади;

³⁹ Узбекистон Республикаси Консуллик Устави 51-модда.

- 10) фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиклайди;
- 11) хужжатлар тақдим этилган вактни тасдиклайди;
- 12) пул суммалари ва қимматли қоғозларни депеозитга қабул қиласди;
- 13) ижро хатларини ёзади;
- 14) саклаш учун хужжатларни қабул қиласди;
- 15) қонунда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни бажаради.

Консул томонидан нотариал ҳаракатларни бажариш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари билан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Консуллик Устави билан белгиланади. Консул томонидан нотариал ҳаракатларни бажариш тартиби тўғрисидаги Йўрикнома Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланади⁴⁰.

Консул ўз номига ва ўз номидан, хотини (эри) номига ва унинг номидан, хотинининг (эрининг) ва ўзининг яқин кариндошлари номига ва уларнинг номидан нотариал ҳаракатларни бажариши мумкин эмас. Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш касбий фаолиятда анча юқори малакага эга бўлган тажрибали консуллик мансабдор шахсига беклатилади.⁴¹ Нотариал ҳаракатлар бунинг учун зарур бўлган барча хужжатлар тақдим этилган, консуллик йигимлари тўланган ва амалдаги ҳаражатлар қопланган куни бажарилади. Нотариал ҳаракатларни бажариш қўшимча маълумотлар ёки хужжатлар талаб килинганда аён хужжатларни экспертизага жўнатиш зарурати бўлганда, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга кўра кечикирилиши мумкин. Нотариал ҳаракатларни бажараётган консул ушбу нотариал ҳаракатлар сирини саклаши шарт. Бажарилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалари ва хужжатлар Ўзбекистон Республикасининг нотариат тўғрисидаги амалдаги қонун хужжатларига мувофик берилади.

Консул нотариал ҳаракатларни бажараётган вактда Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига уларнинг хуқуқ ва

⁴⁰ Сандова Л Развития дипломатических отношений Республики Узбекистан зарубежными странами -Т /Хукук 2000 N 7

⁴¹ Ю М Смирнов Консульское право практика применения, Москва 2001. 208-бет

мажбуриятларини тушунтириши, бажарилаётган нотариал харакатларнинг оқибатлари тұғрисида огохлантириши шарт.⁴²

Нотариал тартибда тасдикланадиган битимлар, шунунгдек ариза ва бошқа хужжатлар нотариал харакатларни бажараётган консул ҳұзурида имзоланади. Агар битим, ариза ёки бошқа хужжат консул йүқлигіда имзоланған бўлса, имзо чеккан шахс хужжатни үзи имзолаганligини шахсан тасдиқлаши лозим. Консуллик муассасасида нотариал иш юритишлар Узбекистон Республикасининг давлат тилида амалга оширилади.

Агар нотариал харакатни бажариш илтимоси билан мурожаат қилган шахс иш юритилаётган тилни билмаса, нотариал харакатни бажараётган консул ёки консул танийдиган таржимон расмийлаштирилаётган хужжатларнинг матнларини унга таржима килиб бериши лозим. Агар Узбекистон Республикасида истикомат қилаётган Узбекистон Республикаси фуқаролари фойдасига мерос очилғанлиги консулга маълум бўлиб қолса, консул мерос ва эҳтимол тутилган меросхўрлар тұғрисида үзи билган барча маълумотларни Узбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлигига дархол хабар килиши шарт. Агар нотариал харакатни бажариш Узбекистон Республикасининг қонун хужжатларига зид бўлса, консул бундай харакатларни бажаришни рад этади. Агар хужжатлар Узбекистон Республикасининг қонун хужжатлари талабларига мос келмаса ёки үз мазмунига кўра Узбекистон Республикасининг давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлса ёхуд фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказувчи маълумотларга эга бўлса, консул бундай хужжатларни нотариал харакатларни бажариш учун қабул қилмайди.

Консул үз консуллик округидаги маҳаллий маъмурларининг вакиллари иштирокида тузилган ёки ана шу маъмурлардан келган хужжатлар ва актларни қонунлаштиради. Узбекистон Республикасининг органлари ана шундай хужжатлар ва актларни, агар Узбекистон Республикасининг қонун хужжатларида ёки Узбекистон Республикаси ва консулхона жойлашган давлат иштирокчи бўлган халқаро шартномаларда үзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса, консул томонидан томонидан қонунлаштирилганидан кейинингина қараб чиқиши учун қабул қиласи. Консул томонидан хужжатларни қонунлаштиришнинг

⁴² Узбекистон Республикаси Консуллик Устави 64-модда

мохияти ана шу ҳужжатлар ва актлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини ва бу ҳужжатлар билан актларнинг консулхона жойлашган давлат конунларига мувофиқлигини аниқлаш хамда шаҳодатлашдан иборатdir.

Консул томонидан ҳужжатларни қонунлаштириш тартибини Узбекистон Республикаси Ташиқи ишлар вазирлиги белгилайди. Консуллик ҳаракатлари учун консуллик йиғимлари ундирилади. Консуллик йиғимлари Узбекистон Республикаси консуллик йиғимлари тарифига мувофиқ, яъни, чет элда - консуллик жойлашган давлатнинг валютасида ёки эркин айирбошланадиган валютада; Узбекистон Республикасида - милий валютада ёки эркин айирбошланадиган валютада ундирилади. Консуллик йиғимлари давлат даромадига ўтказилади.

Консуллик йиғимлари қуйидаги ҳолларда ундирилмайди.

а) консуллик йиғимлари ундиришдан воз кечиш тўғрисида Узбекистон Республикаси ва консулхона жойлашган давлат иштирокчи бўлган ҳалқаро шартнома мавжуд бўлса; б) Узбекистон Республикаси фуқароларини репатриация қилиш ишлари бўйича; в) чет эл дипломатия паспортларига баҳамлик асосида виза қўйганлик учун; г) меҳнат стажи, фуқароларнинг ижтимоий таъминоти тўғрисидаги, алиментлар ундириш тўғрисидаги ишларга доир ҳужжатлар сураб олинганилиги ва қонунлаштирилганлиги учун ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Консуллик муносабатлари тұхтатилганда консуллик муассасаси жойлашган давлат консуллик биносини, архивлар ва консуллик мол-мулкига ҳурмат билан қараши ва уларнинг ҳимоясини таъминлаши лозим.

Консуллик муассасаси жойлашган давлат ҳатто уруш ҳолатларида ҳам консуллик муассасаси ходимлари ва уларга хизмат қилувчи хизматчиларига давлатдан чиқиб кетиш шартшароитларини яратиб бериши керак.

Ўзбекистон Республикаси Консуллик уставига мувофиқ, консулнинг функцияси қуйидаги ҳолларда тутатилади:

- консул чақириб олинганда;
- экзекватура бекор қилинганда;
- консуллик татентининг муддати тугаганда;
- консуллик иуассасаси ёпилганда;
- консуллик муносабатлари тұхтатилганда.

Консуллик муассасаси жойлашган давлат ҳар қандай пайтда консуллик мансабдор шахсини persona non grata деп эълон қилиши ҳамда бу тұғрисида консуллик муассасаси давлатига маълум килиши мүмкін. Бу ҳолатда консуллик муассасаси давлати бундай шахсни чакириб олиши ёки унинг функцияларини тутатиши лозим.

Холоса тариқасида зытироф этиш керакки, консуллик муассаси функциялари үз фуқароларининг манфаатларини үзга мамлакатда химоя килиш билан боғлиқ бўлиб, улар томонидан турли хил вазифалар, жумладан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш, фуқаролик ҳолатини қайд этиш ҳамда ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ. Консул үз функцияларини амалга оширишда нафақат үз мамлакат манфаатларини ҳисобга олиш балки, қабул қилган давлатланинг қонун ҳужжатларига биноан үз функцияларини амалга ошириши лозим. Акс ҳолда давлатлар уртасидаги ўзаро фойдали алоқаларга болта урилиб, консуллик алоқаларнинг барҳам топиши эҳтомолдан ҳоли эмас.

Консуллик муассаси ходимларин тайинлашнинг ҳуқуқий тартиби.

Консуллик муассасалари ходимларини тайинлаш тартиби 1963 йилдаги «Консуллик муносабатлари тұғрисида»ги Вена Конвенцияси, 1996 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Консуллик уставида ва мамлакатлар үртасида тузилган бошқа икки томонлама Коисуллик битимларида белгиланган. Шуларга кўра, консуллик бошлиги тұғрисидаги масала ҳал қилингач, яъни агар бошлиқ үз вазифаларини бажара олмаса, унинг вазифаларни вақтингча бажариш масаласи, ундан сўнг консуллик ходимларини тайинлаш тартиби кўриб чиқилади.

Консуллик муассасаси бошлигини тайинлаш масаласини кўриб чиқишида қуйидагилар зытиборга олинали. Аввало, бошлиқни жұнатаётган давлат дипло-матик каналлар орқали уни қабул қилаётган давлатнинг розилигини олиш учун йўлланма юборади. Агар қабул қилаётган давлат унинг консуллик муассасаси бошлиғи этиб тайинланишига розилик бермаса, юбораётган давлатга инкорнинг сабабларини билдириши шарт эмас. Агар қабул қилаётган давлат суралаётган шахснинг тайинланишига розилик берса, юбораётган давлат дипломатик каналлар орқали қабул қилаётган давлатнинг ташки ишлар вазирига консуллик муассасасиининг бошлиғини тайинлаш тұғрисида патент йўллайди.

Вена конвенциясининг 11-моддасига мувофиқ, патентда консуллик ваколатхонаси бошлигининг тўлиқ исм-фамилияси, фукаролиги, мақоми, консуллик округи ва консуллик муассасасининг жойи кўрсатилади. Консуллик муассасаси бошлиғини тайинлаш тұғрисидаги патентни олгандан сўнг қабул қилаётган давлат унга "экзекватура" деб номланувчи рухсатнома беради. Экзекватура беришдан бош тортаётган давлат юбораётган давлаттага бундай инкорнинг сабабларини маълум қилиши шарт эмас.

Консуллик муассасасининг бошлиғига ўз вазифаларини бажаришга рухсат берилганданоқ қабул қилаётган давлат консуллик округининг ваколатли органларига хабар беради. Бундан ташкари, консуллик муассасаси бошлиғи ўз вазифаларини бажариши, 1963 йилдаги Вена конвенцияси ва Узбекистон мазкур давлат билан тўзган тегишли икки томонлама битимдан келиб чиқадиган иммунитет ва имтиёзларидан фойдаланиши учун барча чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлайди.

Консуллик амалиётида консуллик муассасаси бошлиғи вазифаларини вактинча бажариш зарурати туғиладиган ҳолатлар ҳам учрайди. Узбекистон Республикаси Консуллик уставининг 16-моддасида шундай дейилади: "Агар консул бирор-бир сабабга кўра ўз вазифаларини бажара олмаса ёки консулнинг лавозими бўш бўлса, консулнинг вазифаларини бажариш Узбекистон Республикасининг қабул қилаётгай давлатдаги мазкур ёки бошқа консуллик муассасасининг бошқа мансабдор шахсига ёки ушбу давлатдаги Узбекистон Республикаси дипломатик ваколатхонаси персонал аъзоларидан бирига юклатилади". Бундай ҳолатларда консуллик муассасаси бошлиғи вазифаларини вактинча бажараётган шахсга ҳам қабул қилаётган давлатнинг розилиги талаб этилади.

Консуллик хуқуқига биноан, қабул қилаётган давлатнинг ваколатли органлари консуллик муассасаси раҳбари вазифасини вақгинча ижро этувчи шахсга ёрдам ва химоя кўрсатадилар. Консуллик муассасасига раҳбарлик қилаётган вакт мобайнида консуллик муассасасининг доимий раҳбарига қўлланадиган 1963 йилдаги Вена конвенциясининг коидалари унга ҳам қўлланилади. Аккредитация қилинаётган давлатнинг элчихонаси персонали аъзоси консуллик ваколатхонаси раҳбари вазифасини ижро этувчи қилиб тайинланиши мумкин. Шунингдек, агар қабул қилаётган

давлат қаршилик курсатмаса, у ўзининг дипломатик иммунитет ва имтиёзларини саклаб қолади.

Консуллик ходимларини тайинлашда эса, умумтан олинган меъёр мавжуд: юбораётган давлат консуллик ходимларини ўз хоҳишига кўра эркин тайинлаши мумкин. Аммо бунинг қуидагича шартлари бор: консуллик мансабдор шахси, албагта, юбораётган давлатнинг фукароси булиши керак (Ўзбекистон Республикаси Консуллик уставининг 13-моддаси); қабул қилаётган давлат ўзида ёки бу консуллик мансабдор шахси "persona non grata" эканлиги ёки консуллик персоналиниң исталган ходими номақбул эканлиги ҳакида юбораётган давлатга дипломатик каналлар орқали маълум қилиш ҳуқуқини саклаб қолади; бундай холатда юбораётган давлат ушбу шахсни чақириб олиши ёки унинг консуллик муассасасидаги вазифаларини тугатиши лозим; агар юбораётган мамлакат ушбу шартларни бажаришдан бош тортса ёки тегишли вақт мобайнида ўз мажбуриятларини бажармаса, у ҳолда қабул қилаётган давлат мазкур шахсга берилган экзекватура ёки бошқа рухсатномани бекор қилиши мумкин ёки уни консуллик персонали ходими деб ҳисоблашни бекор килади ва мазкур шахс ўз-ўзидан иммунитет ва имтиёзлардан маҳрум булади.

Таъкидлаш жоизки, юкорида кўрсатиб ўтилган барча ҳолатларда қабул қилаётган давлат ўз қарорларининг сабабларини юбораётган давлатга маълум қилиши шарт змас. Юкорида кўрсатилган ҳолатлар вужудга келиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда, юбораётган давлат консуллик муассасаси раҳбари билан бирга барча консуллик мансабдор шахсларининг тулиқ исм-фамилияси ва мақоми ҳакида қабул қилаётган давлатни олдиндан хабардор қиласди.

Консуллик муассасаси ходимларини тайинлаш механизми қабул қилаётган давлатни барча тайинлананаётган ходимлар, уларнинг келиш ва кетишилари тўғрисида хабардор қилиш гартибини ҳам ўз ичига олади. Қабул қилаётган давлат:

биринчидан, консуллик муассасаси ходимларини тайинлаш, уларнинг консуллик ваколатхонасига тайинлангандан сўнг келиши, кетиши ёки вазифаларининг тугатилиши ва уларнинг мақомига таъсир этувчи, консуллик муассасасида ишлаётган вақт мобайнида юз берадиган бошқа барча ўзгаришлар ҳакида;

иккинчидан, консуллик муассасаси ходими оила аъзоси бўлган, улар билан доимий яшовчи шахснинг келиши ва кетиши

ҳамда у ёки бу шахс унинг оила аъзосига айланиши ёки оиласидан чиқиб кетиши ҳакида;

учинчидан, шахсий уй хизматкорларининг келиши, кетиши ҳамда тегишли ҳолларда, бундай сифатда хизматининг тугатилиши ҳакида;

тўртингчидан, қабул килаётган давлатга яшовчи шахсларни иммунитет ва имтиёзларга эга бўлган консуллик муассасаси ёки уй хизматчиси сифатида ёлланиши ва ишдан озод этилиши ҳакида хабардор этилади. Барча маълумотлар олдиндан берилади.

Юкорида зикр этилганлардан хулоса ясаб таъкидлаш лозимки, консуллик конвенциялари консуллик муассасаси ходимларини тайинлашнинг аниқ тартибини кўзда тутади. Консуллик ҳукуки ва амалиёти консуллик муассасаси ходимларини турли мақомга эга бўлган категорияларга ажратиб қўяди. Консул мақомининг ўзига ҳосликлари биринчи навбатда унинг тайинлаш тартибига таъсир кўрсатиб, консул ваколатларига ҳам бевосита таъсир кўрсатади.

Мавзу: Консуллик муассасалари ва улар ходимларининг иммунитет ва имтиёзлари.

1. Консуллик муасссаларининг иммунитет ва имтиёзлари.
2. Консуллик муасссалари ходимларининг иммунитет ва имтиёзлари.

Консуллик муасссалари ўз функцияларини муваффақиятли амалга оширишлари учун консуллик иммунитет ва имтиёзларидан фойдаланадилар.

Иммунитет – консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг ёки чет давлатнинг юрисдикциясидан озод килинишdir. Бу ҳалкаро ҳукуқда умумтан олинган норма ҳисобланади. Иммунитет давлатларнинг суверен тенглиги, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик принципларидан келиб чиқиб белгиланган. Бирон бир чет давлат бошка бир давлатда жавобгар сифатида судга жалб килиниши мумкин эмас. Консуллик муассасалари ва уларнинг ходимлари ҳам муайян бир чет давлат томонидан юборилади ҳамда унинг манфаатларини ҳимоя қиласди. Имтиёзлар – бу консуллик муассасаси ва унинг ходимлари томонидан фойдаланиладиган енгилликлар ва афзалликлардир.

Консуллик алоқалари тұғрисидаги Вена Конвенциясининг мүкаддимасыда таъкидланишича, консуллик муассасаси ва унинг ходимларига иммунитет ва имтиёзлар алохидан шахслар фойдаси учун эмас, балки консуллик муассасаларининг давлат номидан үз функцияларини самарали амалга ошира олишларини таъминлаш учун берилади.

Консуллик муассасалари ва уларнинг ходимлари иммунитет ва имтиёzlари моҳияттан дипломатик иммунитетларга мос келади, лекин консуллик функцияларининг үзига хослигини иноботга оладиган бұлсак, консуллик муассасалари ва уларнинг ходимлари иммунитет ва имтиёzlари көнгрөк аҳамияттасында.

Консуллик алоқалари тұғрисидаги Вена Конвенциясида консуллик иммунитет ва имтиёzlари 2 та гурұхға ажратылған.

1-гурұхға консуллик муассасаси биносининг дахлсизлиги; мол-мұлк ва ҳаракатланиш воситалари иммунитетлари; архивлар ва консуллик муассасалари ҳужжатлари дахлсизлиги; консуллик муассасаси үз давлатнинг маркази, дипломатик ваколатхонаси ва үз давлатнинг бошқа консуллик муассасалари билан ҳеч қандай түсікларсиз алоқа қилиш ҳуқуқи; божхона имтиёzlари ва бошқалар киради.

2-гурұхға шахс дахлсизлиги; турар-жой дахлсизлиги; фискал иммунитет; ходимлар учун божхона имтиёzlари; шахсий мажбуриятлардан озод қилиш кабилар киради.

Консуллик муассасаси жойлашған давлат консуллик муассасаси үз функцияларини амалга ошириш учун барча шароитларни яратып беріши шарт. Консуллик муассасаси жойлашған давлат үз ҳудудидан консуллик муассасаси ва унинг ходимлари учун бино ажратышда күмаклашиши лозим. Консуллик бинолари дахлсизdir, консуллик муассасаси жойлашған давлат маъмурлари консуллик муассасасининг бевосита фаолияти учун мүлжалланған қисмiga консуллик муассасаси ёки дипломатик ваколатхона бошлиғи рухсатисиз киришга ҳақли эмас. Консуллик бинолари, унинг предметлари, консуллик муассасасининг мол-мұлки, шунингдек унинг ҳаракатланиш воситалати ҳам иммунитетта эга.

Консуллик муассасаси биноси дахлсизлиги у жойлашған давлат томонидан қуйидаги мажбуриятларнинг бажарилиши орқали таъминланади:

- консуллик биносининг самарали ташки химоясини амалга ошириш;

-консуллик биносига у жойлашган давлат хокимиияти органларининг кириниши чеклаш.

Давлат мудофааси ёки жамият манфаатларидан келиб чикиб консуллик биноси олиб қўйилган тақдирда консуллик функцияларининг амалга оширилишини бўзилмаслигига оид барча чоралар қўрилади ҳамда консуллик муассасасининг давлатига тегишли компенсация тўланади. Консуллик биноси ва консуллик муассасаси бошлиғи қароргоҳи барча умумдавлат ҳамда маҳаллий солик, йигим ва божлардан озод қилинади, аниқ хизмат тури учун олинадиган ҳақ бундан мустасно.

Консуллик архивлари ва хужжатлари ҳар қандай вақтда ва жойлашган жойидан катъи назар дахлсиз хисобланади. Дипломатик ва консуллик алоҳалари тугатилгандан кейин ҳам улар дахлсизлигини йўқотмайди. Бу консуллик функцияларининг самарали амалга оширилишини таъминлайди.⁴³ Консуллик архивлари ўз ичига барча қоғозлар, хужжатлар, хабарлар, хатлар, мақолалар, китоблар, фильмлар, овоз ёзув ленталари ҳамда шифр ва кодлар билан биргаликда консуллик муассасаси рўйхатга олиш китобини қамраб олади. Яъни, маълумотни ўзида акс эттирувчи ҳар қандай нарса архив сифатида эътироф этилиши мумкин.

Консуллик муассасаси жойлашган давлат ўз худудида консуллик муассасаси ходимларининг эркин харакатланиши ва саёҳат қилинларини таъминлаши керак. agar бу кириш тақиқланган жойлар ва давлат хавфсизлиги мақсадида тартибга солинаётган худудларга кириш қонун-қоидаларига зид бўлмаса.⁴⁴

Консуллик муассасасининг ўз давлати билан эркин алоқа ўрнатиши консуллик фаолиятининг нормал амалга оширилишининг гаровидир. Консуллик муассасаси жойлашган давлат ўз ҳукумати ва бошқа консуллик муассасалари билан алоқа қилиш учун барча шарт-шароитлар яратиб бериш керак. Бунда консуллик муассасаси қаерда жойлашганлигидан катъи назар барча алоқа воситаларидан фойдаланиши мумкин.

Маҳаллий хокимият органлари консуллик муассасасининг почта-телеграф жўнатмаларини очишга, тўхтатиб туришга.

⁴³ А.Х.Сайдов. Халқаро ҳукук. -Т. Адабиёт жамгармаси. 2000. 148-б.

⁴⁴ Консуллик алоқалари тутрисидаги Вена Конвенцияси. 31-модда

шунингдек улардан бирон бир расмий мақсадларга фойдаланишга ҳақли эмас.

Консуллик муассасаси жойлашған давлат розилигини олган ҳолдагина радиоўзатгич ўрнатилишига ва ундан ўз раҳбарияти билан алоқа қилиш мақсадида фойдаланишига рухсат этилади. Консуллик вализасининг очилишига ҳам, тұхтатилиб турилишига ҳам йүл қўйилмайди. Вализа-бу дипломатик ёки консуллик куръерининг белгиланган тартибда мұхрланган почта чемоданидир. Унда фақат расмий фойдаланишга мұлжалланган ҳужжатлар ва предметлар булиши лозим. Консуллик куръерига унинг мақоми ва вализадаги жойлар сонини кўрсатувчи расмий ҳужжат берилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ваколатли давлат органлари вализада тегишли ҳужжатларан ташқари бирон бир бошқа нарса бор деган жиddий асосга эга бўлган ҳолларда уни юборган давлатнинг ваколатли шахси хўзуринда уни очишни талаб қилиши мумкин.

Ўзбекистон фуқароларининг манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлик функцияларни амалга оширилишини енгиллаштириш мақсадида консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг ваколатли органлари ўша давлатнинг фуқароси ушланганда ёки қамоқقا олинганда дарҳол консуллик муассасасини хабардор қилиши лозим, шунингдек консуллик мансабдор шахслари ушланган ёки қамоқقا олинган ўз давлатнинг фуқаролари билан сұхбатлашиш мақсадида кўришишлари, ўзаро ёзишмалар олиб боришлари мумкин, консуллик муассасаси мансабдор шахслари уларга юридик ёрдам кўрсатилишининг чораларини кўриши керак.

Консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг ваколатли органлари консуллик муассасасини куйидаги ҳолларда дарҳол хабардор қилиши лозим:

-консуллик округи худудида консуллик муассасаси давлатининг фуқароси вафот этганда;

- консуллик муассасаси давлатнинг тұла мұомала лаёқатига эга бўлмаган фуқароси манфаатлари ҳомий ёки васий томонидан ҳимоя қилинаётган ҳар қандай ҳолларда;

- консуллик муассасаси давлатнинг кемаси ёки унда рўйхатдан ўтган самалёт ҳалокатга учраганда;

Консуллик мансабдор шахслари ўз функцияларини бажариш жараёнида ўз округининг ваколатли маҳаллий органларига ҳамда конун ҳужжатларида белгиланган доирада марказий ҳокимият

органларига мурожаат қилишлари мумкин. Консуллик муассасаси жойлашган давлат консуллик мансабдор шахсларига юкори хурмат ва эҳтиром кўрсатишлари ҳамда уларнинг шахси, эркинлиги ва кадр-қимматига таҳдид солинмаслигини таъминлаши лозим. Консуллик мансабдор шахслари ва хизматчилари ўз хизмат вазифаларини бажариш чогида содир қилган ҳаракатлари учун консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг суд ёки бошка маъмурий органлари олдида жавоб бермайди, яъни уларнинг юрисдикцияси остида бўлмайди. Лекин бу қоида фуқоралик даъволарига нисбатан қўлланилмайди.

Консуллик мансабдор шахслари қамоққа олиниши ёки бошқача тарзда эркинлиги чекланиши мумкин эмас, оғир жиноят содир қилинганда суд қорари асосида қамоққа олиш бундан мустасно. Консуллик органининг бирон бир ҳодими қамоққа олинганда ёки унга нисбатан жиноят иши қўзғатилганда консуллик муассасаси бошлиғига дарҳол хабар берилади, агар бу консуллик муассасаси бошлиғига нисбатан бўлса, тегишли давлатга дипломатик йўллар орқали маълум қилинади. Француз юристи Ш. Руссо таъкидлашича, жиноят содир қилинганда иммунитет қўлланилмайди, бунда консул қамоққа олиниши ва ҳукм қилиниши мумкин.

Консуллик муассасаси ҳодимлари суд жараёнида гувоҳ сифатида чақиришлари мумкин. Улар гувоҳлик беришдан бош тортишга ҳақли эмас. Агар консуллик мансабдор шахслари гувоҳлик беришдан бош тортса, уларга нисбатан ҳеч қандай чора қўлланилмайди. Консуллик муассасасалари ўз функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ масалалр бўйича гувоҳлик беришга мажбур эмас. Консуллик муассасасининг давлати ўз консуллик муассаси ҳодимларига бериладиган ҳар қандай иммунитет ва имтиёzlаридан воз кечишга ҳақли. Бу рад қилиш ҳар доим аниқ ифодаланганд бўлиши ва консуллик муасасаси жойлашган давлатга ёзма тарзда билдирилиши лозим.

Консуллик мансабдор шахслари, консуллик хизматчилари ва улар билан бирга истиқомат қилаётган оила аъзолари рўйхатдан ўтиш ва яшаш учун рухсат олиш мажбуриятларидан озод қилинади. Консуллик муассасаси жойлашган давлатда амалда бўлган ижтимоий ҳимоя тўғрисидаги қарор консуллик муассасалари ишчилари ва уларнинг оила аъзоларига нисбатан татбиқ қилинмайди. Консуллик мансабдор шахслари, консуллик

хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари қўйидагилардан ташқари барча солиқлар, йигим ва тўловлар, шахсий ва мулкий, умумдавлат ва маҳаллий солиқлардан озод қилинади; а) тўғри солиқлар, одатда товар ёки хизмат кийматига кўшилади; б)хусусий кўчмас мулкка солинадиган тўлов ва солиқлар; с) мерос қолдирилган мулкка нисбатан солинадиган солиқ ёки мулкнинг ўтиши билан боғлик солиқлар; д) шахсий даромадга солинадиган солиқ ва тўловлар; е) рўйхатга олиш ва суд божлари, ипотека йигимлари.

Консуллик муассасаси жойлашган давлат консуллик муассасалари томонидан расмий мақсадларда фойдаланиладиган предметлар ҳамда консуллик мансабдор шахслари ва улар билан бирга яшайдиган оила аъзолари томонидан шахсий мақсадларда фойдаланиладиган предметларни олиб киришга рухсат беради, шунингдек барча божхона божиларидан озод қиласди. Консуллик мансабдор шахслари ва улар билан бирга яшайдиган оила аъзоларининг шахсий юки текширувдан ўтказилмайди. Бунга фақат жиддий асослар бўлгандагина йўл қўйилади ҳамда консуллик муассасаси мансабдор шахси ёки унинг аъзоси иштирокида текширилади. Ҳозирда консуллик ҳукукида бу масалада З йўналиш мавжуд: 1) консуллик мансабдор шахснинг шахсий юкини жиддий асослар бўлмаганда текширмаслик, 2) ҳар қандай ҳолатда ҳам консуллик мансабдор шахсининг шахсий юкини текшириш, 3) консуллик муасасаси жойлашган давлат консуллик муассасаси ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини барча меҳнат ва давлат мажбуриятларидан ҳамда ҳарбий мажбуриятлардан озод қилишга мажбур.

Консуллик муасасассининг ҳар бир ходим иммунитет ва имтиёзлардан консуллик муассасаси жойлашган давлатга кирган пайтдан бошлаб, агар у ушбу давлатда бўлиб турган бўлса, консуллик муассасасида ўз функцияларини бажаришга киришган пайтдан бошлаб фойдалана бошлайди. Консуллик муассасаси ходими билан бирга яшовчи оила аъзолари ва ўй хизматкорлари ҳам консуллик муассасаси ходими иммунитет ва имтиёзларидан фойдаланган пайтдан бошлаб эга бўладилар. Консуллик муассасаси ходимининг, у билан бирга истиқомат қиласидиган оила аъзолари ва ўй хизматкорларининг иммунитет ва имтиёзлари консуллик функциялари тутатилганда ҳамда консуллик муассасаси жойлашган давлатни тарк этган пайтдан бошлаб тутатилади.

Консуллик муассасаси ходими вафот этган тақдирда у билан бирга яшовчи оила аъзолари иммунитет ва имтиёзлардан ушбу давлатдан кетгунларича ёки белгиланган муддат тугагунча фойдаланадилар. Агар консуллик мансабдор шахси консуллик муассасаси жойлашган давлатга бораётганда ёки ундан қайтаётганда учинчи давлатнинг худудидан ўтадиган бўлса, учинчи давлат томонидан консуллик мансабдор шахси зарур иммунитет ва имтиёзлар билан таъминланиши лозим. Бу унинг оила аъзоларига ҳам тааллуклидир. Бу ҳолатда учинчи давлат консуллик муассасасининг бошқа ходимларининг ва оила аъзоларининг ўз худудидан ўтишларига тўсқинлик қиласлиги лозим. Учинчи давлатдан транзит тарзда ўтаётган консуллик куръерлари ҳамда консуллик вализларга учинчи давлат консуллик муассасаси жойлашган давлат каби дахлсизлик ва ҳимояни таъминлаб бериши керак.

Иммунитет ва имтиёзлардан фойдаланаётган барча шахслар консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг қонун ва қоидаларини хурмат қилишлари лозим. Улардан, шунингдек бу давлатнинг ички ишларга аралашмасликлари талаб қилинади.

Консуллик биноларидан консуллик функцияларини бажаришдан ташкири мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас. Учинчи шахслар томонидан ҳар қандай транспорт воситаси, кема, самалётдан фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган заардан сұғурталанишда консуллик муассасаси ходимлари консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг қонунга асосланган барча талабларига риоя қилишлари лозим. Штатга эга бўлган консуллик мансабдор шахслари консуллик муассасаси жойлашган давлатда фойда олиш мақсадида касбий ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмасликлари керак. Консуллик муассасаси жойлашган давлатда фойда олиш мақсадида шахсий фаолият билан шуғулланадиган консуллик хизматкорлари, консуллик мансабдор шахслари оила аъзолари ва уларга хизмат қилувчи бошқа ишичларга иммунитет ва имтиёзлар берилмайди. Фахрий консуллик мансабдор шахс томонидан бошқарилаетган консуллик муассасаси ҳам юқорида таъкидлаб ўтилган иммунитет ва имтиёзларга эга бўлади. Лекин фахрий консуллик мансабдор шахси ва бошқа консуллик ходимлари билан бирга истиқомат қиладиган оила аъзолари бу иммунитет ва имтиёзлардан фойдаланмайдилар.

Фахрий консуллик мансабдор шахс томонидан бошқарилаётган консуллик муассасаси биносининг химояси таъминланади; у барча умумдавлат ва маҳаллий солик ҳамда йигимлардан озод қилинади; унинг консуллик архиви ва хужжатлари ҳар қандай вақтда, қаерда жойлашганигидан қатъи назар дахлсизликка эга; консуллик муассасаси жойлашган давлатга давлат герблари, байроқлари, муҳр ва штамплар, китоблар, девонхона жиҳозлари ва бошқа предметларни олиб киришга рухсат этилади ҳамда божхона божиларидан озод қилинади; фахрий консуллик мансабдор шахслари барча меҳнат ва давлат, шунингдек ҳарбий мажбуриятлардан озод қилинади; консуллик муассасаси жойлашган давлат фахрий консуллик мансабдор шахсига у эгаллаб турган расмий мақоми талаб қиласиган химояни таъминлаши керак. Ҳар бир давлат фахрий консуллик мансабдор шахсини тайинлаш масаласини ўзи мустақил равишда ҳал қиласи, яъни фахрий консуллик мансабдор шахс факультатив характерга эга.

Консуллик агентликларига бошчилик қиласиган консуллик агентлари ҳам ўз функцияларини бажаришда муайян иммунитет ва имтиёзлардан фойдаланадилар, бунинг доираси давлатлар ўртасидаги ўзаро келишувга мувофиқ белгиланади. Консуллик муассасаси маъмурий-техник ходимларининг иммунитет ва имтиёзлари ҳам алоҳида хусусиятга эга, чунки биринчидан, улар консуллик муассасаси ходимларининг асосий қисмини ташкил этади, иккинчидан, бу масала бугунги кунда етарлича ўрнатилмаган. Баъзи маъмурий-техник ходимларининг бажарадиган функциялари маҳфий аҳамиятга эга, масалан, шифр терувчилар, иш бритувчилар, секретар-референтлар. Уларнинг қамоққа олиниши ёки бошқа мажбурлаш чораларининг қўлланилиши консуллик муассасасининг фаолиятини издан чиқариши мумкин. Консуллик алокалари тұгрисидаги Вена Конвенциясида таъкидланишича, консуллик муассасаси хизматчиларининг консуллик функцияларини бажариш билан боғлиқ ҳаракатлари консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг суд ёки бошқа маъмурий органлари юрисдикцияси остида бўлмайди. Бундан келиб чиқиб айтиб ўтиш мумкинки, консуллик муассасаси маъмурий-техник ходимлари ҳам консуллик мансабдор шахслари билан бир хил иммунитет ва имтиёзларга эга хисобланади.

Амалиётда консуллик муассаси маъмурий-техник ходимларнинг мақоми икки томонлама конвенциялар оркали турлича тарзда белгиланиши мумкин.

Давлатлар ўртасида дўстона муносабатларни шакллантириш, ўзаро ижтимоий-иктисодий алоқаларни кучайтириш, инсон ҳуқук ва эркинликларнинг муҳофазасини юксалтириш вазифалари мамлакатлардан оқилона ташки сиёsatни юргизиш, дипломатик ва консуллик ҳуқуки соҳаларидағи энг илгор анаъналардан фойдаланишни тақозо этади. Ташки сиёsat самарадорлиги таъминлашда консуллик алоқаларнинг ўрнатилиши алоҳида аҳамият касб этади. Консуллик алоқаларнинг афзалликлари: дипломатик муносабатлар ўрнатилмаган ҳолатда ҳам консуллик муассасаларининг фаолият кўrsatiши, юридик аҳамиятга молик харакатларнинг амалга оширилишида кўмаклашуви давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг кучайиб бориши, интеграция суръатларининг жадаллашиб боришига замин яратади. Мазкур ҳолатлар халқаро майдонда ўз обрў-эътиборини юксалтиришга интилаётган Узбекистон Республикаси учун улкан аҳамиятта эга. Узбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: "XXI аср, шубҳасиз, халқаро муносабатларда бутун дунё қамраб олинадиган аср бўлади. Бундай шароитда интеграция жараёнини.... факат тарих тақозоси эмас, балки айrim минтақалар кўламида ҳам, шунингдек умуман-бутун сайёрамиз кўламида ҳам событқадамлик, барқарорликнинг кудратли омили деб ҳисобланмоқ зарур"⁴⁵.

Узбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳукукли субъектидир" деган жумлалар билан бошланган ушбу норманинг туб маъноси моҳиятан, ўзбек халқининг бутун тарихий ютуғини ўзида ифодалаган десак муболаға бўлмайди. Халқаро муносабатларнинг тўла ҳукукли субъекти сифатида Узбекистон Республикасининг дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилиши шундай ҳукукни кўлга киритишга харакат килган, маълум тарихий даврларда минглаб азоб-уқубатларни ҳамда мустамлакачилик сиёsatини бошидан кечирган халқимиз учун улкан ютуқ ҳисобланади.

Узбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳукукли субъектлиги конституциявий тарзда мустаҳкамланиб,

⁴⁵ Каримов И.А. Узбекистон XXI аср бусагасида ҳавфсизликка таҳдид. барқарорлик шартлари ва тараккиет кафолаглари – Г. Узбекистон. 1997. 298-б.

мазкур меъсринг туб маъноси моҳиятан, ўзбек халқининг бутун тарихий ютуғини ўзида ифодалаган десак муболага бўлмайди. Халқаро муносабатларнинг тұла ҳукукли субъекти сифатида Ўзбекистон Республикасининг дунё ҳамжамияти томонидан зътироф этилиши шундай ҳукукни құлға киритишга ҳаракат қылған, маълум тарихий даврларда минглаб азоб-уқубатларни ҳамда мустамлакачилик сиёсатини бошидан кечирган халқимиз учун улкан ютуқ ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳукуқ нормаларига оғишмай халқаро муносабатларда фаол равишда иштирок этмоқда. Ўзбекистон Республикаси ўз халқининг фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тусиши, ҳамдүстлик уюшмаларига ва бошқа давлатлараро тузилмаларига кириш каби конституциявий коида тұлалигича рүёбга чиқмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонни жаһоннинг деярли барча малакатлари тан олди. Юздан ортиқ мамлакатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатилиб, халқаро, сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий соҳаларда тенг ҳукуқлик асосида фаол ҳамкорлик қилиш имконияти учун пойдевор яратилди.

Ташки сиёсатнинг ғоят мухим таркибий унсури бўлган консуллик алоқаларининг самарали ривожланишида консуллик муассасаси ходимларининг дахлсизлигини таъминлаш ғоят мухим. Мазкур дахлсизлик институти дипломатик ва консуллик муносабатлар тарихининг аззалий қадрияти бўлиб, бугунги кунда ҳам ўзининг ижтимоий қийматини йўқотгани йўқ. Халқаро муносабатларнинг амалиётидан маълумки, консуллик муассасаси ходимларига қаратилган тажовўзлар, уларнинг давлат юрисдикциясидан дахлсизлигини бўзиш ҳолатлари ҳануз барҳам топмаган. Охирги йилларнинг ўзида содир этилган қилмишлар, яъни Эрон пойтахти Техронда Россия консули А.Киселёвга қарши уюштирилган тажовўз (1993), Озарбайджон фахрий консули Гудзи Османовга нисбатан суикасд уюштирилганлиги (1999), Мьянмада Финлияндия, Норвегия, Швеция мамлакатларининг фахрий консули Леандр Николос хибсга олиниб, шафқатсиз қийноқлар оқибатида ҳаётдан кўз юмгани (1996)⁴⁶ консуллик муассасаси ходимларининг дахлсизлигини таъминлашда давлатлар

* Ганюшкин Б.В. Неприкосновенность личности работников консульских учреждений // Московский журнал международного права 2000 №4 -С.252

ҳамкорлигини кучайтириш, мазкур муаммонинг илмий-амалий тадқик этилишини тақозо этади.

Консуллик муассасаси ходимларининг дахлсизлигини таъминлаш институти икки жиҳатдан иборат: қабул қилувчи давлат томонидан консуллик муассасаси ходимларининг турли жинояткорона тажовӯзлардан ҳимоя қилиш ҳамда қабул қилувчи давлатнинг юрисдикциясидан белгиланган ҳолатлардан ташқари дахлсизлигини таъмин этишидир. Мазкур вазифаларни бажаришда давлатлар амалиётида бир хил ёндашувлар мавжуд эмас. Мисол учун айрим давлатлар чет эл дипломатларига ўқ отар куролларини сақлаш ва олиб юриш ҳуқукини беради. Бироқ одат тариқасида консуллик муассасаси биноларини ҳамда ходимларини қўриқлаш режимини кучайтириш ҳамда чет эл дипломатларга қарши ҳуқукбўзарликлар учун жавобгарлик чораларининг жиддийлаштириши билан чегараланиб қолинади.

Таъкидлаш лозимки, консуллик ҳуқуки доирасида консуллик муассасаси ходимларининг мансабдор шахслари, маъмурий ва техник персоналга туркумлаштириши нафақат назарий, балки муҳим амалий аҳамиятга эга. “Консуллик алоқалари тўғрисида”ги 1963 йилги Конвенциясининг 41-моддасида давлат юрисдикциясидан чекланган дахлсизлик ҳуқуки билан консуллик муассасасининг фақат мансабдор шахсларгина фойдаланиши назарда тутилган. Консуллик муассасасининг мансабдор шахслар оғир жиноятларни содир этганликларида ёхуд суд ҳукмига асосан ҳибсга олиниши мумкин. Давлат юрисдикциясидан дахлсизлик ҳуқуки консуллик муассасасининг маъмурий-техник ходимлари ва уларнинг аъзоларига татбиқ этилмайди. Шундан келиб чиқиб, консуллик муассасаси ходимларига давлат юрисдикциясидан иммунитетни тақдим этиш борасидаги давлатлар ёндашувлари консуллик муассасасининг мансабдор шахслари бўйича ягона концепциясига эга бўлиб, асосан консуллик муассасасининг маъмурий ва техник ходимарига иммунитет бериш масалаларида фарқ қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида тузилган консуллик конвенциясида тўлиқ дахлсизлик ҳуқуки консуллик муассасасининг мансабдор шахслари ва уларнинг оила аъзолари берилади. Ушбу шахслар дахлсизлик ҳуқукидан фойдаланишлари учун қабул қилувчи давлат фуқаролари бўлмаслиги ҳамда мазкур давлатда доимий яшамаслиги лозим.

Консуллик муассасининг маъмурий-техник ходимлари ва уларнинг оила аъзолари давлат юрисдикциясидан дахлсизлик хукуқидан умуман фойдаланилмайди.

Фикримизча, консуллик муассасасини ходимларининг дахлсизлигини таъминлашда консуллик муассасаси мансабдор шахсларининг дахлсизлигини “Консуллик алоқалари тұғрисида”ги 1963 йилги Вена Конвенциясида белгиланган тартибдан келиб чиқиш зарур. Зоро, консуллик муассасаси мансабдор шахсларининг дахлсизлиги универсал хужжатда үз ифодасини топган халқаро хукуқий қадрият сифатида икки томонлама консуллик конвенцияларида сингдирилиши ва амалда таъминланиши даркор. Айни вактда консуллик муассасининг маъмурий ва техник персонал дахлсизлигини таъминлаш масалаларини ҳал қилиш консуллик алоқаларга киришиб бораётган давлатлар суверенитети доирасидаги хукуқдир. Улар ўзаро манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда мазкур масалани мустакил ҳал қилишга ҳақли. Амалиёт ҳам шу зайлда ривожланиб бормоқда.

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати.

1.Рахбарий адабиёт.

- 1.1. Каримов И. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.2. –Т.: Ўзбекистон, 1996. Б.47.
 - 1.2. Каримов И. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. –Т.: Ўзбекистон, 1996, Б.332.
 - 1.3.Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чукурлаштиршнинг муҳим вазифалари. -Т.: Ўзбекистон,1996.
 - 1.4.Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. Б.205.
 - 1.5.Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. Халқ сўзи.17 февраль 2005 йил
 - 1.6. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлашириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ килишдир. -Т.: Ўзбекистон, 2005.
 - 1.7. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16-йиллик мустакил тараққиёт йўли. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Махкамаси ва Президенти девонининг Республика мустакиллигининг 16-йиллигига бағишланган қўшма мажлисида сўзлаган маъруzasи. –Т.: Ўзбекистон, 2007.
- ### **2.Қонун хужжатлари ва халқаро шартномалар.**
- 2.1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 1999.
 - 2.2.Международные нормативные акты ЮНЕСКО. М., 1993;
 - 2.3.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. №1-2. 2001.январь-февраль. 218-219-бет.
 - 2.5.Ўзбекистан Республикаси халқаро шартномалари тўғрисидаги Конуни. АХТ “Норма”
 - 2.6. . Ўзбекистон Республикаси Консуллик Устави АХТ “Норма”
 - 2.7. Консуллик алоқалари тўғрисидаги Вена Конвенцияси, АХТ “Норма”
 - 2.8. Германия Федератив Республикаси фуқаролари учун виза бериси тартиботларини соддалаштириш тўғрисида Шартнома АХТ “Норма”
 - 2.9. Япония фуаролари учун виза тартиботларини соддалаштириш тўғрисида Шартнома Швейцария Конфедерацияси фуқаролари учун виза тартиботларини соддалаштириш тўғрисида Битим. АХТ “Норма”

- 2.10. Италия Республикаси фуқаролари учун виза тартиботларини соддалаштириш тұғрисида Битим. АХТ “Норма”
- 2.11. Испания Қироллиги фуқаролари учун виза тартиботларини соддалаштириш тұғрисида. Битим. АХТ “Норма”
- 2.12. Австрия Республикаси фуқаролари учун виза тартиботларини соддалаштириш тұғрисида Битим. АХТ “Норма”
- 2.13. Франция Республикаси фуқаролари учун виза тартиботларини соддалаштириш тұғрисида Битим. АХТ “Норма”
- 2.14. Буюк Британия ва Шимойи Ирландия Құшма Қироллиги фуқаролари учун виза тартиботларини соддалаштириш тұғрисида Битим. АХТ “Норма”

- 2.15. Бельгия Қироллиги фуқаролари учун виза тартиботларини соддалаштириш тұғрисидаги Битим. АХТ “Норма”

3.Махсус адабиёт.

3.1.Анцилотти Д. Курс международного права. -М., 1961. -С.257.

3.2. Бобылев Г.В., Зубков Н.Г. Основы консульской службы. - М.: 1996.

3.3 Блищенко Н.П. Дипломатическое право. - М.,2000

3.4.Блищенко И.И. Международное и внутригосударственное право. -М., 1986. -С.45.;

3.5. Гавердовский А.С. Имплементация норм международного права.-Киев., 1980.

3.6. Демин Ю.Г. Статус дипломатических представительств и их персонала. -М.: Международные отношения. 1995.

3.7.Калугин В.Ю. Международный механизм имплементации международного гуманитарного права. //Белорусский журнал международного права и международных отношений. 1999. №1. -С.76-82.;

3.8. Колосов Ю.М., Кузнецов В.И. Международное право. -М.: Международные отношения. 2000.

3.9.Курс международного права. Том 1. Понятие, предмет и система международного права. //Под.пер.А.Мюллерсон, Г.И.Тункин. –М.: Наука, 1989.

3.10. Касымов А, Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. — Т.: Үзбекистон, 1994;

3.11.Маткаримова Г.А. Имплементация жараёни// Қонун химоясида. 1999. 94-111-бет;

- 3.12.Мартенс Ф. Современное международное право цивилизованных народов М., 1874. -С.403-404;
- 3.13. А.Маматкулов. Халқаро хуқуқ. -Т.: Адолат, 1996.
- 3.14. Б.Миренский. Консультский Устав-основа консульского права. // Налоговые и таможенные вести. №3 1997.
- 3.15. .Миронов Н.В. Международное право: нормы и их юридическая сила. -М.,1960;
- 3.16.Лукашук И.И. Международное право. -М.,1997.
- 3.17..Лукашук И.И. Нормы международного права в правовой системе России. М., 1997;
- 3.18. Одилҳориев X., Очилов Б. Ҳозирги замон халқаро хуқуқи. Т.: ЖИДУ. 2002.
- 3.19. Юлдашева Г. Республка Узбекистан – субъект международного права. -Нукус.: Билим, 1995.
- 3.20. Сайдова Л. Развитие дипломатических отношений Республики Узбекистан зарубежными странами. –Т. //Хуқуқ. 2000. №7.
- 3.21. Сайдов А.Х. Халқаро хуқуқ: Дарслик /Масъул мухаррир: У.Тожихонов/ – Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси «Адабиёт жамғармаси» нашри. 2001
- 3.22. Сайдов Л. Источники современного дипломатического права: международные договоры и национальное законодательство Республики Узбекистан. -Т.: Адолат, 2001. 304-бет.
- 3.23. Смирнов Ю.М. Консультское право: практика применения, Москва, 2001.
- 3.24. Тункин Г.И. Теория международного права. М.:1970;
- 3.25. Умарахунов И.М. Республика Узбекистан и международное договорное право. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1995.
- 3.26..Умарахунов И.М Республика Ўзбекистан и международное договорное право. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1998.
- 3.27. Ҳакимов Р. Халқаро хуқуқ асослари. -Т.: Адолат,1996.
- 3.28.. Хидоятов Г.А. Основы дипломатии. Университет мировой экономики и дипломатии. Т., 1997.
- 3.28. Р. Ҳакимов. Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. -Т.: F.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2001;